

Э. В. ҚОДИРОВ, М. Ш. ШЕРМАТОВ,
Х. А. АКБАРОВ, Э. В. МОВЛОНОВ, А. А. ОДИЛОВ

ТАБИИЙ МУҲИТНИ МУҲОФАЗАЛАШНИНГ ГЕОЭКОЛОГИК АСОСЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим
вазирлиги инженерлик геологияси ва геоэкологик
мутахассислар бўйича бакалаврлар тайёрловчи
олий ўқув юртлари учун ўқув қўлланмаси сифатида
тавсия этган

Ушбу ўкув қўлланма икки қисмдан иборат бўлиб, унинг биринчи қисмida табиий муҳитни муҳофазалаш фанлари, унинг сифатини белгиловчи стандартлар, экологик экспертиза ва табиатни муҳофазалашдаги ташкилий масалалар, табиий ҳамда техноген жараёнларнинг муҳитга салбий таъсири ёритилган.

Ўкув қўлланманинг иккинчи қисмida инженер-геоэкологик текшириши ишларининг турлари ва усуслари, яъни геоэкологик хариталаш, геоэкологик қидиристув ишлари, геофизика, аэро-космик усуслардан фойдаланиш, намуналаш, лаборатория, тажриба, кузатиш ишлари, олинганд майлумотларни таҳдил қилиш, геоэкологик хариталар тузиш, ишорабелгилар ва мониторинг ҳақидаги тушунчалар таърифланган.

Мазкур қўлланма Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқилган таълим стандартларига мос равищда ёзилган бўлиб, геология йўналишида бакалаврлар (экология ва табиатдан фойдаланиши — В 850200) тайёрлайдиган олий ўкув юртлари учун мўлжалланган.

Тақрорчила: геология минералогия фанлари
докторлари *А. М. Худойберганов, К. П. Пулатов*
ва М. А. Аҳмаджонов.

Муҳаррир: *P. С. Тоирова*

Масъул муҳаррир: профессор
Ю. Ш. Шодиметов

ISBN 5-640-02624-3

T **1502000000 - 004** 99
M351(04)99

© “ЎЗБЕКИСТОН” нашриёти, 1999

СҮЗ БОШИ

Табиий мұхитни муҳофазалаш, унинг имкониятларидан оқилона фойдаланиш ҳозирги замоннинг энг долг зарб муаммоларидан бирига айланғандир.

Халқнинг истеъмол молларига бўлган талабини қондириш мақсадида ер ости конларини қазиб ва сувларини сўриб олиш, дәхқончилик қилинадиган ерларни, шаҳар ва қишлоқларни кенгайтириш, турли хил саноат корхоналарини куриш сўзсиз табиий мұхитта салбий таъсир кўрсатади. Бу таъсирни олдиндан кўра билиб, тегишли чора-тадбирларни кўриш, уларнинг салбий оқибатларини камайтириш, фойдали томонларини ошириш чоралари кўрилмаса, табиатнинг жонли қисми ўла бошлайди.

Фан-техника тараққиёти биз яшаб турган дунёни таниб бўлмас даражада ўзгартириб юборди. Экологик ҳалолкат, айрим ҳудудларда қилинган тахминларга кўра, олдини олиб бўлмаслик даражасида хавф түгдирмоқда. Аммо унинг тарқалишини камайтириш, техноген ва ижтимоий-маданий оқибатлар шиддатини тўхтатиш зарур. Бунинг учун турли соҳа мутахассислари ўзларининг экологик билимларини ошириб, режалаштирилаётган ишлари билан табиий мұхитни шикастламаслик чораларини кўрмоқлари керак.

Салбий экологик оқибатларнинг асосий сабабларидан бири ер, сув, минерал хомашёлардан фойдаланиш принципларини бузилишидир. Айнан шу принцип халқ хўжалигининг кам самарали-экстенсив йўлдан бориши учун қулай шароитлар яратди, ресурсларни тежайдиган техника ва технологиянинг кенг жорий қилинишига тўсқинлик қилди, шунингдек, атроф мұхитта зарар етказган ҳолда режани бажариш каби файри экологик ёндашувни келтириб чиқарди.

Марказий Осиё қишлоқ хўжалигини экстенсив ривожлантириш, ер ва сувдан тартибсиз фойдаланиш натижасида Орол денгизи қурий бошлади. Унга яқин жойлашган ерларнинг экологик системаси, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси чукур инқирозга учради. Минтақанинг юз минг гектарлаб ерлари жизғанак бўлиб, шўрланиб ётибди. Пахта етиштиришга ажратилган ер майдонларининг анчагина қисмини касаллик қўзғатувчи зааркундалар ва оғриган ўсимликлар босган.

Давлат об-ҳаво хизмати қўмитаси маълумотларига қараганда Орол денгизининг қуриган ва қарийб 26 минг квадрат километрга ҷўзилган тубидан ҳар йили 65 миллион тонна миқдорида кўз илғамас даражадаги чанг ва туз шамол билан учирив кетилади. Улар шамол кучи сўна бошлаган ҳудудларда ёғилиб, ёмғир сувининг минераллашувини, ерларнинг шўрланишини оширишга, тоғдаги музликларнинг эришини тезлатишга сабаб бўлмоқда.

Марказий Осиё ҳудудида қуёш ҳароратининг юқори бўлиши инсон организмида қон айланишини кучайтиради, кўп миқдорда терлатиб, айрим кимёвий моддаларнинг тери орқали сўрилишига, хатто меъёрномада қўрсастилган энг кичик рақам ҳам ҳалокатли заҳарланишга олиб келиши мумкин. Бундай шароитларда руҳий (85 фоизга) ва асаб хасталиклари (109 фоизга), нафас олиш аъзолари хасталиклари (108 фоизга) кўпаяди. Таркибида нитробирикмалар мавжуд бўлган сув ва озиқ-овқат маҳсулотларини узок муддат истеъмол қилиш моддалар алмашинуви, таянч-ҳаракат ва асаб тизимлари хасталикларини, ирсий нуқсонларни келтириб чиқаради.

Республикада Чирчик, Олмалиқ, Оҳангарон, Ангрен, Фарғона, Марғилон, Навоий ва бошқа бир қатор жойларда кимёвий, нефть-кимёвий ҳамда микробиологик тармоқлар корхоналарининг, кўп қувват ва сув талаб қиладиган ишлаб чиқариш воситаарининг қўплиги туфайли экологик шароит кескинлашди.

Тожикистоннинг Турсунзода шаҳрида жойлашган алюминий заводининг салбий оқибатлари Сурхондарё вилоятининг Сариосиё, Денов, Шўрчи ва Олтинсой туманларида сезилди. Натижада анор ва хурмонинг ҳосилдорлиги ва сифати пасайиб кетди, аҳоли саломатлиги эса ёмонлашди.

Республикамиз мустақиллікка эришгач, соғлом авлодни тарбиялаб ўстириш учун алоҳида аҳамият берілмоқда. Ёш авлоднинг ва умуман табиатнинг жонли қисмийнинг соғлом үсиши табиатнинг жонсиз қисмини ташкил қылган ер, сув ва ҳавонинг тозалигига боғлиқдир. Шу сабабли Республикамиз Президенти И. А. Каримов экологик муҳитни соғломлаштиришга ва Орол деңгизи муаммосига алоҳида эътибор бермоқдалар. Ўзбекистон Конституциясида фуқаролар табиатни муҳофаза қилишлари, унинг бойликларини қўриқлашлари шарт эканлиги кўрсатилган. Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида 1992 йил 9 декабрда Ўзбекистон Республикаси Қонуни тасдиқланди. Олим, мутахассис ва сиёсий арбобларни экология ва соғломлаштириш муаммоларига жалб этиш, шунингдек, халқинг экологик билимини ошириш мақсадида 1992 йилда Халқаро ЭКОСАН Жамғармаси ташкил этилди. Кейинги беш йил ичидаги табиатни муҳофазалаш, Орол деңгизи, экологик таълим ва тарбия муаммоларига бағишлиган халқаро ва республика илмий-услубий кенгашлари бўлиб ўтди; натижада экологик назорат кучайтирилиб, замонавий технология ва ишлаб чиқариш усувларига ўтиш ҳисобига чиқиндилар миқдорининг камайиши кузатилмоқда.

Табиий муҳитни муҳофазалаш учун сарфланадиган харжатлар миқдори уни шикастлаб, қайта тиклашга кегадиган харажатларга нисбатан камдир. Шунинг учун хавфли ҳолатларни олдиндан билиш, тегишли чораларни кўриш, экологияянинг асосий вазифаларидан биридир. Шу нуқтаи назардан “Табиий муҳитни муҳофазалашнинг геоэкологик асослари” ўкув қўлланмасининг аҳамияти катта.

Ўкув қўлланма 9 бобдан иборат. Унинг 1—7 бобларида табиий ва геологик муҳит, табиий муҳофазалаш фанлари, табиий муҳитнинг сифатини белгиловчи меъёрномалар, экологик экспертиза, табиатни муҳофазалашдаги ташкилий масалалар, табиий ва инсон фаолияти билан боғлиқ бўлган хавфли жараёнлар таърифланган. Ўкув қўлланманинг “Геоэкологик текшириш ишлари” бобида геоэкологик ҳужжатлаштириш, геоэкологик тасвирлаш, геоэкологик қидирув ишлари, аэрокосмик текшириш усли, намуналаш, лаборатория ишлари, тажриба ишлари, кузатув ишлари таърифланган. Унда берилган маълумотлар экологияси кескин ёмонлашиб кетган ҳудудларда

геоэкологик текшириш ўтказадиган мутахассисларга мұлжалланған. Бу бобда берилған маълумотлардан қишлоқ хұжалиғи ходимлари ҳудудларнинг гидромелиоратив ҳолатини белгилашда, тупроқда бұлаёттан ўзгаришларнинг динамикасини аниклашда фойдаланишлари мүмкін.

Умуман Ўзбекистоннинг йирик олимлари томонидан ёзилған “Табиий мұхитни муҳофазалашнинг геоэкологик асослари” ўкув құлланмаси талаба ва мутахассисларнинг экологик билимини оширишда, табиий мұхитни зараплантирумай, унинг имкониятларидан оқилона фойдаланиш усулдарини ўргатищда хизмат қылади.

*Масъул мұхаррир
Халқаро ЭКОСАН
жамғармаси Президенти,
профессор Ю. Ш. Шодиметов.*

КИРИШ

Табиий муҳит — ҳаёт ва инсоният маконидир. Табиат ниҳоятда мукаммал бўлиб, унинг бир маҳсули иккинчи-сига озуқа ҳисобланади ва кўпайишга имкон беради.

Техника тараққиёти табиий бойликлардан фойдаланишни ва табиий муҳитни заҳарловчи моддалар билан шикастланишини меъёридан ошириб юборди. Натижада табиий мувозанат бузилмоқда. Ҳаво, сув ва тупроғи ўзгарган, бузилган худудлардаги ўрмонлар йўқолиб, уларнинг ўрнини чўллар ва саҳролар эгалламоқда. Ёввойи ҳайвонлар, балиқлар ва кушлар қирилиб бормоқда, инсоният саломатлигига зиён етказилмоқда. Шунинг учун ҳам табиатни муҳофазалаш ишлари давримизнинг сиёсий, иқтисодий, техник ва тарбиявий аҳамиятга эга бўлган муаммоларидан бирига айланди. Табиат қонунларига эътиборсизлик оқибатида ҳалқ ҳужалигига зиён келтирилмоқда, ернинг чўкиши ва сурилиши, сел каби ҳавфли ҳодисалар кўпаймоқда, ичимлик сувларининг ифлосланиши эса сув танқислигини юзага келтирмоқда.

Кейинги йилларда Республикаизда табиатни муҳофаза қилишга эътибор кучайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” асарида ҳам табиатни муҳофазалашга алоҳида эътибор берилган. Лекин бузилган муҳитни тиклаш, уни асраб қолишга нисбатан жуда қийиндир. Шунинг учун ҳам Орол денгизининг дастлабки табиий ҳолатини тиклаш масаласи ҳозирги куннинг дол зарб муаммоларидан бўлиб қолмоқда. Қорақум канали атрофида вужудга келган кўл ва ботқоқларни йўқотиб

бұлмаяпты. Бундай күнгілсиз ҳолаттарнинг вужудға келішига сабаб қурилиш, бұз ерларни үзлаштирувчи мутахассис мұхандислар ва ҳатто раҳбар ходимларда экологик билимнинг етишмаслигидир.

Табиий мұхитни муҳофаза қилиш мақсадыда инсоннинг табиатта қыладыган ҳар қандай таъсирини инкор этмай, фақат унинг салбий оқибаттарини камайтирувчи усуулар орқали халқ хұжалигини ривожлантириш йўлида зарурый тадбирларни амалга оширмоқ керак.

“Экология” грекча сүз бўлиб, яшаш жойи ва мұхит ҳақидаги фан маъносини англатади. Бу сүз кўп вақтгача, асосан, биология фанида қўлланиб келинганд. Ҳозирги даврда унинг луғавий маъноси кенгайиб, у табиий, техника ва ҳатто ижтимоий фанларга ҳам кириб бормоқда. Экология фани ниҳоятда кўп тармоқлидир, масалан, биоэкология, гидрометиоэкология, саноат экологияси ва ҳоказо.

Экологиянинг барча соҳа тармоқларини фақат битта соҳа мутахассиси үзлаштириб олиши қийин. Шунинг учун улар экологиянинг үзларига тегишли йўналишларини үзлаштирасалар ва унга амал қилиб ишласалар, мақсадта мувофиқ бўлади.

Табиий мұхитни муҳофазалашда инсон фаолияти таъсиридаги Ер қобиғининг устки қисмими ташкил этган тоғ жинсларини, тупроқларни ва ер ости сувларини зарарли моддалар билан ифлосланишидан, ер сатҳи тузилишининг ўзгаришидан, сурилма, чўкиш, сел, тупроқ эрозияси ёки шўрланиш, ботқоқланиш, ер қимирлаш каби салбий жарайёнлардан саклаш, чора-тадбирлар белгилаш, ҳамда ер ости қазилма бойликларидан омилкорлик билан фойдаланиш табиий мұхитни муҳофазалашнинг геоэкологик асослари ҳисобланади. Кейинги йилларда экологик мұхит ёмонлашган ҳудудларда маҳсус геоэкологик қидириув ва хариталаш ишлари ўтказилмоқда. Бу ишларни амалга оширишда табиий мұхитни ташкил қилувчи геологик компонентларнинг вужудға келиши, ривожланиши ва барҳам топиши қонуниятларини билмасдан туриб, бирор бир чора-тадбир белгилаш ёки кўриш қийин. Шунинг учун ушбу ўқув қўлланмада ана шу геологик компонентларга салбий таъсир этувчи табиий ва одамлар фаолияти билан боғлиқ бўлган техноген омиллар тўғрисида, уларнинг таъсир даражаси, келтириб чиқарадиган оқибатлари тўғрисида маълумотлар берилган. Ушбу йўна-

лиш геологияда янги соҳа бўлганлиги сабабли қўлланманни камчиликлардан холи деб бўлмайди. Шунинг учун қўлланма тўғрисидаги фикр ва мулоҳазаларни самимият билан қабул қиласиз.

Қўлланманинг 1—5-боблари ТДТУ проф. Э. В. Қодиров, 6, 7, 8, 9-боблари ЎзРФА Ер фанлари бўлиммининг раиси акад. Х. А. Акбаров, ЎзРФА Ф. О. Мовлонов номидаги Сейсмология институти лаборатория мудири, проф. М. Ш. Шерматов, М. Улугбек номидаги Тошкент давлат университетининг проф. Э. В. Мовлонов ва Ўзбекистон Республикаси геология ва минерал ресурслари қўмитасига қарашли Минерал ресурслар институти бўлими бошлиги доц. А. А. Одилов билан ҳамкорликда ёзилган.

Ушбу ўқув-қўлланма табиий муҳитни ҳар томонлама мудофаза қилишга бағишланган бўлиб, ёш авлодни баркамоллиги, соёлом ва бақувват бўлиши, замонавий экологик билимларни эгаллашида асосий замин бўла олади.

Қўлланма гидрёгеология ва инженерлик геологияси соҳалари бўйича таълим олаётган талабалар учун мўлжалланган бўлиб, ундан геология, география, кон ва қурилишнинг турли йўналишларида билим олувчилар ҳамда экология соҳасида иш олиб борувчи мутахассислар фойдаланишлари мумкин.

1. ТАБИЙ ВА ГЕОЛОГИК МУХИТ

Табиат деганимизда бутун борлик, турфа олам, сайёрамиздаги жонли ва жонсиз жисмлар тушунилади. Ернинг жонли қисмига ўсимлик, ҳайвонот дунёси ва микроорганизмлар, жонсиз қисмига эса ҳаво, сув ва тоғ жинси қатламлари киради. Улар бир-бирлари билан ўзаро узвий боғлиқdir. Унинг жонли қисми жонсиз қисми таркибни ўзгартиришда, органик моддалар билан бойитишида, тупроқ ва чўкма фойдали қазилма конларини ҳосил қилишида қатнашади.

Табиий муҳитни ташкил қилувчи асосий таркибий қисмлари ер сатҳининг тузилиши, тоғ жинслари, ҳаво, ер устки ва остики сувлари, тупроқ, ўсимлик, ҳайвонот дунёси табиий муҳитнинг компонентларидир. Табиий муҳит компонентлар йигиндисини ифодаловчи тушунча немис тилида “ландшафт” деб аталади. Яъни “Ландшафт” сатҳ тузилиши, геологик замин, иқклим, сув, тупроқлар, ўсимлик туркуми. Ҳайвонот дунёсининг бир хиллиги билан ажаралиб турадиган, маълум кўринишга ва чегарага эга бўлган ер ҳудудини англатади.

Ландшафтни ташкил этувчи компонентлар орасида доимий равища модда ва энергия алмашинуви содир бўлади ва у ландшафт қобиғининг бир бутунлигини намоён этади. Ландшафтнинг бирон бир ташкил этувчи компоненти инсон фаолияти таъсири (бетартиб равища ўрмонларни кесиш, ер қазиш, катта сатҳларни шудгорлаш, суғориш ва ҳоказо) натижасида ўзгартирилса, у албатта иккинчи ташкил этувчи компонентга ҳам таъсир этади, яъни уни ҳам ўзгартириб юборади. Натижада ландшафт қобиғида салбий ўзгаришлар рўй беради. Масалан, ўрмонларни нотўғри кесиш натижасида тупроқда намлик миқ-

дори камаяди ва тупроқ эрозияси бошланади, үрмон ҳайвонлари йүқолади. Тупроқ эрозияси эса ўз навбатида текисликларда кум барханларининг ва тоғли үлкаларда сел жараёнларининг ҳосил бўлишига сабаб бўлади.

Геологик муҳитнинг умумий таърифи йўқ. Геологик муҳит деганда инсониятнинг техник фаолияти таъсир қиласиган, ландшафт билан ўзаро боғлиқ бўлган литосфера ва ер ости гидросферасининг юқори қисми тушунилади. Қазилма конларни ўрганувчи мутахассислар геологик муҳит деганда конларни ҳосил қилувчи муҳитни, яъни литосферанинг юқори қисмини тушунадилар. Гидрогеологлар эса ер ости сувларини ҳосил этувчи литосферанинг юқори қисми билан ер ости сув ҳавзалари гидросферасини тушунадилар. Фикримизча муҳандислик геологиясида геологик муҳит деб инсон фаолияти таъсiri доирасидаги литосферани, гидросферанинг юқори қисмини ва атмосферанинг пастки қисмини тушунмоқ зарур. Инсон фаолиятининг таъсири, аксарият, Ер қобиғининг юқори (халқ хўжалиги иморат иншоотлари қад кўтарадиган ва таъсир этадиган) 20—30 м қисми бўлиб, баъзан кон қазиб олишдаги бевосита таъсири 3—4 км чукурликкача, нефть ва газ қудуқлар орқали бевосита таъсири 5—9 км гача етади. Бу инженер-геологик муҳит тушунчаси геологик муҳит тушунчасига яқин турганлигини кўрсатади.

Геологик муҳит баъзан геосфера деб ҳам аталади. Геосферага литосфера ва гидросферанинг юқори (3—5 км) ва атмосферанинг пастки (10—15 км) қисми киради. Органик мавжудотлар, асосан, Ернинг шу қисмида ҳаёт кечириши сабабли уни биосфера деб ҳам аташади. В. И. Вернадский биосферадан оқилона фойдаланиш зарурлигига алоҳида эътибор бериб, уни ноосфера — онгли ҳаёт ӯрами деб номлайди. Тирик мавжудотлар табиий муҳит билан доимо алоқада бўлиб, унда органик моддаларнинг бири иккинчисига озуқа, яъни зарурий ҳомашё вазифасини бажаради; бундан ҳатто чиқиндилар ҳам тупроқ унумдорлигини оширишда хизмат қиласиди. Табиат ўзи ҳазм қила олмайдиган маҳсулотни чиқармайди. Биосферадаги тирик организмлар массасининг 94,5% и ўсимликлар биомассасига тўғри келганлиги сабабли, уларнинг модда ва энергия алмашинувини тартибга солиб туришдаги аҳамияти ниҳоятда каттадир. Ўсимликлар йилига 500 млрд тонна

карбонат ангидрид ютиб, 460 млрд тонна кислород ажратиб чиқаради.

Тирик организмларнинг фаолияти уларнинг яшаш мұхитини ташкил этувчи атмосфера, литосфера ва гидросферага боғлиқ.

Атмосфера. Ер куррасини үраб олган ҳаво қатламини атмосфера дейилади. У ерда яшовчи тирик организмларни кислород ва бошқа зарурий газлар билан таъминлайды, турли ультрабинафаша нурлардан, самодаги метеорит заррачаларидан ва ҳароратнинг кескин үзгаришидан ҳимоя қиласы. Агар атмосфера қатлами бұлмаса, ер юзаси кечалари — 100°C совиб, кундуз кунлари 100°C гача исиб кетарди, яғни ой каби ҳаётсиз жисмінде айланарди. Кислород үсимликларнинг фотосинтезі натижасыда ҳосил бўлади. Ҳаёт учун зарур ҳисобланган ҳаво қатлами атмосферанинг пастки, яғни тропосфера қисмидаги жойлашгандир. Тропосферанинг қалинлиги шимолий ва жанубий кутбда 8 км, экваторда эса 18 км гача боради. Ҳаво ҳарорати ҳар 100 метр баландликга кўтарилиганда 0,6°C га камаяди. 10 км баландликда ҳарорат ёзда —45°C ва қишида —60°C гача боради. Тропосферанинг юқори қисмидаги азон қобиги ердаги ҳаётни күёшнинг ультрабинафаша нурларидан асрайди.

Энг тоза ҳаво океан сувлари устидалир. Қишлоқлар устида ҳаводаги чанг зарралари миқдори океан юзасынан 10 баробар, шаҳарлар устида ҳаводаги чанг 35 баровар, саноат корхоналари устида 150 бараваргача ортиқ бўлади. Ҳавонинг чанг билан ифлосланиши 1,5—2 км баландликни ташкил этади; қуёш нурларини ёзда 20% ини ва қишида 50% ини тутиб қолади. Ерда ҳаётнинг давом этиши, асосан, ҳавонинг тозалигига боғлиқ. Масалан, инсон овқатсиз ва сувсиз бир неча кун яшай олиши мумкин, аммо ҳавосиз фақат 5 минутгина яшайди. Бир киши кунига 1 кг овқат ва 2 л сув истеъмол қилиб, 25 кг ҳавони нафас олиш учун сарфлайди. Шунинг учун ҳам ҳавонинг ифлосланишига йўл қўймаслик керак.

Тоза ҳаво фақат инсон учунгина эмас, балки ҳайвонот ва үсимлик дунёси, антибиотиклар, яримўтказгичлар, аниқ ўлчагич асбобларини ишлаб чиқарадиган саноат тармоқлари учун ҳам зарурдир.

Атмосфера газ ҳолидаги азот (78,08%), кислород (20,95%), аргон (0,93%), карбонат ангидрид (0,03%) дан ибо-

рат бўлиб, водород, неон, гелий, криптон, метан ва бошқаларни йифиндиси 0,01% ни ташкил этади. Бундан ташқари атмосферада сув буглари, чанг заррачалари, саноат корхоналари чиқиндилари ёқилғи маҳсулотларининг чала ёнишидан ҳосил бўладиган курумлар мавжуд.

Саноатнинг жадал ривожланиши, турли ёқилғиларнинг ёндирилиши, ўрмонларнинг камайиши, океан сувларининг нефть маҳсулотлари билан ифлосланиши, ядро қуролларининг портлатилиши натижасида атмосферадаги кислород миқдорининг кескин камайиб, карбонат ангидриди ва азот оксидлари миқдорининг ошиши кузатилмоқда. Агар карбонат ангидриди миқдори ошиб бора-верса, атмосферанинг ифлосланишини олди олинмаса яна 50 йилдан сўнг ер юзасининг ҳарорати $1,5-4,5^{\circ}\text{C}$ га ошиши мумкин. Шу боисдан ҳам музликлар эриши, океан сувларининг сатҳи кўтарилиши, қуруқликнинг бир қисмини сув босиши, географик мұхитнинг ўзгариши ҳақида ҳар хил тахминлар қилинмоқда.

Кўёш Ер куррасини бир текис иситмаслиги натижасида атмосфера оқимлари (шамол), иқлим минтақалари, намлиқ зоналари ҳосил бўлади. Ҳаво оқими ўзи билан бирга иссиқлик, намлиқ, табийи ва инсон фаолияти таъсирида ҳосил бўлган чанг ва кукунларни узоқ-узоқларга олиб боради.

Атмосфера оқимлари катта тезлик билан ва кенг доирда (масштабда) ҳаракат қилганлиги сабабли унинг ифлосланиши ҳам қисқа вақт ичида узоқ ерларга тарқалади. Масалан, экологик талабларга жавоб берга олмайдиган саноат корхоналари, ҳатто қўшни давлат ҳудудлари экологиясининг ҳам бузилишига сабаб бўлмоқда.

Ҳаво ҳарорати ва намлиги ўсимлик ҳамда ҳайвонот турларининг ривожланишига, тоғ жинсларининг нурашига, тупроқ эрозиясига ва бошқа кўп хил экзоген жараёнларнинг вужудга келишига ёки барҳам топишида, ер ости сувларининг ҳосил бўлишига хизмат қилувчи асосий омиллардан бири бўлиб ҳисобланади.

Гидросфера. Ер юзасидаги сув миқдорининг 93,96% ини океан ва дengiz сувлари, 1,65% ини музликлардаги сувлар, 4,12% ини ер ости сувлари, 0,026% ини кўл сувлари, 0,001% ини атмосфера сувлари, 0,0002% ини дарё сувлари, 0,0001% ини ўсимлик ва жонли мавжудотлар танасидаги сувлар ташкил қиласди. Буларнинг ичида

чучук сувлар фақат 2% га яқин миқдорни ташкил этади. Лекин чучук сувлар ер сатхидә нотекис тарқалғанлиги ва ифлосланиб ичишга ярамай қолғанлиги сабабли, 50 дан ортиқ мамлакатларда сув узоклардан машина, поезд, пароход ва ҳатто самолётларда ташиб келтирилади, ёки қувурлар орқали узатилади. Европадаги Рейн, Эльба ва бошқа күпгина дарёларнинг суви ифлосланғанлиги сабабли Дания, Голландия ва Германияга ичимлик сув Норвегиядан қувурлар орқали келтирилмоқчи. Ҳозир Голландиянинг Ротердам шаҳридаги дўконларда Норвегиядан келтирилган тоза сувнинг нархи винодан ҳам қимматдир. Саноатнинг ривожланиши, аҳолининг қўпайиши сув танқислигини янада оширади. БМТ нинг маълумотига қараганда, ҳозирги даврнинг ўзида шаҳар аҳолисининг 23% и, қишлоқ аҳолисининг 80% и сифатли ичимлик сув билан таъминланмаган. Сифатсиз сув истеъмол этиш натижасида йилига 500 млн киши касалланади.

Гидросферадаги сув доимо ҳаракатда бўлиб, бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиб туради. Ер юзасида йилига 520 000 км³ сув буғланиб, атмосферага кўтарилади ва тўйиниб, ёғин тарзида яна ер юзасига қайтиб тушади. Ёғин сувларининг бир қисми яна буғга айланади, бир қисми ерга шимилиб, ер ости сувларини ташкил қиласди, бир қисми дарёларга оқиб тушади. Сатқа текислиги, ўрмон билан қопланиши, тоғ жинсларининг сув ўтказувчанлиги ошган сари ёғин сувларининг дарёга оқадиган қисми камайиб боради. Атмосфера ҳарорати ошган сари, сувнинг буғланиши ошиб боради. Эстонияда олинадиган чучук сувнинг 3% и буғланишга сарфланса, Туркманистанда унинг 25% и сарфланади. Ер куррасида сувнинг ўтгутов айланиши натижасида дунё океанлари суви 3000 йилда, кўллар 7 йилда, дарё сувлари 12—31 кунда бир марта алмашиниб, янгиланиб туради. Дарё, кўл, сув омборлари атрофидаги ер ости сувлари ер устки сувлари билан ўзаро боғлиқ ҳолда бўлиб, саёз жойлашади. Улар асосан чучук бўлиб, таркиби ер устки сувларининг таркибига боғлиқ бўлади. Уларнинг 100 м чуқурликкача бўлган қисмida ер ости сувларининг буғланиб, булоқлар ҳолатида чиқиб, қайта алмашиниб туришига бир неча йилар кетади. Ер ости сувларининг чуқурлиги ошган сари уларнинг тезлиги, ташқи муҳит билан алоқаси камайиб, ал-

машиниб туришига бир неча минглаб йиллар кетади. Шунинг учун 300—500 м дан чуқурда ётган ер сувларининг табиий түйиниши, йўқотган миқдорини қайта тикланиши ниҳоятда секин боради. Бу чуқурликда сувли қаватлар сув ўтказмайдиган чўкинди жинслар қатламлари орасида ётганлиги сабабли ташқи муҳитдан деярли ажаралиб қолган. У ердаги суюқлик ва газлар тектоник ҳаракатчанг ҳудудларда катта босим таъсирида бўлади. Бу ўз навбатида қабариқ бурмаларида нефть, газ, ботиқ бурмаларида артезиан сувларининг сақланиб қолишига қулай шароит туғдиради. Чўкинди жинслар асосидаги кристалланган жинслар мўрт бўлганлиги сабабли тектоник кўтарилиши ва пасайиш жараёнлари оқибатида синиб, ёриқлар ҳосил бўлади. Кўтарилиб қабариқ бурма ҳосил этаётганда ёриқлар кенгайиб, юқори қабатлардаги суюқликларни ютади. Ботиқ бурмаланаётганда ёриқлар торайиб, ичидаги суюқлик ва газларни юқори қабатларга сикиб чиқара бошлайди. Ер сатҳидан пастга қараб чукурлашган сари ер ости сувларининг ҳарорати ошиб боради. Суюқ ҳолдаги сув 10—12 км чуқурликкача тарқалган бўлиб, ундан пастда буф ҳолда ёки минераллар билан кимёвий боғланган ҳолда учраши мумкин. Океанлар орасида Тинч океаннинг Мардан ботифи энг чукур (11022 метр) ҳисобланади. Атмосферада сув буғлари 10—18 км баландликкача бўлган масофада учрайди. Кутблардаги музликларнинг энг қалин жойи 4 км ни ташкил этади.

Л и т о с ф е р а . Литосфера грек тилида “тош ўрам” маъносини англатади. Ернинг қаттиқ ҳолатдаги тош ўрамининг қалинлиги океан тубида 5—7 км, қуруқликда 30—40 км ва тоғли ўлкаларда 70—80 км гача боради, у чўкинди, метоморфик ва магматик тоғ жинсларидан ташкил топган. Ер сатҳида асосан чўкинди тоғ жинслари тарқалган бўлиб, уларнинг қалинлиги 20 км гача боради. Тоғларнинг баъзи ерларида улар ювилиб кетиб, океан тубларида уларнинг қалинлиги бир неча юз метр бўлади. Улар таркиби бўйича чақиқ кимёвий ва органик чўкиндилардан ташкил топган бўлиши мумкин. Чўкиндиларнинг остида 10—40 км қалинликдаги гранит қобиғи жойлашган бўлади, океан тубида улар учрамайди. Гранит ва океан чўкиндилари қобиғи остида базальт қобиғи жойлашгандир. Унинг қалинлиги океан тубида 5—7 км ва қуруқликда 20—30 км га боради.

Ернинг тош ўрами сатҳининг ташқи тузилишига рельеф дейилади. Рельефнинг пайдо бўлишини, унинг ёшини, морфологик тузилишини, ўзгаришини ва тарқалиши қонуниятларини геоморфология фани ўрганади. Ер сатҳининг тузилиши, тарихий тараққиёти, унда ҳаётни ривожланиши асосан Ернинг ички қисмida вужудга келадиган текtonик жарабаёнларга ва иқлимга боғлиқдир.

Ернинг муз қопламаган қуруқлик сатҳи 133,4 млн км² бўлиб, унинг 55,4 млн км² и тропик, 24,3 млн км² и субтропик, 22,5 млн км² и мўътадил, 21,2 млн² и кутб минтақаларига тўғри келади. Қуруқликнинг 10—11% и деҳқончиликда ва 20% и пичанзорлар ўрнида ишлатилади. Дунё аҳолисининг жон бошига 0,4 гектар деҳқончилик қилалидиган ер тўғри келади. Ер текис, намлик ва ҳарорати етарли бўлган гил тоғ жинсларидан ташкил топган бўлса, у ўсимлик, ҳашарот ва микроорганик қолдиқ чиқиндиларига бойиб, тупроқ қатламишининг ҳосил бўлиши тезлашади. Тупроқ қатламишининг қалинлиги таҳминан 1—3 метр бўлиб, у А, В, С қабатлардан иборат бўлади. Юқорида жойлашган чириндига бой бўлган энг унумдор қисми А — гумус қабати ҳисобланади. Унинг қалинлиги 0,5—0,7 метргача боради. Унинг остида тепадан ювилиб тушган карбонат тузли В — иллювиал қабат жойлашган бўлиб, 1,5—2 метр чуқурликда кам ўзгарган С — она жинс қатлами ётади. Тупроқ турлари қутблардан экваторга, ҳамда текисликлардан тоғларга қараб иқлим ўзгариши билан қонуний равишда ўзгариб боради. Мўътадил минтақанинг йиллик ёғингарчилиги 500—600 мм бўлган чўл ва ўрмон чўлларида чиринди (гумус)га бой (10% гача) энг унумдор, қўнғир, қора тупроқлар тарқалган. Марказий Осиёнинг дашт ва ярим даштларида ўсимликларнинг табиий шароитда ривожланиши учун намлик етишмаганлиги сабабли, кам (1—2%) гумусли кулранг бўз тупроқлар тарқалган.

Геологик замин, рельеф ва иқлимнинг ўзгаришига қараб ҳар ернинг ўзига хос тупроқлари, ўсимлик турлари ва ҳайвонот дунёси ривожланади.

Инсониятнинг деҳқончилик ва қурилиш фаолиятлари таъсирида табиий ландшафтни ўзгарган ҳудудлар майдони йилдан йилга ошиб бормоқда. Ҳозирги вақтда Ер юзасидаги қуруқликнинг 10—11% ини ҳайдаб деҳқончилик қилалидиган ва 2% ини ҳар хил иншоотлар қуриб банд қилган

маданий ландшафтта айлантирилган. Европада бу күрсаткичлар 30% ва 10% ни, Осиёда 21% ва 2% ни, Австралияда 5% ва 2% ни ташкил қиласа, Ўзбекистонданда 12,5% ва 6,5% ни ташкил қиласи. Куруқликнинг 0,3% ига шаҳарлар жойлашган. Шаҳарлар майдони Германия ҳудудининг 10% ини, Буюк Британиянинг 12% ини, Ўзбекистоннинг 2,2% ини эгаллади.

Литосфера сатҳидан инсониятнинг яшashi учун зарур бўлган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етишириш (керакли иншоотлар қуришда фойдаланишдан ташқари) ва қазилма бойликлар қазиб олишда фойдаланилади. Очиқ усульда қазиладиган конларнинг чуқурлиги 800 метрга, ёпик усульда қазиладиган конларнинг чуқурлиги 3—4 км га етади.

БМТ нинг маълумотига кўра, дунёда 1972 йилда 3 231 100 минг т кўмир, 2 646 290 минг т нефть, 600 200 минг т темир рудаси, 75 180 минг т боксит, 3660 минг т хром рудаси, 7300 минг т мис, 3350 минг т қўрошин рудаси, 5430 минг т рух рудаси, 159 200 минг т туз, 118 500 минг т фосфоритлар ва бошқалар қазиб олинган.

Иирик metallургия саноат корхоналари атрофида ландшафтнинг ўзгариши, ўсимликларнинг қуриб даштга айланиши юз бериб, БМТ экспертиларининг маълумотига кўра қуруқликнинг 1/3 қисми ифлосланиб, саломатликка заарали ҳолатга келган. Инсониятнинг бефарқлиги ва атроф муҳитта эътиборсиз қараши натижасида Европада биринчи марта Қалмиқлар ерида 500 минг гектарли дашт пайдо бўлади (у ҳар йили 50 минг гектарга кенгайиб бормоқда). Мутахассисларнинг фикрича XXI асрга бориб қуруқликнинг 1/6 қисми кон, йўл ва ҳар хил иншоотлар тагида қолади. Аҳоли сонининг ошиб бориши қурилишларнинг кенгайиши дехқончиликка яроқли ерларнинг камайишига сабаб бўлмоқда. Шуларни инобатга олиб, ернинг унумдорлигини 3,5—4% га оширилмаса, мутахассисларнинг фикрича XXI асрга бориб, планетамизда йилига 200 млн т дон етишмовчилиги ҳолати юз бериши мумкин.



914205

2. ТАБИЙ МУҲИТНИ МУҲОФАЗАЛАШ ФАНЛари

Табиий муҳитни сақлаб қолиш, табиий бойликлардан омилкорлик билан фойдаланиш, жаҳон халқлари олдиғаги асосий муаммолардан бирига айланди. Бу муаммо кейинги йилларда қатор табиий, техник ва ҳатто гуманистар фанларнинг энг асосий вазифаларидан бирига ҳам айланмоқда.

Экология грекча сўз бўлиб, экос — яшаш жойи, уй, муҳит, логия — фан маъносини англатади. Бу сўзни фанга биринчи марта 1869 йили немис зоологи Э. Геккель киритган бўлиб у кўп вақтгача факат биология фанида ишлатилиб келинган. Инсониятни табиатга нисбатан салбий таъсири ошиб, ҳаво, сув, тупроқ таркибининг ўзгаришига, инсон саломатлигининг ёмонлашишига сабаб бўла бошлагандан сўнг экология сўзининг лугавий маъноси кенгайиб, у ҳозирги вақтда табиий муҳит ва ундан омилкорлик билан фойдаланишни ўргатувчи фан маъносини англатмоқда. Ў ниҳоятда кўп тармоқли фанлардан бўлиб, ундан биоэкология, социал экология, гидрометеоэкология, муҳандислик экологияси, геоэкология каби қатор йўналишлар ажралган, улар ўз навбатида мутахассислигига қараб алоҳида бўлимларга бўлинади.

Биоэкология ўсимлик ва бактериялардан тортиб, ҳатто одам каби мураккаб биоорганизмларнинг яшаш муҳити, кўпайиши, ривожланиши, ўзаро алоқасини ўрганади. Унда популяция (кўпайиш) экологияси, ўсимликлар экологияси, микроорганизмлар экологияси, одам экологияси каби кўп бўлимлар бор.

Социал экология инсонни биологик жиҳатдан ўрганимайди. Инсониятнинг ёки унинг алоҳида социал гуруҳини яшаш, кўпайиш муҳитларини ўрганади. Бу соҳа мутахассислари асосан гуманитар фанларнинг вакилларидан бўлиб, асосий мақсадлари жамоа учун қулай муҳитларни ўрганишдан иборат.

Проф. Ю. Ш. Шодиметов таърифича “Ижтимоий экология — бу уйғунлашган фан бўлиб, у инсон, жамият ва табиатнинг ўзаро муносабатларини тадқиқ, этади”. Ижтимоий экология бир қатор амалий муаммоларни тадқиқ этадиган шунчаки соҳа бўлмай, балки у ижтимоий-табиат муносабатлари, инсоният ва атроф-муҳитнинг ўзаро

таъсирини аввал қулайлаштириш, кейин эса мувофиклаштириш қонун-қоидалари ва усуллари тұғрисидаги үй-ғунлашган фандир.

Гидрометеоэкология ер устки сувлари ва атмосфера-даги үзгариштарни, уларнинг тозалигига таъсир этувчи омилларни үрганади. Табиий мұхитнинг ифлосланиши аксарият ҳаво ва дарё сувлари орқали бораётгани сабабли, уларнинг тозалигини, табиий мутаносиблигининг бузилмаслигини назорат қилиб туриш, бундан тегишли ташкылолтарни хабардор этиб чора күриш, бу соҳа вазифаларининг асосини ташкил этади.

Мұхандислик (инженерлик) экологияси саноат, энергетика, қишлоқ хұжалиги, транспорт, қурилиш объектарини Ернинг одамлар таъсиридаги техник үрами (техносфераны) ёки унинг бирорта компонентлари билан үзаро боғлиқлигини ва таъсирини үрганади. Бу соҳа мутахассислари технологик жараёнларни мұкаммалаشتариш, кам чиқынди ёки чиқындисиз ишлаб чиқаришга үтиш орқали табиатни мұхофазалаш, ишхона шароитини яхшилаш, ишчи ва хизматчиларнинг саломатлигини сақлаш, илғор технология ва усуллар орқали меңнат унумдорлигини оширишда қатнашадилар. Улар аксарият соҳа мұхандисларидан иборат бўлиб, чиқындиларни тозалашда биоэкология йұналишидаги биотехнологлар ҳам иштирок этади.

Геоэкология сүзи 1939 йили К. Трол томонидан фанга киритилган бўлиб, ландшафтшунос географлар орасида құлланилиб келинди. Геолог академиклардан В. Н. Вернадский, А. Е. Ферсман, А. В. Сидаренко инсоннинг техник фаолиятини ерга нисбатан салбий таъсиirlарини күрсатишда геоэкология сүзини ишлатишмади. А. В. Сидаренко 1967 йилдаги “Инсон, техника, Ер” мақоласида геология фанининг соҳаларини, яъни мұхандислик геоэкологияси, гидрогеоэкологияси, ландшафтшунослик экологияси, тупроқшунослик экологияси деб аташ кераклиги лозим бўлиб қолганлиги тұғрисида тұхталади

Геология фанида геоэкологияга энг яқин соҳа геологик мұхит ҳақидағи йұналиш — мұхандислик геологиясыдир. Проф. И. В. Попов таъбирича “Мұхандислик геологияси” — Ер қобиғи юқори қисмнинг ҳозирғи ҳолатини ва уни инсоннинг мұхандислик фаолияти таъсирида үзгаришини үрганадиган фандир”. Унинг асосий вазифаси

халқ хұжалиғи учун ўзлаштириладыган, имарат ва иншо-отлар қуриладыган худудларнинг ҳозирги ҳолатини үрганиб, қурилиш ва иншоотларни ишлаши жараённанда бұла-диган ўзгаришларни башорат этиш, табиий ва техноген имкониятлардан омилкорлық билан фойдаланишини гео-логик асослаштырып. Бу вазифалар тұлық мұхандислик гео-экологиясига ҳам тегишилди. Инсоннинг салбий тех-ник, дәхқончилик, чөрвачилик фаолияти таъсирида сув ва тоғ жинслари ифлосланиб, халқны ичимлик тоза сув билан таъминлаш қийинлашмоқда. Шунинг учун ер ости сувларнинг экологиясини мұхандислик геоэкологиясига яқын бўлган гидрогеоэкология үрганади.

Гидрогеоэкология ер ости сувларнинг табиий ҳола-тини, инсон фаолияти таъсирида бұлаётган ўзгаришларни ва уни мұхофазалашни үрганадыган фандир. Табиий мұхитнинг асосий компонентлардан бири Ер қобиғи-биологик мавжудотлар макони, қазилма конлар манба-дир. Үндаги салбий ўзгаришлар инсон фаолияти таъси-ридагина юз бермай, табиий жараёнлар натижасыда ҳам содир бўлади. Табиий жараёнлардан ер қимирлаш, сел, сурилма кабилар қисқа вақт ичиде катта ўзгаришларга сабаб бўлғанлиги учун, уларни үрганишга катта эътибор берилади. Баъзи бир табиий жараёнлар ривожи ва содир бўлиши узок вақт давомида (секин) бориши сабабли улар-ни табиий мұхит ўзгаришига бўлган таъсирини тарихий ва ўтмиш геологик давридаги ҳолати билан қиёсланган-дагина аниқлаш мумкин. Бундай жараёнларга денгиз суви сатҳларнинг кутарилиб, қирғоқларни сув босиши ёки дengizlарнинг қуриши оқибатида куруқликнинг чекини-ши, ер сатҳининг нотекис кутарилиши ёки чўкиши, иклимининг такрорий ўзгариб туриши киради. Бундай ўзга-ришларнинг таъсир доираси катта бўлиб, тупроқ, үсим-лик, жоноворлар турларининг ва ҳатто ландшафтнинг ўзгаришига ҳам сабаб бўлади. Бу каби табиий жараёнларни ер қобигини инсон фаолиятининг мұхити сифатида үрганадыган йўналиш — техноген геология бўлиши зарур-лигини кўрсатди.

Етмишинчи йилларнинг охири, саксонинчи йиллар-нинг бошидан бошлаб табиий мұхитни мұхофазалашга академик Е. М. Сергеев алоҳида эътибор бера бошлади. У табиий мұхитнинг бир компоненти сифатида “геоло-гик мұхитни” олади. Унинг фикрича геология фанлари

ичида инсоннинг техник фаолияти таъсирида ерда бўлаётган ўзгаришларни ўрганиш мухандислик геологиясига яқинлиги сабабли, мухандислик геологиясини инсоннинг геологик муҳити ҳақидаги фан деб атайди. У ўзи раҳбарлик қилган Москва давлат университетини “Грунтшунослик ва мухандислик геологияси” кафедрасининг йўналишини ўзгартириб, “Мухандислик геологияси ва геологик муҳитни муҳофазалаш” деб номлайди.

Академик В. И. Осиповнинг (1993) фикрича Геоэкология Ернинг геосфера қаватини ташкил этувчи компонентларини биосферанинг минерал замини сифатида қарайдиган ҳамда техноген жараёнлар таъсирида бўладиган ўзгаришларни ўргатувчи фандир. Геоэкологлар геологлар эътиборидан четда қолаётган табиатнинг жонсиз компонентлари — тупроқ, ер устки сувлари, ландшафт, атмосферанинг пастки қисмини ҳам ўрганишлари керак. Шунинг учун, геологик муаммоларни ечишда геологлар, географлар, тупроқшунослар, геофизиклар, геокимёгарлар, кончилар каби Ер ҳақидаги фан мутахассисларини ҳамкорлаштирилиб, табиий муҳитга салбий таъсир этувчи техноген омилларнинг зарарли томонларини бартараф этишга жалб этилмоғи зарур. Бунда турли соҳа мутахассисларининг асосий эътибори экологик масалаларни ҳал этишга қаратилганлиги сабабли у ёки бу соҳа йўналиши номи давомига қўшимча “экология” сўзини қўшиш билан чегаранланмасликлари керак. Фақат уни яхши ўрганиб, оддиндан тегишли чоралар кўриб, бундай ҳудудларни инсон фаолияти учун кулайлигини сақлаб қолиш мумкин. Бунинг учун башоратлаш ишларининг аниқлигини ошириш зарур. Ҳудудларни геологик, геоморфологик, гидрогеологик шароитларини тупроқ, ўсимлик, ҳайвонот ва ҳатто инсон фаолиятининг фақат ҳозирги ҳолатларинигина ўрганмай, қадимий даврлардан бошлаб, уларнинг ўзгариши динамикасини, сабабларини чуқур таҳлил этиш, башоратлаш лозим. Қадимий даврлар геоэкологиясини палеоэкология фани ўрганади. Ҳозирги ва келажак авлоднинг саломатлиги, ҳатто инсоният ҳаётининг барқарорлиги табиий муҳитни тозалигига, яшаш учун кулайлигига боғлиқ. Шунинг учун табиий муҳитни муҳофазалаш, уни экологик ҳолатини яхшилаш ҳозирги куннинг муҳим вазифаларидандир. Экологик муаммо-

ларни ечишда унга дахлдор бўлган бир неча соҳа мутахассислари биргалашиб иш юритганларидағина кўзланган натижаларга эришиш мумкин.

3. ТАБИЙ МУҲИТНИНГ СИФАТИНИ БЕЛГИЛОВЧИ СТАНДАРТЛАР

Хозирги вақтда техника тараққиётининг ривожланиши даражасига қараб, инсон, жонивор ва ўсимликларнинг саломатлигига безиён бўлган табиий муҳитнинг ҳолатини ва сифатини белгиловчи меъёрномалар тузилган (у Собиқ Иттифоқ даврида тузилган бўлиб, Давлат стандартлари — ГОСТ сифатида ҳозиргача мустақил жумхуриятларда қўлланилиб келинади).

Собиқ Иттифоқ мамлакатларида ишлатилаётган экологик стандартлар маҳсус 17 сонли гуруҳга тўпланган. Унда кўрилаётган масалалар мажмуаларига қараб алоҳида қўшимча сонлар берилган ва уларнинг тузилган йили курсатилган. Масалан, сувни муҳофазалаш ва ундан омилкорлик билан фойдаланиш бир мажмуа тўпламидаги ГОСТ 17. 1. 1.0 01—77, “Асосий атамалар ва тушунчалар” ГОСТ 17. 1. 3. 07—82, “Сув ва сув ҳавзаларининг сифатини текшириш тартиби” ГОСТ 17. 2. 3. 01—77, “Аҳоли яшайдиган жойларни ҳаво сифатини текшириш тартиби” ва ҳ. к. Мустақилликка эришганимиздан сўнг улар қайта кўрилиб ҳалқаро меъёрларга тенглаштирилмоқда.

Экологик стандартларда, табиий муҳит компонентлари (сув, ҳаво, тоғ жинслари) ва истеъмол буюмларидағи заарли моддалар миқдорининг безиён юқори чегараси, яъни концентрацияси — меъёри (ПДК) курсатилган. Уларнинг концентрацияси стандартда курсатилгандан кам бўлса, сифатли ҳисобланади. Улардан турли мақсадларда фойдаланиш мумкин. Стандарт бўйича инсоннинг истеъмол қилиши учун ярамайдиган майший техник сув, дехқончилик ва чорвачиликдаги талабларга жавоб бериши ва ишлатилиши мумкин.

Ҳаводаги заарли моддаларнинг юқори концентрация чегараси (ПДК) инсоннинг заарлланган муҳитда бўлиш давомийлигига ҳам боғлиқ. Шунга қараб, заарли моддаларнинг (иш куни давомида) иш жойидаги (ПДК иш), шаҳар ва қишлоқлардаги мумкинлик даражаси юқори чегарасининг қисқа муддатлилиги (ПДК с) ва ўртача суткалик (ПДК с) меъёрий миқдорлари 3.1 сонли жадвалда берилган.

3.1.-жадвал

Ҳаводаги заарли моддалар мөндерий концентрациясининг юқори чегараси, мг/м³ да.

Моддалар	ПДК иш	ПДК қ	ПДК с
Аммиак	20	0,2	0,04
Бензол	5	1,5	0,1
Азот (II)-оксиди	5	0,085	0,04
Олтингутурт (II)-оксиди	10	0,5	0,05
Углерод оксида	20	5	3
Водород хлорид	5	0,2	0,2

Аҳоли яшайдиган ерлардаги заарли моддалар миқдори ПДК дан ошиб кетмаслиги учун саноат корхоналарининг чиқинди чиқариш миқдорлари чегаралаб күйилади. Унинг қоида ва тартиблари ГОСТ 17. 2. 3. 02 — 78 да белгиланган бўлиб, ҳавонинг бошқа муассасалардан чиқарилаётган чиқиндилар билан ифлосланиши, чиқинди чиқарадиган дудбуронларининг баландлиги, ҳавода аралашиб кетиш тезлиги, ундан заарли чўқмаларни сутка давомида чўкиш миқдори каби кўп маълумотлар инобатга олинниб ҳисобланади. Технологик жарапёнлар мукаммал бўлиши билан, табиатни мусаффолаштириш мақсадида чиқинди чиқариш миқдорларини камайтириш маҳсус курилмалар курилиб, уларни чегара қимматлари пасайтирилиб борилади.

Инсон истеъмол қилиши, овқат тайёрлаши, ювиниши каби турли мақсадларда безиён фойдаланиши мумкин бўлган сув ҳавзаларидағи заарли моддаларнинг (ПДК) мөндерий миқдори 3,2 сонли жадвалда кўрсатилган.

3. 2.-жадвал

Хўжалик ва маданий истеъмол учун иплатиладиган сув ҳавзаларидаги заарли моддаларнинг мөндерий юқори чегараси

Моддалар	ПДК, мг/л	Моддалар	ПДК, мг/л
1	2	1	2
А. Санитар-токсикологик заарлилик кўрсатгичи асосида:		Фенол (карбон кислота)	0,001

3.2-жадвалнинг давоми

1	2	1	2
Анилин	0,1	Хлорбензол	0,02
Бензол	0,5	Хлорофос	0,05
Бериллий	0,0002	Актив хлор	0
Гексоген		Рух	1
Гексаметилендиамин	0,01	Хром:	
Гексахлорбензол	0,05	уч валентли	0,5
Маргумуш	0,03	олти валентли	0,1
Нитрит, нитратлар (азот буйича)	10	түрт валентли углерод	0,3
Нитрохлорбензол	0,05	В. Органик заарлилиги кўрсатгичи асосида:	
Симоб	0,0005	Бензин	0,1
Кўропшин	0,03	Гексахлоран	0,02
Формальдегид	0,01	Динитробензол	0,5
Б. Умумсанитар заарлилиги асосида:		Дихлорбензол	0,002
Аммиак (азот буйича)	2	Дихлорфенол	0,002
Диметилформамид	10	Дихлорэтан	2
Кадмий	0,001	ДДТ	0,1
Капролактам	1	Керосин	0,1
Кобальт	0,1	Нефт:	
Никель	0,1	Олтингугурт кўллари	0,1
Мис	1	бошқа турлари	0,3
Темир	0,5	Углеродсульфид	1
Тринитротолуол	0,5	Скипидар	0,2
Толуол	0,5	Пропилен	0,5

Сувнинг сифатини ГОСТ билан белгилашда улардаги заарли моддалардан ташқари кислород концентрациясининг меъёрий миқдори ҳам инобатта олинади. Кислороднинг концентрацияси 1 мг органик моддани 2, 5, 8,

10, 20 сутка давомида биокимёвий оксидланишига кетадиган кислород миқдори, биокимёвий жараёнларни тұлық таъминлайдынан кислород миқдори ва сувни кислородда бұлған умумий кимёвий зарурият миқдорлари билан аниқланади.

4. ЭКОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗА

Курилишга ёки бошқа мақсадда ишлатишга мұлжалланган саноат корхонасининг, бирор қурилма ёки асбобнинг табиий мұхитта таъсирини аниклаш учун улар экологик экспертизадан үтказилади. Экспертизанинг асосий вазифаси табиий мұхитни инсоннинг заарлы фаолиятидан мұхофазалаштырып. Саноат корхоналари, сув иншоотларини куриш ёки таъмирлаш лойиҳаларини экспертизадан үтказиши, йүл күйилған хато ва камчиликларни тузытиш имкониятини беради. Экспертизада қурилиш ва таъмирлашдан ташқари, давлат стандартлари, кимёвий моддаларнинг құлланиш техник шароитлари, транспорт воситалари ва уларни ишлатиш вақтида мұхитта тарқатылған заарлы моддалари, шовқын, электромагнит түлкін кабилар билан таъсирни камайтириш мақсадыда маңсус қурилмалар қурилади.

Экспертизаларнинг давлат ва ташкилот турлари бор. Давлат экологик экспертизани табиатни мұхофазалаш Дағлат құмитаси үтказади. Құп қырралы мұхим қурилишларни ҳар томонлама мұкаммал үрганиш мақсадыда ҳар хил мутахассиелардан иборат эксперт комиссиялари тузылади.

Ташкилотларнинг экологик экспертизасини вазирик ва ташкилотларнинг табиатни мұхофазалаш бұлими ва санитар-эпидемиология бұлими ходимлари үтказадилар.

Экспертиза давлатнинг экологияга оид қонун ва қоидаларига асосланиб олиб борилади, чиқарыладын чиқынди ва салбий таъсирлар мейёрномада күрсатылади (“ПДК” дан ошиб кетмаслигига алоқида ақамият беради). Саноат ёки асбоб-ускунаны экологик жиһатдан созлигини ва хавфсизлигини уларнинг маылум миқдордаги маңсулотта чиқарыладын чиқынди ва унинг токсик хусусиятлари белгилайди. Агар янги технологик жараён

олдингисига нисбатан камроқ чиқинди чиқарса, у экологик хавфсизроқ ҳисобланади.

Экологик экспертизада табий мұхитта шикаст етка-зиш орқали халқ хұжалигига етказиладиган заарлар ҳам ҳисобланади. Заарлар қуидаги уч хилга ажратиласы: бўлиши мумкин, бўладиган ва олди олинган.

Бўлиши мумкин заарлар тегишли чоралар күрилмандаги миқдорни кўрсатади. Чоралар күрилгандан сунг ҳам, халқ хұжалигига етказилган заарлар бўладиган заар ҳисобланади. Бўлиши мумкин бўлган заардан яна бўладиганини айирсак олди олинган заар миқдори келиб чиқади. Заарларни ҳисоблашда қуидагиларга асосланилади: мұхитнинг ифлосланиш даражаси, мұхитнинг ифлосланишини инсон саломатлигига таъсири даражаси, касалликларнинг кўпайишидан халқ хұжалигига келадиган заар, қишлоқ хұжалиги, чорвачилик ва саноатга келадиган заар, ҳаво таркибининг ўзгариб, кислотали ёмғирлар таъсирида иншоотларни, тарихий обида ва ҳайкалларнинг бузилишини тезлашишидан келадиган заар каби кўп масалалар инобатга олинади.

Заарларни бирламчи ва иккиламчи хиллари бор. Бирламчиси ишлаб чиқарыш жараёнлари билан боғлиқ, иккиламчиси чиқарилган маҳсулотни ишлатиш, ишдан чиқканларини йўқотиш билан боғлиқ.

Табий мұхитта келтириладиган заар иқтисодий ва экологик бўлиши мумкин. Иқтисодий заар мұхитнинг ифлосланиши натижасида бирор хұжаликнинг дәхқончилиги ва чорвачилигига келтирилган заар бўлиб, унинг ўрнини пул билан қопласа бўлади.

Экологик заар бирор шахс ёки аниқ ташкилотга тегишли бўлмай, у табий мұхитни заарлаш орқали инсон саломатлигига ва фаолиятига салбий таъсир кўрсатади. Экологик заарни ўз вақтида иккига бўлиш мумкин. Биринчи гурухда келтирилган заарларни йўқотиш мақсадида қайта тиклаш, таъмирлаш ишлари ўтказиласди. Иккинчи хил гуруҳ заарларни тиклаб бўлмайди. Бунга асосан қазилма бойликларни ишлатишда исрофгарчиликга йўл қўйиш ва уларни бутунлай йўқотиб юбориш киради. Бундай ишлардан келадиган заарни ҳисоблаб бўлмайди.

Хулоса сифатида умумлаштириб табиий мұхитта келтириладиган заарларнинг қуидаги груптарини күрсатиши мүмкін:

1. Ҳавони табиий мұхитта ва инсон саломатлигига зарар келтирүвчи моддалар билан ифлослантириш.

2. Хұжасизлик билан сувни исроф этиш ва сув ҳавзаларини ифлослантириш.

3. Ерларни саноат, қурилиш, майший чиқиндилар билан ифлослантириб, уларни қайта тиклаш (рекультивация) чораларини күрмаслик.

4. Үрмон, тұқай ва чүл үсимликларини йўқотадиган ишлар.

5. Овчилік қоидаларини бузиш ва жониворлар яшайдын мұхитни ифлослантириш.

6. Дәхқончиликда заһарлы кимёвий моддалардан фойдаланиш тартибларини бузиш.

7. Қайта тикланмайдын қазилма конлардан хұжасизларча бир томонлама фойдаланиб, кон ва кон саноати корхоналари атрофини заарлы чиқиндилар билан шикастлаб, қайта тиклаш чораларини күрмаслик.

Үз иш фаолияти ёки лаёқати туфайли табиатта заар келтирған шахслар ташкилий, иқтисодий ва ҳатто жинон жавобгарликтіктор тортылады.

5. ТАБИАТНИ МУҲОФАЗАЛАШДАГИ ТАШКИЛИЙ МАСАЛАЛАР

Табиатни муҳофазалаш ишлари халқ хұжалигининг турли соқалари фаолияти билан боелиқ бұлған мұхим мұаммалардан биридір. Шуни инобатта олиб, 1975 йилдан бошлаб Собиқ Иттифоқнинг халқ хұжалигини ривожлантариш дастурларыда маҳсус “Табиатни муҳофазалаш ва табиий бойликлардан омилкорлик билан фойдаланиш” бұлыми ташкыл этилди. Бу масала бүйіча 1972, 1978, 1988 йилларда қарорлар чиққан. Уларда ишлаб чиқаришда тежамкорлик, кам чиқинди ва чиқиндисиз ишлаш технологиясига, табиий бойликлардан самарали фойдаланишга, табиат мұхофазасига алохіда ақамият бериш күрсатылды. Бу ишларни бошқариш 1988 йилдан бошлаб, ҳар бир жумхуриятта түзилған табиатни муҳофазалаш давлат құмиталарига топширилди. Ҳар бир вилоятта туманлар-

да бошқармалар ташкил этилди. Бундай бошқармалар илгари вазирликлар қошида бўлиб, ўз ташкилотларини табиатга келтираётган заарали ишларига қарши кураш имкониятлари чегараланган эди. Бошқармалар вазирлиқдан мустақил бўлиб, давлат қўмиталарига ўтгандан сўнг хукуқлари ва имкониятлари ошди. Уларнинг вазифаларига экологик норматив (меъёрнома) стандарт (ягона андоза) ва қоидаларни тасдиқлаш, курилиш лойиҳаларини, халқ хўжалигини ривожлантириш дастурларида курсатилган ишлаб чиқариш корхоналарининг жойланишини экологик экспертизадан ўтказиш, чиққандиларни чиқаришга, ва уларни сақлайдиган, кўмид йўқотадиган жойларга рухсат бериш, хорижий давлатлар билан экологик муаммоларни ечишда ҳамкорлик қилиш, халқ орасида экологик тарбиявий ишларни ва мутахассислар тайёрлашни режалаштириш каби масалалар киради.

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмиталарини вилоят ва туман бошқармаларига табиатга катта зарар келтирувчи курилишларни қурдирмаслик, ишлаб турган зарарли моддаларни меъёридан ортиқ чиқараётган ташкилотларнинг ишини тұхтатиши ва келтирилаётган зарарига қараб жарима тұлаттириш хукуқи берилган.

Табиатни муҳофазалаш бўйича ишлаб чиқариш корхоналари ишларининг меъёрномаси тузилган бўлиб, хукумат томонидан қонунлаштириб қўйилган. Үнда табиатга зарар келтирмаслик чораларини кўриш, тегишли техник ускуналар билан таъминлаш, ифлосликларни ўлчаб туриш, тозалаш иншоотларининг сифатли ишлашини назорат қилиш, мутахассис ва раҳбар ходимларнинг, табиат муҳофазасига алоқадор ишчиларнинг малакасини ошириш каби вазифалар белгиланган.

Табиат муҳофазаси планетамиздаги энг асосий муаммолардан бири бўлиб, унга БМТ 1960 йилдан сўнг жиддий эътибор бера бошлади. Табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан эҳтиёткорлик билан фойдаланиш масалалари билан БМТ нинг маориф, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти – ЮНЕСКО шуғуланаади. Табиатни муҳофазалашга бағищлаб БМТ 1972 йил июлда Стокгольмда конференция ўтказди. Шу иили 15 декабрда БМТ Бош Ассамблеясининг XXVII сессиясида давлатлараро ҳамкорликнинг ташкилий ва молиявий тадбирларини белгилаб, “Ташки муҳит бўйича БМТ иш дас-

тури” (ЮНЕП) ва унинг бошқарувчилари Кенгашини таъсис этди. 1973 йил июнда Кенгашнинг 1-сессиясида Стокгольмда қабул қилинган “Атроф мұхит соҳасидаги ҳаракат дастури” мұхомама қилиниб, халқаро ҳамкорлик-нинг энг асосий йўналишлари белгиланди. Буларга: кишилар соғлиғи ва фаровошлигини мұхофаза қилиш, тупроқ ва сувни мұхофаза қилиш, чүлларнинг кенгайишига қарши курашиш, бу соҳага оид таълим ва малака оширишни кучайтириш, ахборот тарқатиш ишларини олиб бориш, океанларни мұхофаза этиш, ўсимликлар, ёввойи ҳайвонлар ва генетик ресурсларни мұхофаза этиш, энергетика ресурслари масалалари ва бошқалар. Бу йўналишдаги ишларни ҳал этиш услугига қараб, икки гурӯҳга бўлиш мумкин. Биринчи гурӯҳдаги ишлар инсон фаолияти таъсирида бўлаётган экологик ўзгаришларни кузатиш ва сифатини бошқариш билан ҳал этилади. Йиккичи гурӯҳдаги ишлардан мақсад — инсоннинг табиаг билан муносабатини яхшилаш услубининг техник тараққиётини такомиллаштириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, камчиқинди ишлаб чиқаришга ўтиш орқали табиий мұхитни тоза сақлаб, халқ фаровошлигини яхшилаштир.

Табиатни мұхофаза қилиш ва табиий имкониятлардан оқилона фойдаланиш мақсадида ер тўғрисида, ўрмон, ҳайвонлар, сув, қазилма бойликлар, атмосфера тўғрисида республикамизда қатор қонунлар қабул қилинган ва бир неча марта ҳукумат қарорлари чиққан. Жумладан, Ўзбекистон Конституциясида фуқаролар табиатни мұхофаза қилишлари, унинг бойликларини қўриқлашлари шарт эканлиги кўрсатилган. 1992 йил 9 декабрда Табиатни мұхофаза қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг қонуни қабул қилинган.

Табиатни мұхофазалашда давлат ташкилотларидан ташқари Республикамизда проф. Ю. Ш. Шодиметов раҳбарлигига 1992 йили ташкил этилган “Экология ва саломатлик халқаро жамғармаси” – ЭКОСАН жамоа ташкилотининг ҳиссаси ҳам катта. ЭКОСАН нинг асосий вазифаси халқаро ташкилотларни, олимларни, мутахассисларни, сиёсий арбобларни экологиянинг долзарб муаммоларини ўрганишга, Марказий Осиё ва бошқа давлатларнинг экологик сиёсатини илмий асослашнинг тақомиллашувига, экологик фикрлаш ва тарбиялашга қаратилган.

6. ТАБИЙ ЖАРАЁНЛАР ВА ҮЛАРНИНГ АТРОФ МУҲИТГА САЛБИЙ ТАЪСИРИ

Табиий жараёнлар, уларни вужудга келиши, ривожланиши, барҳам топиши планетамизнинг, жумладан, Республикализнинг у ёки бу ҳудудларининг геологик тарихий тараққиёти билан, тектоник ҳолати, геологик ва геоморфологик тузилиши, иқлим ва географик шароитига чамбарчас боғлиқ. Бу жараёнлар инсоннинг инженерлик фаолиятисиз, фақаттинга табиий омиллар таъсирида содир бўлади.

Бу жараёнларга Ернинг ички энергияси ҳисобига вужудга келувчи ҳодисалар, яъни зилзилалар, вулқон ҳодисалари ва бошқалар, Ерга ташқаридан таъсир этувчи энергия ҳисобига вужудга келувчи тоғ жинсларининг нураси, сурилиши, қулаши, сел оқимлари, тупроқларнинг шамол таъсирида емирилиши, форларнинг ҳосил бўлиши ва бошқа жараёнлар киради. Яна шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, юқорида қайд этилган жараёнларнинг қўпчилиги инсоннинг инженерлик фаолияти натижасида ҳам юзага келиши мумкин.

6.1 ЕРНИНГ ИЧКИ КУЧЛАРИГА БОҒЛИҚ ЖАРАЁНЛАР

6.1.1. Тектоник ҳаракатлар

Ер қаърида юз берадиган турли жараёнлар натижасида юзага келувчи кучлар таъсирида Ер қобиғи қатламларининг ҳаракатга келиши, силжиши, ётиш ҳолатининг ўзгариши тоғ жинслари қатламларида узилишларни юзага келтиради. Бу ҳодисаларни юзага келтирувчи кучлар тектоник ҳаракатлар деб аталади. Тектоник кучлар тоғ жинсларига икки йўналиш бўйича таъсир этади:

1. Радиал — тоғ жинслари қатламларига нисбатан тик йўналишда бўлиб, бу таъсир остида тоғ жинслари қатламларида узилишлар вужудга келади ва у ер сатхининг кўтарилишига, баъзи ерларнинг чўкишига сабаб бўлади.

2. Тоғ жинслари қатламлари бўйлаб таъсир этувчи кучларга тангенсиал кучлар дейилади. Бу кучлар таъсирида

тоғ жинслари қатламлари букилади, бурмалар ҳосил бұла-ди. Тангенсиал кучларнинг миқдори радиал таъсир этув-чи кучларга қараганда бир неча маротаба каттадир.

Тектоник кучлар таъсирида юзага келувчи ҳаракатлар орогеник ёки тоғ ҳосил қилувчи ҳаракатлар деб аталади.

Умумий, геология фанидан бизга маълумки, Ер пла-нетаси тарихида (Рифей давридан кейин) 3 та тоғ ҳосил қилиш жараёнлари кузатилган. Булар: коледон, герцин ҳамда эңг ёши альпдир. Альп тоғ ҳосил бұлиш жараёни палеоген даври охирларидан бошланиб, ҳозирги кунгача давом әтмоқда.

Тектоник ҳаракатлар ер қимирлаш (зилзила)ларни, вул-қон ҳодисаларини ҳамда ер юзасида юз берадиган экзо-ген жараёнларнинг содир бўлишида асосий омил бўлиб хизмат қилади.

6.1.2. Ер қимирлаш (зилзила)

Биринчи маротаба оёқ остидаги заминнинг силкини-ши ҳар бир инсонда “Бу нима экан? Нега бундай бўлди?” — деган саволни уйғотади. Ҳозирги кунга келиб, кўп йиллик геологик қидирув ишлари натижасида Ер куррасининг тузилишини ва зилзила сабабларини илмий асослашга имконият туғилди.

Зилзила юзага келиши сабабларига кўра куйидагича бўлиши мумкин:

- тектоник зилзилалар;
- вулқон зилзилалари;
- афдарилиш, ўпирилиш (денудацион) зилзилалари;
- техноген (инсоннинг инженерлик фаолияти билан боғлиқ) зилзилалар.

Юқорида қайд этилган зилзила турлари ичida катта майдонга тарқаладигани ва эңг кўп талофат келтирадига-ни тектоник зилзилалардир.

Ернинг литосфера қатламида юз берадиган динамик (тектоник) ҳаракатлар тафсилотининг таҳлил қилиниши зилзиланинг юзага келиши сабабларини аниклашга ёрдам беради. Бу қатлам Ер куррасини унинг радиусига нисбатан жуда юпқа қатлам ҳосил қилиб үраб туради. Қат-ламнинг қалинлиги океан тубида тахминан 70 км ни, куруқликда 150 км ни ташкил қиласи. Буни кўз олдига келтириш учун Ер куррасини тухум деб тасаввур қилин-

са, литосфера қатлами унинг пўчоғи қалинлигига тенг деб таҳмин қилинади. Бу ўрам яхлит эмас, у катта-катта бўлакларга бўлингандир. Бу бўлаклар бир неча юз km^2 дан бир неча минг km^2 га тенгдир (Якушева, Горников, 1973).

Литосфера ўрами остидан узоқ геологик даврлар давомида ҳаракатта келтирувчи тектоник кучлар таъсир қиласи. Бу кучларнинг юзага келиши ҳали тўлиқ аниқланмаган. Ер қаърида ҳаракатланувчан юқори ҳароратли қовушқоқ моддалар ҳаракати бунга сабаб бўлиши мумкин. Баъзи ерларда бу модда литосфера ўрами бўлакларни ёриб, сурис ер юзасига чиқиши (Ўрта Атлантик тоғ тизмасида) ёки бўлакларни бир-бирига нисбатан горизонтал ҳаракати натижаси бўлиши мумкин, яна литосфера ўрамининг бир бўлагини иккинчисининг остига кириши сабаб бўлиши ҳам мумкин.

Литосфера ўрамларини бир-бирига нисбатан юз берган йўналишидан қатъи назар, унинг ҳаракати зилзиланинг юзага келишига сабаб бўлади. Шунинг учун кузатилган зилзилаларнинг 95% и литосфера ўрами бўлаклари чегарасига тўғри келади. Литосфера ўрамларида бўладиган ҳаракат билан боғлиқ бўлган зилзилаларга тектоник зилзилалар дейилади.

Қия сатҳларда тоғ жинсларининг катта бўлакларининг афдарилиши, карст форликларининг ўпирилиши натижасида юзага келувчи зилзила денудацион зилзила деб аталади. Бу зилзиланинг тарқалиш майдони кичик, кўп ҳолларда талафотсиз бўлади.

Вулқон жараёни, яъни ер остидаги магмани вулқон канали орқали ер юзасига чиқиши билан боғлиқ бўлган зилзилага вулқон зилзиласи деб аталади. Бу зилзила вулқоннинг фаоллашиши билан боғлиқ бўлганлиги сабабли аксарият кўп ҳолларда улар аниқ башорат қилинади. Шунинг учун унинг келтирадиган талафоти деярлик кучли бўлмайди.

Инсоннинг инженерлик фаолиятлари билан боғлиқ бўлган ер қимирлашлар асосан охирги йилларда ҳисобга олинмоқда. Бу ер қимирлаш йирик сув омборлари вужудга келган ҳудудларда, газ, нефть маҳсулотларининг ер остидан сўриб олиниши жараёни амалга ошган майдонларда юз бермоқда.

Инсон ўзининг инженерлик фаолияти билан муайян геолого-тектоник шароит компонентларига таъсир эти-

ши, у ёки бу даражада ўзгартериши зилзиланинг вужудга келишига сабаб бўлмоқда. Дарё водийларига тўғонларнинг курилиши натижасида майдони-бир неча минг км², ҳажми бир неча юз км³ дан катта бўлган (масалан, Чорвоқ сув омборининг умумий ҳажми 2,1 млрд. млн. м³, сув сатҳи майдони 3640 га га тенг) сув омборлари вужудга келмоқда. Ер қаърида 4000—5000 метр чуқурликда ётган газ, нефть ер сатҳига сўриб чиқарилмоқда, ер остида узоқ геологик даврлар мобайнида ётган кўмир ана шу Ер қаърида ёндирилиб газга айлантириб олинмоқда, баъзан вақтинча сақлаш мақсадида ер остида ётган тоғ жинслари ғовакларига газ, нефть маҳсулотлари юқори босим остида киритилмоқда, жуда катта миқдордаги минерал сувлар ер остидан чиқариб олинмоқда. Ер қаърининг одамлар таъсир этиш жойларида йиғилаётган энергия миқдорининг у ёки бу даражада ошиши ёки камайиши оқибатида содир бўлган ер қимирлашлар Ҳиндистон, АҚШ, бизнинг жумҳуриятимизда кузатилганлиги фанга маълум (Мовлонов ва бошқалар, 1979). Жумладан, Чорвоқ сув омбори қурилиб бўлгандан кейин бу территорияда бир қанча марта ер қимирлашлар бўлиб ўтди. Олиб борилган тадқиқот ишларининг кўрсагишича, бу ер қимирлашлар ўзларининг тайёрланиш, содир бўлиш механизмлари билан Чорвоқ сув омборига йиғилган сувнинг миқдори ва йиғилган сувни сув омборидан чиқарилиши тезлиги билан боғлиқ ҳолда юз бериши кузатилган. Бунга биринчидан, сув омборининг 2,1 млрд м³ дан ортиқ сув билан тўлатилиши жараёнида, омбор тубида ётувчи тоғ жинсларининг сиқилиши ва таранглари оқибатида юз берадиган микросинклилар, дарз кетишлар ва уларнинг нисбий ҳаракати сабаб бўлса, иккинчидан, сувни сув омборидан бир меъёрда чиқарилмаслиги ва тоғ жинсларига таъсир қилувчи кучларнинг номутаносиб ҳолатда бўшатилиши, ўзгариши сабабчи экан.

Республикамизнинг Гарбий платформа (текислик) қисмida 1976, 1984 йилларда юз берган 8—10 балли Газлидаги ер қимирлашларни баъзи олимлар, ана шу территориядаги мавжуд газ конлари ва улардан газни сўриб олиш жараёни билан боғлашади.

Газли ер қимирлаш эпицентри ва атроф ҳудудларидағи бор геологик, сейсмотектоник, инженер-геологик маълумотларни ҳар томонлама анализ қилиб кўриш натижага-

сида шуни айтиш керакки, 1976 йилда юз берган кучли ер қимирлашларнинг гипоцентри (зилзила ўчофи, литосферанинг маълум чуқурликдаги тоғ жинслари қатламларининг узилиш, сурилиш жойи) ер қобигининг 5—25 км чуқурлиги оралиғида, 1984 йилги ер қимирлашларининг гипоцентри эса 5—20 км оралиғида жойлашган. Бу ер қимирлашларнинг тайёрланиш механизмининг асоси шу худуднинг тектоник шароити, яъни ер остидан ўтувчи чуқур Бухоро-Хисор ер ёригининг мавжудлиги, тоғ жинсларининг ётиш ҳолатлари, уларнинг таркиби, ғовакларининг сув ва газ билан тўлиб туриш ҳолати, букилганлик даражалари билан боғлиқ. Лекин ер қимирлаш ҳодисасини вужудга келтирувчи энергиянинг йиғилиши, сарфланиш даражаси, ана шу худудлардан сўриб олинган газнинг миқдори, сўриб олиш табиати, ер қаъри тоғ жинси қатламларига тушаётган табиий босимнинг мутаносиблигини маълум даражада бузилганлиги оқибатида зилзиланинг содир бўлиш вақтини тезлаштирган.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, танишиб чиққан зилзила турларидан энг хавфлиси (талофотлиси) тектоник зилзила бўлиб, уни чуқур ўрганиш талаб этилади.

Тектоник зилзилаларнинг эпицентри, асосан, алъп тоғ ҳосил бўлиш жараёни кузатилаётган майдонларда жойлашган бўлиб, планетамизда бу ҳаракатларга мойил бўлган иккита белбоғ ажратиш мумкин.


1. Тинч океани сейсмик минтақаси бўлиб, бу майдонга океанни ұраб турган Америка қитъасининг тоғли ўлкалари Аляска, Алеут, Камчатка, Кирил, Янги Гвинея, Япония давлати худудлари киради.

2. Алъп-Хималай минтақасига Ўрта Ер деңгизи, Карпат, Кавказ, Яқин ва Марказий Осиё тоғлари орқали Олтой, Саян, Байкалдан Индонезиягача бўлган худудлар киради.


Маълумки, ҳар йили планетамизда 100000 дан ортиқ ер қимирлашларни сейсмик асбоблар (сейсмографлар) қайд этади. Булардан 100 таси вайрон қилувчи, фожиали бўлиб иморат ва иншоотларнинг бузилишига, ер юзасида ёриқларнинг пайдо бўлишига, минг-минглаб инсонлар ёстийгининг куришига сабаб бўлади (6.1.1 — 6.1.4-расмлар). Зилзила ўчофи гипоцентрнинг жойлашиш чуқурлиги бўйича; юза 70 км гача, ўрта 70—300 км ва чуқур 300 км дан пастда бўлган хилларини ажратиш мумкин. Республика-




6.1.1. Тошкент. 1966 йилги зилзиладан шикастланган бино
(С. М. Қосимов расми)



6.1.2. Газли. 1984 йилги зилзиладан шикастланган бино
(М. Ш. Шерматов расми)



6.1.3. Газли. 1984 йилги зилзиладан ҳосил бўлган ёриқ
(М. Ш. Шерматов расми)



6.1.4. Газли. 1984 йилги зилзиладан ҳосил бўлган вулқончалар
(М. Ш. Шерматов расми)

мизда кузатиладиган зилзилаларнинг ўчоғи асосан 70 км гача чуқурликларда жойлашганлиги қайд этилган.

Зилзиланинг кучини баҳолаш. Инсоният ўзининг бутун тарихий тараққиёти мобайнида кўп ер қимирлашларни бошидан кечирган, унинг оқибатларини гувоҳи бўлган. Узоқ тарихий сабоқ, яъни ер силжиши кишиларнинг руҳий ҳолатига бўлган таъсири, иморат ва иншоотларнинг бузилиши, вайрон қилиниши, ер юзасида вужудга келган ўзгаришлар (ер сатҳида ёриқларнинг ва булоқларнинг пайдо бўлиши) юз берган ҳодисанинг кучини баҳолашга ўргатган. Натижада нисбий баҳолаш шкаласи пайдо бўлган. Қуйида шу нисбий шкаладани баъзи ўзгаришлар билан баён этамиз. Республикамизда ва жуда кўп давлатларда зилзила кучи 12 балли шкала асосида баҳоланиб, ҳар бир баллга эга бўлган зилзила, ўз тафсилотига эга:

1 балл — Сезиларсиз — Фақатгина сейсмик асбобларгина қайд қиласди.

2 балл — Жуда кучсиз — Уй ичида ўтирган баъзи одамлар сезиши мумкин (дераза ойналари титрайди).

3 балл — Кучсиз — кўпчилик одамлар сезмайди, очиқ ҳавода тинч турган одам сезиши мумкин. Осиљган жисмлар аста-секин титрайди.

4 балл — Ўртacha сезиларли. Очиқ ҳавода турган одамлар ва бино ичидаги кишилар сезади. Уй деворлари қирсиллайди. Рўзгор анжомлари титрайди, осиљган жисмлар тебранади.

5 балл — Анча кучли. Ҳамма сезади, уйқудаги одам уйғонади. Баъзи одамлар ҳовлига югуриб чиқади. Йидища-ги суюқлик чайқалиб тўкилади, осиљган уй жиҳозлари қаттиқ тебранади.

6 балл — Кучли. Ҳамма сезади, уйқудаги одам уйғонади. Кўпчилик одамлар ҳовлига югуриб чиқади. Уй ҳайвонлари бетоқат бўлади. Баъзи ҳолларда китоб жавонидан китоблар, жавонлардаги идишлар ағдарилиб тушади.

7 балл — Жуда кучли. Кўпчилик одамларни кўркув босади, кўчага югуриб чиқади, автомобиль ҳайдовчилари томонидан ҳаракат вақтида ҳам сезилади, уй деворларида катта-катта ёриқлар пайдо бўлади, ҳавзалардаги сувлар чайқалади ва лойқаланади.

8 балл — Емирувчи. Ҳом фиштдан қурилган иморатлар бутунлай вайрон бўлади, анча пишиқ қилиб қурилган имо-

ратларда ҳам ёриқлар пайдо бўлади, уй тепасидаги мўрилар йиқилади, баъзан дараҳтлар бутун танаси билан йиқилиб тушади, синади, тоелик жойларда қулаш, сурилиш ҳодисалари юз беради.

9 балл — Вайрон қўлувчи. Ер қимирлашга бардош берадиган қилиб қурилган иморат ва иншоотлар ҳам қаттиқ шикастланади, пойдеворларидан силжиб, қийшайиб қолиши мумкин. Оддий иморатлар бутунлай вайрон бўлади, ер юзасида ёриқлар пайдо бўлади, ер ости сувлари сизиб чиқиши мумкин.

10 балл — Яксон қўлувчи. Ҳамма иморатлар яксон бўлади. Темир йўл рельслари тўлқинсимон шаклга кириб, бир томонга қараб эгилиб қолади, ер ости коммунал қувурлари узилиб кетади, чўкиш ҳодисалари юз беради, сув ҳавзлари тўлқинланиб қирғоқча урилади, қояли ён бағирларда катта-катта сурилиш ҳодисалари содир бўлади.

11 балл — Фожиали. Ҳамма иморатлар деярлик вайрон бўлади, тўғон ва дамбалар ёрилиб кетади, темир йўллар бутунлай ишдан чиқади, ернинг устки қисмида катта-катта ёриқлар пайдо бўлади, ер остидан лойқа балчиқлар кўтарилиб чиқади, сурилиш, қулаш ҳодисалари ниҳоясига етади.

12 балл — Кучли фожиали. Ернинг устки қисмида катта ўзгаришлар юз беради. Иксон барпо этган ҳамма иморатлар бутунлай вайрон бўлади, дарёларнинг ўзани ўзарип шаршаралар пайдо бўлади, табиий тўғонлар вужудга келади.

Юқорида келтирилган шкаладан инженерлик амалиётида, ҳисоблаш ишларида фойдаланиш мумкин эмас, у фақат ер қимирлаш кучи тўғрисида мулоҳаза юритишимизда фойдаси тегади, холос. Зилзила кучини, тоғ жинси заррачаларининг тебраниш тезлигини аниқлашда “сейсмограф”лардан фойдаланилади. Сейсмограф орқали ёзиб олинган “Сейсмограммалар” орқали заррачаларининг тебраниш амплитудасини аниқлаб, сейсмик тўлқин тезланишини ҳисоблаш мумкин:

$$a = A \frac{4\pi^2}{T^2}$$

Бунда, a — сейсмик тўлқин тезланиши, $\text{м}/\text{с}^2$;

A — тоғ жинси заррачаси тезланиш амплитудаси, мм ;

T — сейсмик тебраниш даври. с ;

$\pi = 3,14$.

Сейсмик түлкін тезланиши аниқ бұлған ҳолда сейсмиклик коэффициентини анықлаш мүмкін:

$$K = \frac{a}{g}$$

бунда: g — әркін тушиш тезланиши.

Бу күрсаткіч барча инженер-геологик ҳисоблашларда ишлатылады.

Эпицентрда тоғ жинси заррачаларининг сейсмик тезланишини у ерда содир бұлған үзгаришларга (бузилиш, ёрилиш, вайрон бұлиш ва ҳ. к.) таққослаган ҳолда Россия Ф. А. “Ер физикаси институти” олимлари томонидан ер қимирлашининг кучини балларда баҳолаш шкаласи ишлаб чиқылғанки, бу шкала (6.1-жадвал) ҳозир ҳамма МДХ га киругчи давлатларда құлланылып келинмоқда:

6. 1-жадвал

Россия ФА Ер физикаси институти томонидан ишлаб чиқылған ер қимирлаш кучини баҳоловчи баллар шкаласы

Баллар	Ер қимирлаш табигаты	Ер қимарлаш жағаёнда сферик мағт.нисбайт макс, күзгалиши (мм)	Сейсмик тезланиш (a), ми/с ²	Әркін тушиш тезлантаси (g), см/с ²
1	Сезиларсиз	—	<2,5	—
2	Жуда күчсиз	—	2,6—5	—
3	Күчсиз	—	5,1—10	—
4	Үртача	<0,5	11—25	—
5	Анча күчли	0,5—1,0	26—50	0,025
6	Күчли	1,1—2,0	51—100	0,025—0,05
7	Жуда күчли	2,1—4,0	101—250	0,05—0,1
8	Емирувчи	4,1—8,0	251—500	0,1—0,2
9	Вайрон қылувчы	8,1—16	501—1000	0,2—0,4
10	Яксон қылувчы	16,1—32	1001—2500	>0,4
11	Фожиали	>32	2501—5000	—
12	Күчли фожиали	—	>5000	—

Ер қимираш “Гипоцентр”ида йифилган ва сарф бўлган энергиянинг миқдори Е эса қуидаги ифода ёрдамида аниқланади:

$$E = \pi^2 \rho v \left(\frac{A}{T} \right)^2$$

Бу ерда: ρ — ер қимираш “Гипоцентр”идағи мавжуд тоғ жинсларининг зичлиги, г/см³; v — тоғ жинсларида сейсмик тўлқинларнинг тарқалиш тезлиги, м/сек.

Бу энергиянинг миқдори баъзан шунчалик катта бўладики, ҳатто, юз мингта водород бомбасини портлатиш оқибатида ажralадиган энергия қувватига тенг келиши мумкин.

Юқорида қайд этиб ўтганимиздек, зилзила таъсирида иморатлар ва иншоотлар талафот кўради. Кўрилган талафот дараҷаси иншоот лойиҳасига, ишлатилган қурилиш материалларига боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳамма иншоотлар ва уларнинг кўрадиган талафотлари давлат стандарти билан тартибга солинган:

Иншоотлар кўрадиган талафотлари қуидагича таснифланади:

1-даражали талафот. Бунда енгил шикастланиш юз беради.

Иморат деворларида ингичка дарзлар ҳосил бўлади, девор сувоги бўлаклари тўклилади.

2-даражали талафот. Оғир бўлмаган шикастланиш содир бўлади, деворларда катта бўлмаган ёриқлар пайдо бўлади, мурконлар бузилади.

3-даражали талафот. Иншоотларнинг оғир шикастланиши юз беради, деворларда катта ва чуқур ёриқлар пайдо бўлади, мурконлар тўлиқ бузилади.

4-даражали талафот. Иморат ва иншоотларнинг ички деворларининг тўлиқ бузилиши юз беради.

5-даражали талафот. Иморат ва иншоотларнинг тўлиқ бузилиши содир бўлади.

Иморат ва иншоотларнинг конструкцияси ва қурилиш материалларига караб таснифланishi:

А гуруҳ — хом фишт, пахса деворли иморатлар,

Б гуруҳ — пишиқ фиштдан қурилган иншоотлар,

В гуруҳ — темир-бетон синчли ва ёғочдан қурилган иншоотлар.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда ГОСТ^т томони-дан иморатлар гурухининг ҳар бир балда күрадиган та-лафоти даражалари қонунлаштириб қўйилган.

Жумладан:

6 балл — ер қимирлаш жараёнида А гуруҳига мансуб иншоотлар 2-даражали талафот, Б гуруҳи иншоотлари 1-даражали талафот кўради.

7 балл — А гуруҳидаги иншоотлар 3-даражали, шунингдек, Б гуруҳидаги иншоотлар ҳам 3-даражали талафот кўради.

8 балл — А гуруҳидаги иншоотлар 5-даражали, Б — гу-руҳидаги иншоотлар ҳам 3—4-даражали, В — гуруҳидаги иншоотлар 2-даражали талафот кўради.

9 балл — Б гуруҳидаги иншоотлар 4-даражали, шу-нингдек, В гуруҳидаги иншоотлар ҳам 4-даражали тала-фот кўради.

10 балл — Б гуруҳидаги иншоотлар 5-даражали, В гу-руҳидаги иншоотлар 4-даражали талафот кўради.

11 балл — Б гуруҳидаги иншоотлар тўлиқ қулайди. Тоғ жинсларининг тик ва горизонтал йўналишдаги ҳаракати кузатилади.

12 балл — амалда ер юзасида тик иншоот қолмайди.

Бу демак, у ёки бу балларда ер қимирлаш содир бўла-диган ҳудудларда кўриладиган талафот даражаси ҳисобга олинган ҳолда, фақат маълум гуруҳдаги иншоот ва имо-ратлар қурилиши лозим деган сўздир.

Зилзила келтирадиган талафот иншоотнинг турига, конструкциясига боғлиқ бўлиши билан бир қаторда, қури-лиш майдонларининг инженер-геологик шароитига, яъни тоғ жинслари турларининг мустаҳкамлиги даражасига, хосса ва хусусиятларига, ер ости сувларининг чукурлиги-га қараб, сейсмик тўлқинларининг тарқалиш тезлиги ва зилзила кучи ҳам турлича бўлади. 1966 йили Тошкент шаҳрида бўлган зилзила натижасида шаҳарнинг ер ости сувлари сатҳи ер юзасига яқин бўлган пастқам жойларга жойлашган иморатлар кучли талафот кўрди. Шундан ке-йин 1966 йили шаҳар ҳудудида қайта инженер-геологик ҳариталаш ишлари ўтказилиб, шаҳар маркази грунт шароити нуқтаи назаридан 9 баллик минтақага ўтказилади. Бу деган сўз, 9 баллик минтақада қуриладиган иншоот-лар конструкциясига ва усулига маълум талаблар қўйиш ва уларни бажаришни талаб қиласди.

7 балл ва ундан катта кучга эга бўлган зилзилалар кузатилиши мумкин бўлган ҳудудларда қурилиш ишлари давлат қурилиш бошқармаси томонидан тасдиқланган. “Сейсмик районларда қурилиш ишлари олиб бориш тартиби ва унга қўйиладиган талаблар”, асосида олиб борилади. Бундай ҳудудларда энг аввало қурилиш текис майдонларда, пойдевор асоси мустаҳкам, тоғ жинси қатламларидаги мавжуд ер ости сувлари катта чукурликларда ётганда олиб борилади. Қурилиш учун нобоп деб топилган ҳудудларда иморат ва иншоотларниң қурилиши лозим бўлган тақдирда, бундай ҳудудларда маҳсус инженер-геологик қидирув ишлари олиб борилади, уларниң натижасига қараб инженер геологик шароитни яхшилаш мақсадида маълум чора-тадбирлар ўтказилади. Қурилиш иншоотлари лойиҳасига сейсмик ҳодисаларга чидамлигини оширувчи ўзгартиришлар киритилади. Энг асосий қурилиш материаллари сифатига, қурилиш ишлари қоидаларига риоя қилиш қатъян талаб этилади. Баъзан иншоот ва унинг заминида ётувчи тоғ жинси қатламларидан ётувчи сейсмик тўлқин тебраниши даврининг бирбира га мос келиб қолиши (резонанс ҳолатининг юзага келиши) натижасида иншоот катта талафот қўриши мумкин.

Сейсмик районлаштириш хариталарида ажратилган ҳудудларда тарқалган тоғ жинсларининг таркиби, ётиш шароити, уларниң физик-механик хусусиятлари, ер ости сувлари ётиш чуқурлигининг ўзгариши кузатилади. Шунинг учун амалий масалаларни ҳал қилинада, иморат ва иншоотларни лойиҳалаштиришда қурилиш майдонларининг сейсмик шароитини ўрганиш талаб қилинади.

Бунинг учун микросейсмик районлаштириш ўтказилади. Микросейсмик районлаштириш — бу ҳудудларниң инженер-геологик шароитини тұла ўрганиш сейсмик тўлқинларниң тарқалиш тезлигини, иморат ва иншоотларни бузилиш даражаларини, зилзилалар түғрисидаги тарихий маътумотларни таҳлил қилиш ва бу асосда уларниң сейсмиклик даражасини баҳолашдир.

Микросейсмик харитасини тузиша чоп этилган маҳсус қўлланмалардан фойдаланилади. Микросейсмик районлаштириш харитаси тузиш мақсадида маҳсус инженер-геофизик қидирув ишлари олиб борилади, уларниң мас-

штаби 1 : 10 000, 1 : 25 000; инженер-геологик қидирув ишлари натижасида қатор ёрдамчи хариталар тузилади. Бу хариталарга: геологик-литологик ва тұртламчи давр ётқизиқлари харитаси; геоморфологик харита; гидроизогипс ва ер ости сувларининг ётиш чуқурлиги харитаси; геологик-түзилиш харитаси; инженерлик-геологик хариталар киради.

Хозир Республикаизда инженер-геологик шароитта қараб зилзила кучининг “ұзгариши” қурилиш мөъерлари ва қоидалари (ҚМҚ 2. 01. 03—96) ишлаб чиқылган. У 6.2.1-жадвалда گрунтлар таърифини қисмаң ұзгартыриған ҳолда берилди.

Худудларнинг сейсмиклигини баҳолашда тоғ жинслин нураганлик даражасига, дарзилигига геологик жараёнлар таъсирида яхлитлигининг бузилғанлигига катта эътибор бериш шарт.

Сейсмик нүктай назардан тоғ жинси сурималари, узилмалар, карст горлари тарқалған ерлар ҳам нобоб ҳисобланади.

Худудларнинг сейсмиклигини маҳсус асбоблар воситасида кузатишлиар орқали ҳам аниқлаш мумкин. Бу кузатишлиар маҳсус жиҳозланған станцияларда олиб бориласиди. Бундай станциялар катта-катта шаҳарларда 8—12 тадан жойлаштирилиб, худуднинг сейсмик активлигига қараб 2—10 йил давомида кузатишишлари олиб бориласиди. Тоғ жинслари хусусиятларини, яъни мустаҳкамлигини, уларда сейсмик тұлқиннинг тарқалиш тезлигини, ер ости сув сатҳи чуқурлигини ҳисобга олған ҳолда, зилзила кучининг умумий ұзгаришини балларда ҳисоблаб чиқариш мумкин:

$$\Delta I = \Delta I_{vsi} + \Delta I_{ytb} + \Delta I_{py}$$

бунда: ΔI — сейсмик баллнинг ұзгариши, балларда, ΔI_{vsi} — тоғ жинсининг сейсмик қаттиқлигини ұзгариши ҳисобига, ΔI_{ytb} — ер ости сувларнинг сатҳи чуқурлигини ұзгариши ҳисобига, ΔI_{py} — резонанс ҳодисасининг ұзгариши ҳисобига.

**Ўзбекистон ҳудудларида инженер-геологик шароитни ҳисобга олган
холда зилзила қучининг ўзгариши**
**(ҚМК 2. 01. 03 — 96 қисман грунтлар номи қисман ўзгартирилиб
берилган)**

Грунтнинг сейсмик хоссалари тоифаси	Грунтлар	Район сейсмиклиги куйидагича бўлганда қурилиш майдон- часининг сейсмик- лиги, балларда		
		7	8	9
1	2	3	4	5
I	1. Сувга тўйинган ҳолатда бир ўқ бўйича сиқилганда мустаҳкамлик чегараси $R_c > 1$ МПа ёки сейсмик тўлқинларнинг тарқалиш тезлиги $V_p > 3000$ ва $V_s > 1700$ м/с бўлган ҳар қандай тошқотган қоя грунтлар. 2. Сейсмик тўлқинларнинг тарқалиш тезлиги $V_p > 2500$ ва $V_s > 900$ м/с бўлган йирик синиктош грунтлар (юмалоқ катта тошлар, тош парчалари).	6	7	8
II	1. Сувга тўйинган ҳолатда бир ўқ бўйича сиқилганда мустаҳкамлик чегараси $R_c < 1$ МПа ёки сейсмик тўлқинларнинг тарқалиш тезлиги $V_p > 1800$ ва $V_s > 600$ м/с бўлган (нураган ва ўта нураган) тошқотган қоя грунтларининг барча турлари. 2. Сейсмик тўлқинларнинг тарқалиш тезлиги $V_p > 800$ ва $V_s > 500$ м/с бўлган йирик синиктош грунтлар (тошқотиши, шағалли, парчаторли, йирик қумли). 3. Қумли грунтлар: —сейсмик тўлқинларнинг гарқалиш тезлиги $V_p > 500$ ва $V_s > 350$ м/сек, кам намланган, ғоваклилик коэффициентиги $e < 0,7$ бўлган йирик ва ўртача йирикликлаги шағалли қумлар; —сейсмик тўлқинларнинг тарқалиш	7	8	9

6.2, 1-жадвалнинг давоми

1	2	3	4	5
II	<p>тезлиги $V_p > 400$ ва $V_i > 300$ м/сек, намлиги кам, ғоваклилик коэффициенти $e < 0,6$ бўлган майдада ва чантсимон қумлар.</p> <p>4. Гилли грунтлар:</p> <p>консистенция кўрсаткичи $I_i < 0,5$ ёки сейсмик тўлқинларнинг тарқалиш тезлиги $V_p > 900$ ва $V_i > 500$ м/сек бўлган грунтлар; консистенция кўрсаткичи $I_i \leq 0,5$ бўлгандага ғоваклилик коэффициенти $e < 0,8$ ёки сейсмик тўлқинларнинг тарқалиш тезлиги $V_p > 500$ ва $V_i < 300$ м/сек бўлган қумоқ, ва қумлоқ грунтлар:</p> <ul style="list-style-type: none"> —консистенция кўрсаткичи $I_i \leq 0,5$ бўлгандага ғоваклилик коэффициенти $e < 0,8$ ёки сейсмик тўлқинларнинг тарқалиш тезлиги $V_p > 500$ ва $V_i > 300$ м/сек бўлган лёсс ва лессимон қумоқ, қумлоқ, ва гилли грунтлар. <p>5. Тўкма грунтлар:</p> <ul style="list-style-type: none"> —сейсмик тўлқинларнинг тарқалиш тезлиги $V_p > 500$ ва $V_i > 300$ м/сек бўлган, ётавериб зичлашиб кетган йирик синиқ тошлар; —сувга тўйинганда умумий деформация модули $E_0 > 12$ МПа ёки сейсмик тўлқинларнинг тарқалиши тезлиги $V_p > 500$ ва $V_i > 300$ м/сек бўлган, ётавериб зичлашиб кетган қумли, чантсимон ва гилли грунтлар. 	7	8	9
III	<p>1. Кумли грунтлар:</p> <ul style="list-style-type: none"> —намлик даражаси $S_r \leq 0,5$ бўлиб кам намланган, ғоваклилик коэффициенти $e \geq 0,7$ бўлган йирик ва ўртача йирикликлаги шагалли қумлар; —сейсмик тўлқинларнинг тарқалиш тезлиги $V_i \leq 350$ м/с, ғоваклилик коэффициенти $e < 0,7$ бўлган нам ($S_r > 0,5$) ва сувга тўйинган ($S_r > 0,8$), йирик ва ўртача йирикликлаги 	8	9	>9

6.2, I-жаддағынға давоми

1	2	3	4	5
III	<p>шагалли құмлар;</p> <p>— сейсмик тұлқынларнинг тарқалиш тезлиги $V_s \leq 300$ м/с, ғоваклилик коэффициенті $e < 0,7$ бүлгандан нам ($S_i > 0,5$) ва сувга түйинган ($S_i > 0,8$) майда ва чантсимон құмлар, кам намланған ($S_i \leq 0,5$), ғоваклилик коэффициенті $e \geq 0,6$ бүлганды құмлар.</p> <p>2. Гилли грунтлар:</p> <p>— консистенция күрсаткычи $I_i > 0,5$ ёки сейсмик тұлқынларнинг тарқалиш тезлиги $V \leq 500$ м/с бүлганды грунтлар:</p> <p>— консистенция күрсаткычи $I_i > 0,5$ бүлганданда ғоваклилик коэффициенті $e \geq 0,8$ ва $e < 0,8$ ёки сейсмик тұлқынларнинг тарқалиш тезлиги $V < 300$ м/с бүлганды құмок ғыллюқ құмлар;</p> <p>— консистенция күрсаткычи $I_i > 0,5$ бүлганданда ғоваклилик коэффициенті $e \geq 0,8$ ва $e < 0,8$ ёки сейсмик тұлқынларнинг тарқалиш тезлиги $V < 300$ м/с бүлганды лесс, лессимон құмок-құмлар.</p> <p>3. Тұкма грунтлар:</p> <p>— сувга түйинганда умумий деформация модули $E_0 \leq 12$ МПа ёки сейсмик тұлқынларнинг тарқалиш тезлиги $V \leq 300$ м/с бүлганды, ётаверіб зичлашиб кеттеган күм, чантсимон ва гилли грунтлар.</p>	8	9	>9

6.2.1-жадвалга эслатма:

- Грунт қатламида чүкүвчан (лёсс) жинслари мавжуд бўлса, чўкишга барҳам берувчи тадбирлар ўтказиш тавсия этилади ва ҳисобий сейсмиклиги заминга сунъий равишда ишлов берилгандан сўнг аниқланади.
- Грунт таркиби бир жинсли бўлмаса, курилиш майдончаси энг нобоп тоифага киритилади, бунда (пойдевор тагидан ҳисобланганда) 10 м қалинилкдаги қатламининг 5 м дан кўпроғи ана шу тоифага тегишли бўлиши зарур.
- Бинодан фойдаланиш жараёнида ер ости сувлари сатҳининг кутарилиши ёки сув тошиши кутилса, грунт тоифасини аниқлашда уни сувга тўйинган деб қаралади.
- Сейсмиклиги 6 балл бўлган туманларда грунт сейсмиклик хоссаси бўйича III тоифага мансуб бўлса, курилиш майдончасининг сейсмиклиги 7 балл олиниши лозим.
- Грунтларнинг муҳандислик-геологик ва сейсмик хоссалари ҳақида тегишли маълумотлар бўлмай, ер ости сувларининг сатҳи 5 м дан юқори бўлса, кум-чанг, гилли тўкма, чангсимон ва гилли грунтлар зилзилавийлик жиҳатидан номақбул саналади. Бундай майдончаларда курилиш кўзда тутилса, грунтларнинг сейсмиклик хоссаси бўйича тоифасини аниқлаш учун муҳандислик-геологик тадқиқотлар ўтказилиши лозим.
- Бўйлама V_p ва кўндалант V_s тўлқинларнинг тарқалиши тезлиги қийматлари майдонча грунтининг сейсмик хоссалари бўйича тоифасини белгилашда кўшимча омил вазифасини ўтайди ва муҳандислик-геологик изланишлар натижаларига қараб, назарий ёки тажриба йўли билан аниқланади. Курилиш майдончасининг сейсмиклиги СМТ харитасида мавжуд бўлса, уни 6.2.1-жадвал ҳамда муҳандислик-геологик изланишлар натижасига асосланиб ўзgartиришга рухсат этилмайди.

Иморат ва иншоотлар қурилиши режалаштирилаётган худудларда тарқалган тоғ жинсларида сейсмик кучнинг маълум балларда ошиши ёки камайишини С. М. Медведев (1962) томонидан таклиф этилган ифода ёрдамида ҳам аниқлаш мумкин:

$$\Delta I_{\text{акт}} = 1,67 \lg \frac{V_0 \cdot \Delta o}{V_1 \cdot \Delta o} + e^{-0,04 h^2}$$

Бұшоқ тоғ жинсларининг резонанс хусусиятини ҳисоб-га олған ҳолда, ер қимирлаш кучининг балларда үзгариши эса қуидаги формула ёрдамида амалға оширилады (Жұраев, Абдусаломов, 1989):

$$\Delta I_{\text{акт}} = 1,67 \lg \frac{V_o \cdot \Delta_o}{V_i \cdot \Delta_i} + e^{-0,04 h^2} + 3,32 \lg \frac{T_i \cdot \delta_i}{T_o \cdot \delta_o}$$

Бу ерда, V_o ва V_i — үрганилаёттан ва үрта (этalon қилиб олинган) тоғ жинсларининг күндаланғ сейсмик тұлқин тезлигининг қиммати, м/сек; Δ_i ва Δ_o — үрганилаёттан ва үрта тоғ жинсларининг зичлик қыймати, г/см³; h — тоғ жинслари қатламларидаги мавжуд ер ости сувининг ётиш чуқурлиги, м; T_i ва T_o — үрганилаёттан ва үрта тоғ жинсларининг тебраниш даври, м/сек; δ_i ва δ_o — үрганилаёттан ва үрта тоғ жинсларидаги тұлқин тезлигининг сүниш коэффициенти. e — доимийлик қыймати, 271. Юқорида қайд этилган икки усулдан фойдаланыб тузилған харита катта аниқликка эга бўлади.

Биринчи ҳолда сейсмологик, микросейсмик ҳамда үрганилган гидрогеологик, геоморфологик, инженер-геологик маълумотларни таҳлил қилиш асосида у ёки бу ҳудуд учун сейсмик балларнинг үзгариши (приращение сейсмической баллности) харитаси тузилади, у асосида эса микросейсмик районлаштириш харитаси яратиласи. Бу харита шаҳар, қишлоқ қурилишида тузиладиган бош лойиҳага асос бўлиб, қурилиш иншоотлари ва имаратлар үрнини белгилашда катта аҳамиятга эга.

Қурилиш ишларини 6 балли райондан 7 балли районга кўчириш ёки ер қимирлаш кучини 1 баллга ошириш қурилиш қыйматини 8—10% оширишга олиб келади.

Сейсмик фаол ҳудудларда қурилиш ишларини олиб борища давлат томонидан тасдиқланган қонун-қоидаларга, талабларга риоя қилинмоғи зарур, яъни шаҳар қурилишида имаратларнинг баландлігига ва шаклига катта талаблар қўйилади, улар қуидагилардан иборат:

— шаҳар ҳудудида катта-катта очиқ майдонларнинг бўлиши, яъни зилзила содир бўлған тақдирда ва ундан

кейин одамларнинг яшashi учун енгил қурилмалар куриш учун хавфсиз жой зарур:

— сув ҳавзаларининг бўлиши, яъни зилзила вақтида чиқиши мумкин бўлган ёнғинларни учирish мақсадида фойдаланиш учун сув захирасига эга бўлиш.

— иншоотлар орасидаги масофа, иншоот баландлигидан 1,5 маротаба катта бўлиши, чунки иморат талафот кўрганда бир-бирига таъсир қиласлиги керак.

Фан ва техниканинг ривожланиши сўзсиз зилзилани олдиндан башоратлаш имкониятини беради.

Ер ости сувларида, зилзиладан олдин радон гази миқдорининг ошиши қонунияти биринчи бўлиб жумҳуриятимизда F. O. Мовлонов бошлиқ олимлар томонидан аниқланди ва бунда олинган маълумотлар, зилзилани башорат қилиш — гидрогеосейсмологик усул фандаги янгилик сифатида қабул қилинди. Бу илмий кашфиётнинг очилишида 1966 йилда рўй берган Тошкент зилзиласининг оқибатларини ўрганиш катта аҳамиятга эга.

Тошкентда зилзила рўй беришидан олдин шаҳар ва шаҳар атрофида кавланган чукур бурғу қудуклари ёрдамида очилган ер ости сувлари таркибида газнинг миқдори ниҳоятда кўпайиб кетганлиги қайд этилди.

Хозирда жумҳуриятимиз ҳудудида ташкил этилган куатиши майдонларида ер ости сувлари таркибидаги радон гази миқдори доимий равишда кузатилиб борилади, ҳозирги кунда бу усул билан Республика изда ва Марказий Осиё жумҳуриятларида рўй берган бир неча зилзила башорат қилинди ва улар тасдиқланди.

Ўзбекистон олимларининг кашфиёти билан қизиқиб, уни ўргангандан синааб кўрган америка олими О. Жемс шундай деган эди: “Яқин кунларда ўзбек мутахассислари зилзила ҳақидаги башоратни ҳудди-икълим шароитини башорат қилгандек радио орқали эълон қилиш дараҷасига етиб борадилар”. Бунга амин бўлмоқ керак, лекин бу ерда шуни аниқ айтиб ўтиш керакки, ер қимиirlашини олдиндан башорат қилиш муаммоси ҳали бутунлай ҳал этилмаган. Бунга бирдан бир сабаб, бу масаланинг мураккаблиги, яъни заминда ер қимиirlash жараёнини вужудга келтирадиган гипоцентр — ўчоқнинг ниҳоятда яширинлигида, шу “ўчоқда” йиғилган ва ер

силкинишига олиб келадиган энергиянинг ҳамда унинг содир бўлиш қонуниятларини ҳали етарлича билмаслигимиздадир.

6.2. ЕРНИНГ ТАШКИ КУЧЛАРИГА БОҒЛИҚ ҲАВФЛИ ЖАРАЁНЛАР

6.2.1. Тоф жинслари қатламларидаги сурималар

Тоф жинслари қатламларини қия сатҳ бўйлаб ўз оғирлиги, гидродинамик, гидростатик, сейсмик кучлар таъсирида сурилишига суримла дейилади.

Сурималарнинг вужудга келиш қонуниятларини, уларнинг динамикасини ўрганиш катта аҳамиятта эга. Бу қурилиш ишларини олиб бориш шароитини аниқлашда, ҳалқ ҳўжалик иншоотларини ва инсон ҳаётини сақлашда муҳим омил ҳисобланади. Сурилиш жараённинг юзага келиши натижасида ҳалқ ҳўжалиги жуда катта зарар кўради, баъзи йирик иншоотлар, йўллар бир неча юз метрга сурилиб ташланади, катта-катта экин майдонлари бутунлай экишга яроқсиз бўлиб қолади, бутун-бутун қишлоқлар, шаҳарлар вайрон бўлади, минглаб кишилар бошпанаисиз қолади, ҳалокатта учрайди.

Америка мутахассиси Ф. Женснинг маълумотига кўра АҚШ да тоф жинслари сурималари ва чўкиш ҳодисаси натижасида 1925—1971 йиллар мобайнида 75 млрд. доллар зарар кўрилган, бу эса йилига 1,63 млрд. доллар маблагни йўқотиш демакдир.

И. Анрикнинг ЮНЕСКО га берган ёзма ахборотида Италиянинг сурималардан кўрган зарари 1,440 млн долларни ташкил этади. Марказий Осиё республикалари худудларида ҳозиргача кўпдан-кўп жуда катта ҳажмдаги тоф жинсларининг сурималари кузатилган. Куйида шу сурималарнинг баъзи бирлари ҳақида маълумот бериб ўтамиш.

1911 йил 18 февраль куни Фарбий Помирнинг Музқўл тоф тизмасида 9 баллик зилзила натижасида Усой суримаси содир бўлган. Бу зилзила таъсирида дентгиз сатҳидан 4500 м баландликдаги Мурғоб дарёси водийсига ҳажми $2,2 \text{ km}^3$ келадиган тоф жинси бўлаги сурилиб тушган. Суримла тахминан 2,5 км масофани босиб ўтиб дарё ўзанини тўсив қўйган.

Сурилма содир бўлган жойга қалинлиги 450—500 м, узунлиги 2 км, кенглиги 1 км қумтош, оҳактош, гипс ва сланецлардан ташкил топган тоф жинслари олиб келинган. Талафот натижасида Усой қишлоғи сурилма остида қолиб, 54 киши нобуд бўлган.

Сурилма дарё ўзанини тўсиб, баландлиги 703—788 м, эни 4,3—5,3 км бўлган табиий түфонни ҳосил қылган.

Ҳозирги пайтда бу ерда дунёга машҳур Сорез кули вужудга келган. Йигилган сув микдори тахминан Норак сувомбори суви ҳажмига тўғри келади.

1973 йили республикамида, Оҳангарон водийсида кузатилган тоф жинсларининг сурилиши асримиздаги энг катта сурилиш бўлиб, у илмий адабиётларга “АГЧИ сурилмаси” номи билан машҳур. Сурилманинг ҳажми 700 млн м³ ни ташкил этади.


Бу ҳодисанинг рўй беришига асосий сабаб, Оҳангарон дарёсининг чап қирғоғидаги 100—130 м чуқурлиқдаги кўмир қатламларини ер қаърида ёндирилишидир. Ёндирилган кўмир қатламларининг қалинлиги 5—15 м бўлиб умумий ҳажми 3,700000 м³ни ташкил этган.

1987 йил 7 декабрда Тоҷикистон Республикасининг Шарора қишлоғида рўй берган сурилма натижасида, тахминан, кенглиги 900 м, қалинлиги 70 м га яқин бўлган тоф жинси ҳаркатта келиб 540 дан ортиқ инсоннинг ёстиғини қуритган. Бу сурилишнинг юзага келишига асосий сабаб ер қаърида тарқалган лёсс тоф жинслари фовакларининг сув билан тўйиниши, грунт сувлари сатҳининг кўтарилиши ва 7 баллик зилзиладир, (6.2.1.—6.2.2.-расмлар).

1991 йил Оҳангарон водийсида яна кучли “Жигаристон” зилзиласи рўй берди. Маълумотларга кўра бу сурилма ҳажми 30 млн м³ га тенг бўлиб, 50 дан ортиқ инсон ҳаётини олиб кетди. Бу сурилманинг асосий сабаби катта қалинликдаги серғовак лёсс жинсларининг мавжудлиги ва бу тоф жинсларини узоқ йиллар давомида олиб борилган портлатиш ишлари натижасида силкитилиб туриши ҳамда ёғингарчиликнинг кўп бўлганлигидадир.

Юқорида келтирилган сурилмаларнинг юзага келишининг асосий сабаби табиий омиллар бўлиб, бундай ҳодисалар инсоннинг инженерлик фаoliyati натижасида ҳам юзага келиши мумкин. Улар ҳақидаги маълумот кейинги бобда берилади.

Кўп йиллар мобайнинда олиб борилган тадқиқот ишларига асосан қия сатҳларда тоф жинсларининг сурилишининг асосий сабаблари қўйидагилардан иборат.



6.2.1. Шарора сурилмаси (Ш. Б. Бозоров расми)



6.2.2. Шарора сурилмасининг ўнг томондан бостириб келиши натижасида биноларнинг кўмилиб кетиши ва бузилиши
(О. Жўраев расми)

1. Төф ёнбағри этакларининг табиий ҳолатини оқар сувлар, сув омборлари таъсирида бузилиши ҳамда режасиз олиб борилган қурилиш ишлари натижасидир.

2. Қия сатҳларда тарқалган төф жинсларининг хосса ва хусусиятларини, мустаҳкамлик даражасининг ўзгариши, сугориш ишлари, қор-ёмғир сувлари таъсирида намлигининг ошиши.

3. Төф жинсларига ер ости сувлари (гидродинамик) ва ер устки сувлари (гидростатик) босимининг таъсири.

4. Төф жинсининг зичлигини ва мустаҳкамлигини бургулаш ҳамда төф кавлаш ишлари натижасида бузилиши.

5. Тектоник ва сейсмик күчлар таъсири. Сурилишларни юзага келишида ҳудуднинг иқлим шароити, гидрогеологик шароити ва бошқалар.

Төф жинсларининг қия сатҳ бўйлаб сурилишида иқлим шароити энг муҳим омиллардан бири бўлиб, у секин, давомли ёғингарчиликлар кузатиладиган ерларда кенг тарқалган бўлади. Бунга сабаб ёмғир сувлари төф жинслари қаърига сингиб (шимилиб) уларнинг заррачалари орасидаги боғланишни, ишқаланишга қаршилигини камайтиради, оғирлигини оширади. Қия сатҳлардаги төф жинсининг оғирлиги, мустаҳкамлиги ўзгариши билан уларнинг мувозанат ҳолати ўзгаради ва паст томонга сурилиш юзага келади. Шунинг учун сурилмалар асосан қорлар эриб, ёғингарчилик кўпайган март ойларида бошланиб, май-июнда тұхтай бошлайди. Ҳудудларнинг гидрологик шароити уларнинг иқлим шароити билан чамбарчас боғлиқ, ёғингарчилик, қорлар ва музликтарнинг эриши натижасида дарё ва сув ҳавзаларыда сув сатҳининг кўтарилиши қирғоқтарнинг ювилишига, яъни қия сатҳлардаги мувозанат ҳолатининг бузилишига сабаб бўлади.

Мисол сифатида Амударё, Зарафшон дарёси қирғоқларида, Чорвоқ сув омбори атрофида кузатилган сурилмаларни санаб ўтиш мумкин.

Республикамизда сурилиш ҳодисалари асосан деңгиз сатҳидан 800—1800 м баландликда, лёсс жинслари тарқалган, қиялиги 15—35° бўлган төф ёнбағирларида кузатилади. Маълум шарт-шароитлар мавжуд бўлган ҳолларда (кетма-кет ер силкиниши, гиллик ва бўшоқ лёсс төф жинсларини сув билан түйиниши) бундан ҳам баланд сатҳларда кузатилиши мумкин.

Сурилмаларнинг юзага келиши ва ривожланишида ҳудудлар структурасининг тектоник шароити асосий омил-

лардан биридир. Бу туб тоғ жинсидаги узилмаларидан келәтгән ер ости сувлари билан гилемкі ва лёсс жинслар тағ қысманиң намлигини оширади ва ҳудудларнинг сейсмик фаолиятини белгилайди. Юқорида күриб ўтилган мисоллардан маълумки, күпчилик сурималарнинг юзага келишида зилзила асосий омил бўлиб хизмат қиласди. Бунга сабаб тоғ жинсларининг гравитацион оғирлигини сейсмик тўлқинлар таъсирида ўзгаришидир.

Ер ости сувлари сурималарни юзага келишидаги муҳим омилдир. Улар гидродинамик кучларни ҳосил қиласди, яъни суритувчи тоғ жинслари остидан сув босимини юзага келтиради, бу эса ўз наъватида, қия сатҳларда тарқалган тоғ жинслари мувозанат ҳолатига таъсири кўрсатади ва суримиш ҳодисасининг содир бўлишига олиб келади.

Сурималар жараёнини ўрганиш натижасида уларни юзага келишида қуйидаги уч босқичнинг кузатилиши аниқланган:

1-босқич. Сурималарнинг тайёрланиш босқичи. Бу босқичда қия сатҳлардаги тоғ жинси турғунылиги сусайди, ер сатҳида турли кенгликдаги ёриқлар пайдо бўлади.

2-босқич. Тоғ жинсларининг катта тезлик билан ёки секин-аста суримиш кузатилади. Суримиш тезлиги юқорида қайд этилган омилларнинг таъсири даражасига боғлиқ бўлади.

3-босқич. Сурималарнинг сўниш босқичи. Бунда тоғ жинслари суримишдан тўхтайди.

Сурималарни чукур ўрганиш уларни олдиндан башиборат қилиш имконини беради. Бунинг учун комплекс инженер-геологик қицирув ишлари ўтказилади. Сурима кузатиладиган майдонларнинг табиий шароити ва геологик муҳити физик андозаларда (моделларда) ўрганилади, ҳисоблаш ишлари бажарилади.

Агарда ҳудудларда сурима бўлиши хавфи бўлса, ёки ҳаракатдаги сурима кузатилса уларни бартараф қилиш, олдини олиш ишлари бажарилади. чора-тадбирлар белгиланади.

Сурималар вужудга келиши ва ҳаракатдаги сурималарга қарши олиб бориладиган ишлар мазмунига қараб иккι гуруҳга бўлинади:

1. Сурималарнинг олдини олиш усувлари.
2. Сурима ҳаракати ва таъсирини бартараф этиш усувлари.

Сурилмаларнинг олдини олиш усулларига:

- қия сатҳларда курилиш ишларини, улар билан боғлиқ бўлган кавлаш ишларини олиб бормаслик;
- қия сатҳларда тоғ жинси тўкилмаларининг йиғилишига йўл қўймаслик;
- темир йўл, транспорт воситалари ҳаракат тезлигини белгилангандан ошишини тақиқлаш;
- қия сатҳлардаги ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш;
- қия сатҳларда сугориш, шудгорлаш ишларини олиб бормаслик кабилар киради.

Сурилма ҳаракатини ва таъсирини бартараф этувчи усулларни қуйидаги 4 гурӯхга бўлиш мумкин:

1. Сурилма ҳаракати тезлигини секинлаштириш ёки тўхтатишга қаратилган усуллар:
 - а) сув оқимини тартибга солувчи ва бошқарувчи қурилмалар қуриш;
 - б) дарё ва сув ҳавзалари қирғоқлари ювилишининг олдини оловчичи қурилмалар қуриш;
 - в) ер ости сувлари сатҳини пасайтириш.
2. Тоғ жинси сурилишларини ушлаб турувчи тиргак деворини қуриш.
3. Сурилувчи тоғ жинси қатламини олиб ташлаш.
4. Тоғ жинслари физик-механик хусусиятларини сунъий усуlda яхшилаш. Уларнинг намлигини ошиб кетишига йўл қўймаслик.

6.2.2 Сел

Тоғ худудларида кучли ёмғирларнинг ёриши, музлик ва қорларнинг тез эриши натижасида ҳосил бўлган дарё тошқинларини, тоғ ён-бағирларида нураган, тоғ жинси бўлакларини сув оқими билан текислика қараб оқизиб туширилишига *сел ҳодисаси* деб юритилади. Сел оқими массасининг тахминан 50–60% и турли катталилкка эга бўлган тоғ жинси бўлакларидан, ўсимлик ва дараҳтлар бўлакларидан иборат бўлади. Сел оқимининг давомийлиги 0,5–2 соатдан 12 соатгача, тезлиги 5–8 м/с дан 12 м/с гача этиши мумкин, сел массасининг зичлиги эса 1,2–1,9 т/м³ ни ташкил этади.

Бундай физик кўрсаткичларга эга бўлган оқим жуда катта кучга эга бўлиб, унинг кучи қуйидаги ифода билан аниқланиши мумкин:

$$P = m \frac{V^2}{2}$$

P — сел оқими кучи, m — сел оқими массаси,

V — сел оқими тезлиги.

Сел жараёни халқ хұжалигига жуда катта зарап көлтиради, оқим йүлида учраган сув иншоотларини, йүлларни қишлоқ ва шаҳарларни, бөг-роғларни, құприкларни вайрон қилиб кетади, катта майдонларни лой, қум, тош қатламлари билан құмидан таштайди.

Сел — арабча сұз булып, тоғлик худудлардаги сув тошқини маңыносини англатади.

Сел оқимлари үзи билан олиб кетаётган қаттиқ зарралари үлтамыра қараб З гурұға бўлинади:

- сув-тошли селлар,
- лойқа селлар,
- аралащ селлар.

Ер юзасида юз берган кучли селларга мисол қилиб, 1934 йили янги йил кечаси АҚШнинг Лос Анжелос шаҳри атрофида, Кордильера тоғ тизмалари олдиларида кузатилған сел оқимини құрсатып мүмкін. Шу куни Кордильера тоғида кучли ёмғир ёғади: ёмғир микдори Душанбе шаҳрига йил давомида ўртача ёғадиган ёмғир микдоридан озгина кам (538 мм) ёки республикамиздаги Санзар дарёси водийсида йил давомида ёғадиган ёғин микдори (424 мм) га тенг бўлган. Ёмғир тинишига ултурмасдан ярим кечага яқин Сан-Габриэль тоғидан катта сув тошқини пастта қараб катта тезликда ҳаракат қиласади. Бу сув тошқини 100 м масофага ёйилиб Ля Крекет ва Монтеро шаҳарларига катта талофот етказди. Сув оқими тұлқинининг баландлигиге 6 метргача етган, үз йүлида 500 құприкни, бир қанча иморатлар ва иншоотларни вайрон қилган, қанча-қанча одамларни бошпанасиз қолдирған.

Марказий Осиёда энг кучли сел оқимлари Қозогистон республикаси Олма-Ота шаҳридан үтувчи, шаҳар номи билан аталувчи дарё водийсида кузатилған. Масалан, 1921 йили 8 июнь куни кечқурун юз берган сел оқими натижасида шаҳарга 1,5 млн тонна тоғ жинси келтирілип ташланды. Шаҳарга олиб келинган тоғ жинслари 100 000 та вагонга жо бўлади. Бу сел оқими натижасида 400 дан ортиқ киши ҳалок бўлди. Сел оқимининг вужудға келишига тоғлик худудлардаги қорлар ва музликларнинг эриши, кучли ёмғир ёғанлиги сабаб бўлган.

Умуман Олма-Ота шаҳри ва унинг атрофида жуда кўп талафотли сел оқимлари кузатилган. Улардан яна бири Медео сел тӯғони қурилгандан кейин, 1973 йили 15 июль куни рўй берди.

Шу куни кучли ёмғир таъсирида баланд тоғликдаги табиий кўл тӯғонларининг бузилиши натижасида кучли сел оқими ҳосил бўлди. Бу оқим тахминан 2 соат давом этди. Сел оқимининг сарфи 2000—3000 м³/сек га етди ва Медео сел тӯғонига 400 000 000 м³ сел массаси олиб келиб ташланди. Эртаси куни сел қайта тақрорланганда Медео сел тӯғонидан ошиб кетишига фақаттина 6 м ма-софа қолди. Агарда сел қайтаришгудек бўлса, тӯғондан ошиб Олма-Ота шаҳрига етиб бориши ва талофот туғдириши хавфи пайдо бўлди. Бунинг олдини олиш мақсадида тӯғондаги сув аста-секин чиқарилиб юборилди ва тӯғоннинг баландлигини 150 м гача қутарилди.

Охирги 100 йил ичидаги Ўзбекистон Республикаси худудида 2500 дан ортиқ сел оқими кузатилган. Булардан 1400 дан ортиғи лойқа, 350 дан ортиғи сув-тошли, 650 дан ортиғи аралаш селлардир. Республикализни Фарғона во-дийсида, Тошкент олди худудларида ҳам сел оқимлари кузатилиб туради. Сел оқимлари Республикализ худудида баҳор мавсумида ва ёзинг биринчи ойида юз беради. Бунга сабаб худудимиз жойлашган минтақанинг табиий шароити бўлиб, баҳор ойларидаги кучли (жала) ёмғирлар, ҳароратнинг иссиқ келиши, тоғликларда музлик ва қорларнинг тез эриши, дарё ўзани қиялигининг 3—5°дан катталиги, сув йиғиш майдонида заррачалари боғланмаган бўшоқ тоғ жинсларининг мавжудлиги асосий омиллардан бўлиб ҳисобланади.

Сел оқимларининг олдини олиш, уларга қарши курашиш, сел бўлиши мумкин бўлган майдонларни аниқлаш, уларни вужудга келиши сабабларини чуқур ўрганиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг асосини ташкил этишда катта ҳалқ ҳўжалик аҳмиятига эга.

Шунинг учун сел ҳодисасини бартараф қилиш мақсадида олиб бориладиган ишлар илмий, амалий хуносаларга, тадбир чораларга асосланган бўлмоғи керак. Булар қўйидагилардан иборат:

1. Сел бўлиши мумкин бўлган дарёларнинг сув йиғиш майдонларида доимий кузатиш ишларини олиб бориш. Бунда сув йиғиш майдонида бўшоқ тоғ жинсларининг йи-

филишини олдини олиш, оқар сувлар оқимига тұсқынлик құлувчи табиий ва сунъий тұсиқлардан тозалаш ишлари.

2. Сел оқими юзага келиши мүмкін бўлган дарёларнинг сув йиғиши майдонларини муҳофаза қилиш, яъни бу майдонларда үсимлик дунёсини сақлаш, дараҳтлар ва буталарни кесиш, майдонларда шудгор қилиш ва сугориш ишларини олиб бориши чегаралаш.

3. Ўрмон ҳужаликларни ривожлантириш, яъни тоғ ёнбағирларида буталар ва дараҳтларнинг экилишини йўлга қўйиш талаб этилади, чунки бу үсимликлар тоғ жинслари қатламларини мустаҳкам ушлаб туради, қор эришини секинлаштиради, ер юзасини ювилишдан сақлайди.

4. Тоғли ҳудудлардаги дарёларнинг ўзанида сув оқими ни бошқарувчи иншоотлар қуриш, табиий, сунъий тўғонларни тартибга солиш, темир, автомобил йўллари остига сел ўтказувчи катта диаметрли қувурлар ётқизиш ишлари.

Сел оқимига қарши қурашиш услубини танлаш мақсадида маҳсус инженер-геологик қидирив ишлари олиб борилади. Олинган натижалардан (ҳар томонлама таҳлил қилиш асосида) урганилаётган ҳудуд учун харита тузилади. Бу харитада:

- сел кузатиладиган;
- сел кузатилиши мүмкін бўлган;
- сел кузатилмаётдиган майдонлар ажратилади.

Сел кузатиладиган ва кузатилиши мүмкін бўлган жойларнинг иқлим шароитига, геоморфологик, геолого-литологик тузилишига, вужудга келиши мүмкін бўлган сел оқими кучига қараб қурашиш усувлари танланади, тадбир чоралари белгиланади.

Тоғлик ҳудудларда шахсий иморатларни қуриш ишлари сел ҳавфи харитаси билан танишган ҳолда, маҳсус ташкilotлар рухсати асосида олиб борилиши керак.

7. ИНСОН ФАОЛИЯТИ БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛГАН ЖАРАЁНЛАР

7.1. ДЕҲҚОНЧИЛИК БИЛАН БОҒЛИҚ САЛБИЙ ЖАРАЁНЛАР

Деҳқончилик энг қадимий касблардандир. Жамиятизиз ривожланган сари “деҳқон” сўзининг маъноси, деҳқончилик усувлари ўзгариб, унинг табиатга салбий таъсири ҳам ортиб боради. Табиатта ва у орқали инсониятга

күп зарар келтирувчи омиллар бу тупроқнинг заҳарланиши, эрозияга (емирилишга) учраши ва сугориладиган ерларнинг шурланиши, ботқоқланишидир.

Собиқ Йтифоққа Н. С. Хрушчев раҳбарлик қилган йиллари қишлоқ хўжалигини кимёлаштиришга эътибор берилиб, фойдали ишлар билан кўп хатоликларга ҳам йўл кўйилди. Бу ҳолат турғунлик йилларида ҳам давом этиб, органик ўғитлардан самарали фойдаланиш кескин камайди. 1960—1985 йиллар ичидаги кимёвий ўғит ва заҳарли моддаларни ишлаб чиқариш 15 марта ортди. Уларнинг сони 300 хилга етса ҳам, ҳосилдорликни оширишга ташсири кам бўлди.

Жумхуриятимиз қишлоқ хўжалигидаги 70 хилга яқин кимёвий моддалар ишлатилмоқда. Улардан тайёрланган заараркунандаларга қарши заҳарлар, барг туширувчи дефолиантларни эҳтиёт қилиб сақламаслик, меъёридан ортиқча сифатсиз фойдаланиш катта зарар келтиради. Мустақил ҳамдустлик давлатларида ўртacha бир гектар ерга 113,7 кг минерал ўғит, 2 кг заҳарли модда ишлатилса, Ўзбекистонда 284,4 кг (пахтага 438 кг) ўғит, 19,5 (бальзан пахтага 50 кг) килограммгача заҳарли моддалар ишлатилган. Улар тупроқда йиғилиб шудгор тагига сув, ҳаво ўтказиши, модда алмашувини, микроорганизмларнинг ривожланишини ёмонлаштирувчи зичлашган қават ҳосил қиласиди. Пестицидлардаги гексохлоран, ДДТ кимёвий ўғитларидаги нитрат ва нитритлар суви, сабзавот, мева ва ҳар хил ўсимликларни заҳарлаб, уларни истеъмол қилган чорва, парранда, ҳаттоқи одамни ҳам оз-оздан заҳарлаб касал қиласиди. Пестицид ва гербицид таркибидаги диоксин ҳозирги вақтда Орол бўйи халқларининг қони ва сутида ҳам учраётгани сир эмас. Чунки бу ерда яшаётганлар ўзларининг ерларига сепаётган заҳардан ташқари, Амударё ва Сирдарёларнинг юқори ва ўрта қисмида ифлосланиб келаётган сувдан истеъмол қиласидилар. Мутахассисларнинг фикрича, диоксининг миллиарддан бир фоизи ҳам наслни ёмонлаштиради, инсон организмининг касалликка қаршилигини камайтиради, ақлий заифлигини оширади, ногирон ва ўлик болалар туғилишининг кўпайишига сабаб бўлади. Бу жараён секинлик билан борганилиги учун кўплар унга эътибор бермай, шифохонага тушадиган даражада заҳарлангандагина афсуслана бошлайдилар. Заҳарланиш фалокатидан сақланиш учун кимёвий модда-

лардан билиб, хавфсизлик қоидаларига амал қилиб мөштір билан фойдаланиш ва уларни маҳсус жиҳозланған биноларда сақлаш зарур. Кимёвий моддалар заараркунанда билан биргә тупроқ ҳосилдорлигини ошириш учун фойдалы ҳашаротларнинг қирилиб кетишига ҳам сабаб бұлади. Шүнинг учун кейинги вактларда заараркунандаларга қарши курашищда, мұхит учун заарарсиз биологик усулардан фойдаланиш көнгаймоқда, уни кимёвий усулға нисбатан ҳосилдорликка ижобий таъсири аникланмоқда.

Деңқончилик маданиятига амал құлмай ўрмон ва боғларнинг, мол боқыладиган ұтлоқларнинг йүқотилиши, кatta сатхға эга бўлган шудгорлаш майдонларини вужудга келиши тупроқ эрозиясига (емирилишга) сабаб бўлади. Емирилиш сув ва шамол таъсирида бўлади. Тупроқ эрозиясини сув билан ювилиши қиялиги 2–3° дан ортиқ бўлган ерларда бўлади. Агар қия сатҳлар дараҳтзор ва чим билан қопланған бўлса, қиялиги 20° бўлганда ҳам ювилиш бўлмайди. Шүнинг учун қадим замонлардан бери ювилишга қарши курашиш мақсадида, тоғ ва адирларга ҳар хил дараҳтлар үтқазилган. МДҲ нинг емирилаёттан ҳудудларидан йилига 2–3 миллиард тонна гил, чант, қум, заррачалари билан биргә 100 млн тонна органик чиринди (гумус) ва 43 млн т дан ортиқ азот, фосфор ва калий ювилиб кетмоқда. Сатҳ қиялашган сари унинг емирилиш дараҷаси ошиб, баъзи ерларга солинган ўғитнинг 50% гача бўлган қисми ювилиб кетади. Баъзи ерларда ювилиб кетаётган ўғитнинг миқдори солинаётганига нисбатан 1,5 баробар ортиқ бўлади. Уларнинг бир қисми қиялик тагидаги пастқам ерларда йифилса, бир қисми дарё сувларига тушиб уни ифлослантиради. Ювилаёттан сатҳларда бирор томонга йўналган пастқамликлар бўлса, у ерда қор, ёмғир ёки экинга берилаётган сувлар күпроқ йифилиб, емирилиш кучи ошиб жарликларни ҳосил қилади. МДҲ-да 13 млн дан ортиқ жарлар бўлиб, уларнинг умумий узунлиги 1 млн км дан ортиқ. Ҳар йили узунылиги 20 минг км га ортмоқда.

Жарлар ҳисобига йилига 100–150 га шудгор килинадиган ерлар майдони камаймоқда.

Шамол таъсирида емирилиш жараёнӣ жанубда, ўсимлик кам тарқалган чўл ва саҳроларда шамолнинг ўртача йиллик тезлиги 3 м/с дан ортиқ бўлган ерларида содир бўлади. Ер сатҳида тарқалган гиллик ва лёсс жинслари

гил, чанг ва кум заррачаларидан ташкил топган. Улар аксарият бир-бирига ёпишиб бирикма ҳосил қиласидилар. Катталиги 2 мм дан ортиқ бўлган зарралар бирикмалари шамол таъсирида учирилмайди, 0,1—1 мм ли заррачалар эса сакраб ёки судраги учирилади, 0,1 мм дан кичикла-ри ҳаво оқими билан узоқ-узоқларга олиб кетилади. Гар-кибида 1 мм дан кичик заррачалар миқдори 55—60% ор-тиқ бўлган тоғ жинсларининг емирилиши шамолнинг тезлиги 4—5 м/с дан паст бўлган ҳудудларда ҳам содир бўлади. Бунда 0,1—0,5 мм ли заррачалар сакраб учайтганда йирик заррачаларга урилиб, уларни майдалаб юбора-ди, натижада учеб кетишга мойил заррачалар миқдори-нинг ошиб кетишига сабаб бўлади.

Ўзбекистоннинг 37,9% ҳудуди шамол таъсирида еми-рилиш жараёнига учрамоқда. Емирилиш текис шамол йўналиши бўйлаб шудгорланган майдонларда айниқса кучли бўлади. Шамол кучи 15 м/с дан ортганда, баъзан шудгорланган ер қабатининг 25 см дан ортиги учирилиб кетади; 3—5 см ли қабатларни учирив кетиш ниҳоятда кенг тарқалган.

Сатҳнинг нотекислиги, дараҳтларнинг кўплиги, ҳай-далган ерлар орасида ҳайдалмаган ерларнинг бўлиши ша-молнинг емирувчи кучини камайтиради. Шунинг учун шамолнинг йўналишишига кўндаланг қилиб ихота дараҳт-лари экиласиди. Дараҳтлар йўқотилиб тупроқнинг юқориги қавати мувозанати бузилганда, тупроқ таркибидаги гил ва кум заррачалари учирилиб кетади, натижада сатҳни кум барханлари билан қопланишига сабаб бўлади. Бун-дай барханли сатҳлар айниқса Орол олди ҳудудларида кенг ривожланмоқда.

Дунёда энг катта саҳролардан бири — Африкадаги Саҳ-рои Кабир кейинги 50 йил ичидаги жанубга қараб ўртача йилига 1,5 км баъзан 10 км гача чегарасини кенгайтириб бормоқда. Саҳроларни дунё бўйича кенгайиши ҳозиргицек давом этса асримизнинг охирига бориб (1950 йилга нис-батан БМТ нинг маълумотига кўра) ўрмон сатҳи 5 баро-бар камайиб, саҳро сатҳи 1,5 баробар ошади.

Тупроқнинг емирилиши даражасига қараб ҳосилдор-лик 15—20% (кам емирилган тупроқ) дан 50—60% (кўп емирилган) гача кам бўлади. Тупроқ таркибидаги ўғит-ларни ювилиб ёки шамол таъсирида учирилиб кетиши натижасида Республикализ миқёсида йилига бир неча млн сўмлик зарар келтирилади.

Хозирги замон технологиясига ишониб, бирданига катта ерларни шудгорлаш (тупроқнинг емирилишидан ташқари) сугориладиган ерларда, ер ости сув сатхининг кўтарилиб кетишига ва тупроқларнинг шўрланишига сабаб бўлади.

Марказий Осиё халқлари минг йиллик сугорилма дехқончилик маданиятига эга. Улар сувдан ниҳоятда тежамили фойдаланишга мажбур бўлишган, чунки дехқончилик, асосан, катта ариқларга ўрнатилган чиғриқдан чиқсан сув миқдорига асосланган майда ер хўжаликларидан иборат бўлган. Улар ўз эҳтиёжига зарур бўлган сабзавот, мева, дон ва чорва маҳсулотларини ўзлари етиштирганлар. Шундай қилиб кўп ва кам сув талаб этувчи қишлоқ хўжалик маҳсулотларини аралаштириб ва алмашлаб олиб бориш, ер ва сувдан билиб фойдаланиш дехқончилик қилинадиган ерларни емирилишдан ва шўрланишдан асраган.

Шахсий хўжаликларни умумлаштириб, бўз ерларни сугориладиган ерларга айлантириш, сув кам талаб этувчи боғ ва узумзорнинг камайиши, сув кўп талаб этувчи пахтазорларнинг кенгайиши, сугориш ишларининг қолоқлиги тупроқнинг емирилиши ва шўрланишига сабаб бўлади.

Пахта ва сабзавот далаларини сугоришни осонлаштириш мақсадида каналлар баландроқдан ўтқазилиб, сув ўз оқими билан эгатларга етиб борадиган қилиб курилган. Курилган каналларнинг кўпи сув ўтказмайдиган қопламалар (бетон) билан қопланмаган. Сугорища найда, томчи, ёмғирлатиш усуларидан фойдаланилмаган. Натижада сув исрофгарчилиги ниҳоятда катта бўлган, яъни сувнинг ярмидан ортиғи ерга шимилиб кетган ва сизот сувлари сатхининг кўтарилиб кетишига сабаб бўлган. Сизот сувларининг сатҳи кўтарилиб, ер сатҳига 2–3 м қолганда, сув тупроқ заррачалари орасидаги капилляр фоваклардан кутарилиб, парланиб кетади, эритмадаги туз эса ер сатҳида тўпланиб шўрланишга сабаб бўлади.

Дунё бўйича дехқончилик қилинадиган ерларнинг 13%, яъни 260 млн т га яқини сугориладиган бўлса ҳам қишлоқ хўжалик маҳсулотининг 50% ини беради. Бу худудлар куруқ иқлим шароитида жойлашган бўлиб, уларнинг 40% и шўрланишга қарши чоралар курилишини талаб этади. Айрим ноҳия ва вилоятларда ўзлаштирилаётган ерга нисбатан шўрланиб ишдан чиқаётган ерлар миқдори ортиқ. Йирик тупроқшунос олим В. А. Ковданинг маълумотига

кўра дунё миқёсида сугориладиган ер миқдорига нисбатан шўрланиб ишдан чиққани кўп. Агар сугориш маданиятига эътибор берилмаса, тупроқнинг шўрланишига қарши чора кўрилмаса, ҳозирги ўзлаштирилган ерларнинг 70—80% и 5—20 йил ичida қисман ёки бутунлай ярамайдиган ҳолатга келиб, сахрога айланиб кетади. Бунга мисол қилиб кишилик маданиятининг қадимий учоқларидан бири бўлган Ироқнинг икки дарё (Тигр ва Ефрат) оралигини ёки Аму ва Сирдарёларнинг қуи оқимидағи ерларни олиш мумкин. Ерни шўрлантириб ҳосилдорлигини камайтириб, сўнг катта меҳнат ва катта сув сарфлаб шўрини ювандан кўра шўрланишининг олдини олмоқ зарур. Бунинг учун текисликларнинг сизот сувлари оқиши қийин бўлган, сатҳи қўтарилиб кетиши эҳтимоли бўлган ерларда захкашлар қазилади. Захкашлар қурилиш услугига қараб вертикал (тик, қудуқсимон) ва горизонтал (ётиқ) хилларга бўлинади. Тоф жинси қаватлари ичida сув ўтказувчанлиги юқорироқ бўлган шагал, кум каби қабатлар бўлса, вертикал (кудуқсимон) захкашлардан фойдаланилади. Унинг афзаллиги кам жой ишғол этиб, сувнинг ҳатто пастки қабатлардан узлуксиз равища насослар билан чиқариб турилиши натижасида сизот сувларининг қўтарилиб кетишидан сақлайди. Олниаётган сувлар сифатига қараб, ҳар хил эҳтиёжлар учун ишлатилиши мумкин.

Горизонтал захкашларнинг очиқ ва ёпиқ турлари бор. Улар сув ўтказувчанлиги паст бўлган гилли тоғ жинслари тарқалган ҳудудларда кўлланилади. Очиқ захкаш (зовур)-лар катта ариқсимон, лекин чукур қазилган бўлади. Улар аксарият далаларни айрим бўлакларга бўлиб, чегараларда жойлашган бўлади. Ҳар бир захкашнинг, сизот сувлари сатҳини пасайтира оладиган таъсир майдон кенглиги ва тоғ жинсларининг сув ўтказувчанлигига қараб оралифи 50—200 м атрофида бўлиши мумкин.

Захкашлар орасидаги масофа икки захкашнинг таъсир масофасидан ортиқ бўлса, улар ўртасидаги ерлардаги сизот сувининг сатҳи пасаймай ерни шўрлатади. Захкашлар орасидаги масофа қисқартириб юборилса, дала майдалашиб иш унумдорлигини пасайтиради. Шунинг учун очиқ зовурлар орасидан уларга кўндаланг йўналишда ёпиқ зовурлар ўрнатилади. Ёпиқ зовурлар ерга қўмилган тешик қувурлардан иборат бўлиб, улар йиғилган сувни очиқ захкашларга оқизиб туради.

Муҳандисларнинг маълумотларига кўра ҳар бир гектар ерга 45—55 м горизонтал захкаш тӯғри келмоғи зарур. Бу кўрсаттичка яқинлашган сари ҳосилдорликнинг ошишини Хоразм вилояти мисолида кўриш мумкин. У ерда ҳар бир гектар ерга тӯғри келадиган захкашнинг узунлиги 6,9 м дан (1953 й.) — 21 м (1961 й.) га етказилиб, жумҳуриятимизда энг юқори (35 центнерлик) пахта ҳосилдорлигига эришилади.

Захкашларни ер ости сувларининг кўтарилиб кетмасдан олдин курилишининг икки афзаллиги бор. Биринчидан, тупроқларни шўрланишдан сақласа, иккинчидан, курилишни енгиллаштиради. Ўрта Осиёда гилли ва лёссимон тоғ жинсларининг таркибида чанг ва майдагум заррачалар кўп (50—90%) бўлиб, улар сувга тўйинганда заррачалар атрофи сув пардаси билан қопланиб, заррачалар орасидаги боғланиш кучи, ишқаланишга қаршилиги кескин камайиб, тоғ жинслари оқувчан ҳолатга келиб қолади. Бундай тоғ жинсларида қазиш ишлари ниҳоятда қийинлашади. Баъзан қазилган жойларга тоғ жинслари сурилиб оқиб келиб, ер сатҳини ва ҳатто қазиш олиб бораётган эксковаторларни чўкиб кетиши ҳолатлари ҳам кузатиласди. Чукур қилиб қазиш имконияти бўлмаган захкашларнинг фойдаси ҳам бўлмайди. Шунинг учун оқувчан тоғ жинсларида қазиш ишларини олиб боришдан олдин маҳсус қудуклар ёрдамида ер ости сувларининг сатҳини пасайтириб, ёки совутгичлар ёрдамида музлатиб, оқмайдиган қилиб олинади. Бу ишларни захкашлар қазища олиб бориш ниҳоят қимматлик қиласди. Захкашлардан йигилган сувлар дарёларга оқизилади ёки пастқам ерларда тўпланиб кўлларни ҳосил қиласди. Ҳозирги вақтда Ўрта Осиёда сатҳи 10 km^2 дан катта бўлган 20 та кўл бўлиб, уларда $40—42 \text{ km}^3$ сув сақланмоқда. Улар ичida энг каттаси Сариқамиш кўлининг сатҳи 3200 km^2 бўлиб, йилига унга $4,5—5,2 \text{ km}^3$ захкаш сувлари оқизилмоқда.

1969 йил ёғингарчилик кўп бўлиб, Сирдарё суви кескин кўпая бошлаганда Чордарё сув омборининг тӯғони шикастланмасин, деб Мирзачўлнинг гарбидаги Арнасой, Айдар пастликларига $21,8 \text{ km}^3$ сув оқизиб юборилади. Ҳозирги вақтда бу ерда ҳосил бўлган кўлнинг сатҳи 1800 km^2 бўлиб, унда 14 km^3 сув сақланмоқда.

Қорақум каналининг атрофида умумий сатҳи 80 000 гектар келадиган майдагуллар пайдо бўлиб, уларда 225 km^3 сув тўпланган.

Марказий Осиё шароитида сув сатхидан йилига бир метр қалинликдаги сув бугланиб кетади. Бу эса құл сувларининг шүрлигини йилдан-йилга ошиб боришига, ундаги балиқ ва бошқа жониворларнинг касалланишига, йўқолиб боришига сабаб бўлади. Агарда вақтида тегишли чоралар кўрилмай Орол каби улар ўлик кўлга айланса, тагида йиғилган туз ва заҳарли моддалар шамол таъсирида учирилиб тоғолди дехқончилик қилинаётган ерларимизни, ҳавони ва шаҳар халқларини ҳам заҳарланишини оширади.

Дехқончиликда ер ва сувдан оқилона фойдаланмаган-лигимиз туфайли Орол денгизини қуритмоқдамиз. Унинг куруқликка айланган 2,6 млн гектар тубидан йилига (ҳар хил маълумотларга қараганда) 70—104 млн т тузли тӯфонлар кўтарилиб, Орол бўйи вилоятлари муҳитини ёмонлаштириб, ҳатто Тошкенттacha етиб келмоқда.

Дехқончилик учун ниҳоят қулай бўлган табиий шароитимизни ва одамларимизни фалокатдан сақлаш инсоннинг ўз қўлида бўлиб, бунда энг муҳими сувдан, кимёвий моддалардан, ниҳоятда тежамкорлик билан фойдаланишига боғлиқ.

Сув тежамкорлигига алоҳида аҳамият берилишининг сабаби жумхуриятимизда йилига сарфланаётган сувнинг (56 млрд метр³) 82% дехқончиликка кетади. Уни ярмидан кўпичерга шимилиб, бугланиб бекорга исроф бўлади. Сарфланган сувдан 30% га яқини туз ва заҳарли моддаларга бойиб захкашларда йиғилгани сабабли дарё ва кўл сувларининг сифатини йилдан-йилга ёмонлаштироқда. Экинларни суғоришида темир-бетон ёки пластмассалардан ишланган ариқлар, қувурлар ишлатилгани, экинларга зарур микдордаги сувни найчалар ёрдамида илдизидан ёки томчилатиб, баъзан ёмғир каби сепиб берилгандан суғориш ишлари қимматлашса ҳам одамлар учун зарур бўлган тоза сув тежалади, табиий муҳит ва инсон саломатлиги яхшиланиб, бекорчи сарфлар камаяди.

7.2. ЧОРВАЧИЛИК БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛГАН САЛБИЙ ЖАРАЁНЛАР

Марказий Осиёда чорва далада боқилган. Чорва кўпайиб кетган ерларда ўтлар камайиб, қиялик ерларнинг сатхи мол туёғи таъсирида қисман бузилиб тупроқ емирилишини тезлаштирган. Емириш бўлаётган ерларда ўсимлик яхши

ривожланмайди. Ўтсиз ерларда мол боқилмаган. Шундай қилиб чорвадорлар яйловлардан оқилона фойдаланиб, табиатдаги мувозанатни сақлад келган, чорвачилик ривожланган. Мол чиқиндилиари далада қолиб тупроқни ўғитлаган. Бұз ерлар үзлаштирилиб, пахта далаларининг кенгайиши ҳар хил конларнинг пайдо бұлиши яйловларни кескин камайишига олиб келди. Узоқ йиллар мобайнида жумхурият раҳбарлари асосий эътиборни пахтага қаратиб, чорвачilik эътиборсиз қолди. Озиқ-овқат танқислиги бошланғандан сұнг гүшт етиштиришни күпайтириш мақсадида олтмишинчи йиллардан бошлаб, иирик молхоналар, чүчқа-хоналар ва паррандахоналар қурила бошланды. Уларнинг сув таъминотини арzonлаштириш мақсадида қилинган қурилишлар, асосан, оқар сувлар яқинида олиб борилди. Бундай ерларда сизот сувлар сатқы саёз жойлашган бўлиб, молхона ва чүчқа-хоналарнинг чиқиндилиаридан ифлосла-ниш эҳтимоли катта бўлади.

Бундай ифлосланиш чорвачилик чиқиндиси сув билан ювиб тозаланганидан шалтоқ тўпловчи қурилманинг етишмаслигидан содир бўлади. Баъзи вақтларда чиқиндилиар тозаланмай, уларни сувга оқизиш ҳолатлари бўлади. Таниқли олим проф. З. Акромовнинг мълтумотича (“Ёш ленинчи”, 10. 08. 1989) Хатирчи ва Қизилтепа районларида 27 та сут-товар фермаси Зарафшон дарёси бўйида жойлашган бўлиб, уларнинг фақат тўрттасида шалтоқ тўпловчи қурилма бор бўлган. Зарафшон воҳасининг бошқа ноҳияларида ҳам ахвол шунга яқин бўлгани учун ҳозирги вақтда Зарафшон сувининг органик чиқиндилиар билан ифлосланиши ошиб бормоқда. Бундай ифлосланишнинг энг хавфли томони шундаки, чорвалар орасидаги касалликларнинг сув орқали одамлар ва соғлом чорва орасида тарқалишига имконият яратади.

Ўн минг чорвали бир молхонадан, аҳолиси 100 минг киши бўлган шаҳардан чиққанчалиқ чиқинди чиқади. 1980 йилда Собиқ Иттифоқдаги 187 молхонадан чиққан чиқиндилиар миқдори умумий аҳолиси 150 млн бўлган бир неча шаҳарлар чиқиндисига teng бўлган. Агарда бу 1980 йилда Собиқ Иттифоқнинг шаҳарларида 1662 млн одам яшаганини инобатта олинса, чорва чиқиндилиари шаҳар чиқиндилиари (халқнинг майший чиқиндилиари) миқдорига яқинлашиб қолганини кўрамиз.

Чорвахоналардаги шалтоқлар қувурлар ёрдамида шалтоқхоналарга узатилиб, заарсизлантирилиб дәхқончилик да ўғит сифатида ишлатилса тупроқнинг ҳосилдорлиги ни оширишда хизмат қиласи.

Бу иш жараёнлари яхши ишлаб чиқилган бўлса ҳам, унга амал қилинmasлик ҳолатлари учрайди. Баъзан молхоналарни кенгайиши натижасида шалтоқхоналарнинг ҳажми камлик қилиб қолади. Шалтоқхона ва унинг қувурларидан оқиб тушган чиқиндилар тупроқни, ундан шимилиб ўтиб ер ости сувларини, ариқ ва дарё сувларини ифлослантириб, инсон саломатлигини ёмонлаштириши мумкин. Шунинг учун молхона оқар сувлардан узокроқда, чиқиндилар ўғит сифатида ишлатиладиган дәхқончилик майдонларига яқин қилиб, ер ости сувларини ифлослантирмайдиган чоралар кўриб қурилмоғи лозим.

7.3. СУВ ИНШООТЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛГАН САЛБИЙ ЖАРАЁНЛАР

Сув энергияси, сув йўллари ёки сувнинг ўзидан фойдаланиш мақсадида сув омборлари ва каналлар қурилади. Ҳозирги кунда МДҲда сув сифими 1 млн метр кубдан ортиқ бўлган сув омборларидан бир мингта яқини бўлиб уларнинг сув сатҳи 116 минг кв. км га боради. Улар ичida энг катталари Братск (179 км^2), Илимск (59,4), Куйбишев (58), Бахтарминск (58), Волгоградск (32,2), Рибинск (25,4 км^2). Агарда юқоридагиларга юз минглаб ҳар хил катталиқдаги, сув сифими 1 млн метр кубдан кам бўлган майда сув омборлар қўшилса, улар 100 млн гектар экинзор, ўрмон ва дәхқончилик қилинадиган ерларни эгаллаб ётганини гувоҳи бўламиз.

Сув омборлари дарё бўйидаги шаҳар ва қишлоқларни сув тошқинидан асраб, сувни йигиб, керакли вақтда ишлатиш ва электр энергиясини ҳосил этиш имкониятини беради. Улар фойда келтириш билан бирга атроф-муҳитга таъсир қилиб, зарар ҳам келтиради. Бу таъсир сув омборининг катталиги, чукурлигидан ташқари қурилган жойнинг сатҳи ва геологик тузилишига қараб ҳар хил дарражада бўлиши мумкин. Тоғда қурилган сув омборига нисбатан текисликда қурилган сув омборининг заарли таъсири кўпроқ. Қўйида бу таъсирларнинг асосийларини кўрсатиб ўтамиз.

Сув омборлари дарё оқизиб келаётган лойқа, күм шағалларнинг 90—95% ини ушлаб қолади. Бунинг икки хил зарари бор. Бири сув омборининг саёзланишини тезластириб, сифимини кичрайтиради, иккинчиси, экин майдонларининг ҳосилдорлигини оширувчи лойқадан маҳрум этади. Ўрта Осиё дарёларининг оқизиб келаётган жинслари кўп бўлгани учун Қайроқум сув омборида лойқанинг жинс ётқизиқлари билан тўлатилиши мўлжалдаги 42 йилда эмас 14 йилда, Пачкамарда 25 йил ўрнига 5 йилда тўлдирилди. Чорвоқ сув омбори тагида шағал, күм ва гилли жинслар йиғилиши ҳисобига бир йилда 1,5—2 метрга саёзлашиб бормоқда. Дарё сувидаги лойқа экинларга ҳаётий зарур бўлган озуқа моддаларга эга. Уни сув омборларида чуктириб лойқаси кам сув билан сугорилган ерлар қўшимча озиқлантиришни талаб этади.

Африканинг энг катта ва лойқа сувли Нил дарёсида Асуван тўғони курилиб, ундан электр энергия олиш ва дехқончиликни кенгайтириш мақсади кўзланган эди. Тўғон қуриб бўлингач, тошқин вақтида лойқа ётқизиладиган дарёни пастки серҳосил ерлари сув остида қолиб, тўғондан қуий томонда тошқин бўлмагани сабабли лойқа ётқизилмай қолган майдонларда дехқончилик маҳсулотларини кескин оширишга эришилмади. Фақат олдин табии озиқланган ерларда дехқончилик қилинган бўлса, ҳозир сунъий озиқлатирилиб деярли ўша ҳосил олинимоқда. Бундай иш Африқонинг Зоир дарёсида ҳам бўлиб, у ердаги озиқовқат муаммосини янада кескинлаштириди. Сув омборларининг қурилиши уларнинг атрофидаги ерларда сизот сувлари сатхининг кўтарилиб кетинишига сабаб бўлади.

Волга дарёсида қурилган кўплаб тўғонлар натижасида 3,2—4,8 млн гектар ўтлоқ ва дехқончиликка ярайдиган ер сув остида қолди, 3,5—5 млн гектар ер захлаб ҳосилдорлиги пасайиб кетди. Сизот сувлари сатхининг кўтарилиши сув омбори қирғодидан ўнлаб метрдан бир неча километргача етди. Ҳаво ҳарорати ва ёғингарчиликнинг камайиши 30 километргача боради. Иссиқ фаслларда сув омборлари устида ҳосил бўлган салқин ҳаво оқимлари ёғингарчиликнинг камайишига сабаб бўлиб, Волга ҳавзасининг 30—40 млн гектари, яъни 18% ерида ёғингарчилик камайди. Ф. Моргуннинг (Природа и человек, 1990 й. №5) ёзичиша Волгадаги тўғонлар сув алмашинишини 12 марта камайтириб, дарё сувини ифлослантириб балиқларнинг йўқо-

либ кетишига сабаб бўлган. Биринчи жаҳон урушидан илгари Волгадан йилига 5 млн центнер балиқ овланган бўлса, ҳозир фақат 40 минг центнер овланади. Энг қимматбаҳо осетр балиқларининг касалланиши 1988 йили 99 фойизга етган. Техника ривожланиб, ер қазиш ишлари осонлаштанидан фойдаланиб, айрим хўжаликларнинг ўзларига кичик сув омборлари куриб олиш ҳоллари учрамоқда. Г. Кирьянов (“Правда” 18.09. 1985)ни ёзишича Кубань воҳаси чўл иқлимидаги дарёларнинг умумий узунлиги 4 минг км дан ортиқроқ бўлиб, унда 1,408 та сув омборлари курилган, деярли ҳар 3 км га биттадан. Уларнинг 18% ишлатилади, холос, қолганлари дарё сувларини бекорга буғлананиб кетишига, натижада сизот сувлари сатҳини кўтарилиб, ерларни захлаб кетишига сабаб бўлмоқда. Олдин дарёлар булоқ сувларини йиғиб табиий захкаш вазифасини бажарган бўлса, ҳозир ер захини қочириш учун катта маблағ сарфлаб захкашлар қазиш керак бўлмоқда.

Таниқли академик М. Мұхаммаджонов (“Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 01.09, 1988) маълумотига кўра жумхуриятимизнинг 51 та ва жумхуриятларо 5 та сув омборига 55,5 миллиард метр куб сув сифади. Уларни куриш муносабати билан кўплаб қишлоқлар, минглаб гектар унумдор ерлар сув тагида қолиб кетади. Бундан ташқари ҳар йили сув омборлари сатҳидан 5 млрд метр кубга яқин сув ҳавога буғланади. Уларнинг кўплари деҳқончиликка салбий таъсир қилади. Масалан, Андижон сув омбори ишга туширилгач, 10 йилдан кейин, сув омборидан 20 км узоқликка жойлашган Савой совхозида, экинлар учун фойдали ҳарорат йиғиндиси 402 даражагача пасайган, сув омбори атрофидаги районларда ўзга ўсадиган энг кулай кунлар 20—35 кунга қисқарган. Қорадарёдан оққан сув ҳарорати 5,5 даражада паст бўлиб, у ҳосилнинг етишиши вақтини 30—40% камайтирган. Ҳосилдорликнинг пасайишига ўсимликларга фойдали лойқаларнинг далаларга етиб келмай сув омборида қолиб кетиши ҳам сабаб бўлади. Бундай ҳол Каркидон, Қўрғонтепа ва бошқа сув омборлари атрофида ҳам кузатилган. Ю. Сайдовнинг (“Ёш ленинчى”, 30. 08.90) ёзишича Туямўйин гидроузели курилгандан сўнг Амударёдан оқиб келаётган ҳосилдор лойқа сув омборларида чўкиб қолиши оқибатида Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятларида тупроқ эрозияси кучайган, ернинг мелиоратив ҳолати ёмонлашгач

сув ҳароратининг бир даражага камайиши юз берган. Натижада ҳосилдорлик пасайиб, ҳар йилги зарар 159 миллион сүмга етган. Лойқа сув билан суфориладиган туроқларда намнинг сақланиши яхши бўлиши ҳисобига сув харжи 2 баробаргача камайиши мумкин.

Катта сатҳли сув омборларида сув тўлқинланиб қирғоқларни емиради. Емирилиш тезлиги тўлқин кучига ва қирғоқдаги тоғ жинсларининг сувга чидамлилигига боғлиқ бўлиб, энг кўп емирилиш гилли ва лёссли тоғ жинсларида кузатилади. Уларда емирилиш йилига бир неча метрдан ўнлаб метргача бориши мумкин. Бундан ташқари қирғоқдаги гилли ва лёсси тоғ жинсларининг намлиги ортиши натижасида заррачалар сув пардаси билан қопланниб, улар орасидаги боғланиш кучи ва ишқаланишга бўлган қаршилик камайиб, тоғ жинс қатламлари пастга қараб суриласди. Сурилмаларнинг ҳажми, тезлиги ва зарари ҳар хил бўлиб, баъзан кўнгилсиз ҳодисаларга сабаб бўлади. Бундай кўнгилсизликлардан бири 1963 йили Италияning шимолида қурилган Войонт сув омборида юз берган. Унинг ўнг қирғоғидан 360 млн m^3 тоғ жинси сурилиб сув омборидан 114 млн. m^3 сувни сиқиб чиқаради. Бу сув 265 метр баландликдаги тўғон устидан ошиб тушиб, бир неча қишлоқ ва шаҳарларни шикасталади, 3000 га яқин киши ўлимига сабаб бўлди.

Баланд тўғонларнинг қурилиши, юзлаб метр қалинликдаги сув массасининг йигилиши сув омбори заминида тоғ жинсларига нисбатан бўлган босимни ортиб кетишига, натижада одамлар фаолияти билан боғлиқ бўлган техноген ер қимирлашларга сабаб бўлади. Дунёда энг баланд тўғонлардан бири Ваҳш дарёсидаги Нурак ГЭС тўғони бўлиб, унинг баландлиги 300 метр бўлган бўлса, кейинчалик шу дарё водийсида ундан ҳам баланд (335 м) Рогун тўғони қурила бошланган ва сув омбори тагида қоладиган 42 та аҳоли турар жойларидан 22 мингдан ортиқ одамни кўчиришга мажбур этган. Қурилишлар каталашган сари уларнинг муҳитга салбий таъсири ҳам ортиб боради. Бундан ташқари улар кўп маблағ талаб этади, қурилишга ниҳоят узок вақт кетади. Масалан, Нурак ГЭС қурилишига 20 йилдан ортиқ вақт кетган бўлса, Рогун ГЭС 20 йилдан бери қурилмоқда. Шунинг учун қисқа муддатда битадиган, харажатни тезда қайтара бошлайдиган кичикроқ иншоотлар қурилиши иқтисод ва муҳит учун фойдалироқ.

Сув омборларининг емирилишига, сурималарнинг ёсил бўлишига, ер ости сув сатҳарининг кўтарилишига, таъсирининг турғуналашувига 10—20 йил кетади, сув таркибининг ўзгариши эса, асосан биринчى йилларда содир бўлади. Тўғонларнинг пастки қисмида сув оқими-нинг кескин пасайиши унда заарли ва заҳарли сув ўтла-рининг кўпайишига сабаб бўлади. Шунингдек, сув ҳаро-ратини пасайтириб, 5—15 кун эрта музлашига ва 10—20 кун кечроқ эрийдиган ҳолга келишига сабаб бўлади.

Дарёларда ГЭС лар куриб элекгр энергияси олиш учун фойдаланиш даражаси, тарақкий этган Япония, АҚШ каби давлатларда 70—80 фоизга етказилган бўлса, Шўро ҳукумати даврида ер текин бўлиб, сув омбори қанча ўрмон, пичанзор ва экин майдонларини сув остида қолдириши, атрофдаги қанча ерларни захлатиб, захкашлар қаздиришга мажбур этиши ва умуман мұхитта салбий таъсири етарли даражада инобатта олинмаганлиги сабабли, улар баъзан фойда ўрнига заарли бўлиб қолган. Шунинг учун кей-инги йилларда сув омбори курилган ёки курилиши бош-ланаетган ҳудудларда аҳолининг норозилиги кучайди. Айниқса, текисликларда курилган сув омборлари катта сатҳга ёйилиб кетганлиги, саёзлиги туфайли сув йиғишга аҳамиятсиз бўлади. Улар экинлар, пичанзорларни бости-риб, сувни бекорга ерга шимдириб, ҳавога буғлатиб, ат-роф ерларни захлатиб, заарли сув ўсимликларини кўпай-ишига щароит яратади.

Бўз ерларга сув келтириб, у ерларни ўзлаштириш мақ-садида курилган каналларни ҳам фойдали, ҳам заарли томонлари бор. Бундай каналлар асосан ёғингарчилик микдори деҳқончилик қилиш учун етарли бўлмаган саҳ-ро ва чўл-иқлим шароитларида курилади. Ўрта Осиёда бундай каналларни курила бошлаганига 3—4 минг йил-дан ошгандир. Улар ёрдамида дарё водийсига яқин те-кисликлар ўзлаштирилган. Суформа деҳқончиликнинг тоғ олди ҳудудларига ва чўл иқлимли зоналарга тарқалиши, айниқса, кейинги 30—40 йил ичидаги ривожланди. Собиқ Иттифоқда бир неча йирик каналлар курилди ва ҳатто шимолга оқаётган дарёларни жанубга буриш лойиҳалари тузила бошланди.

Жумладан, энг катта ҳисобланган Қорақум каналининг лойиҳадаги узунлиги 1300 км дан 1070 км ри ишга туши-рилган. Унинг 450 км қисми кема юрадиган даражада катта

булиб, йиллик сув сарфи 7,8 км³ни ташкил этади. Канал сув ўтказувчанлиги каттароқ бўлган гилли ва қумли жинсларда қурилганлиги учун сувнинг ярмига яқини ерга шимилиб кетади. Натижада канал атрофида ер ости сувларининг сатҳи кўтарилиб, ер захлаб, шурланиб, ботқоқланниб, умумий сатҳи 80 минг гектарли, сув сифими 225 км³ бўлган минглаб кўлчалар ҳосил бўлди. Маданият ўчиқларидан бўлган Мурғоб ва Теджен воҳаси ерлари захланиб, қадимий бино ва иншоотлар шикастланди. Бундай кўнгилсизликларни бир миллион гектар ерни ўзлаштиришга мўлжалланган 546 километрли Аму-Бухоро ва Арис-Туркистон каналларидан сув келадиган ерларда ҳам қўриш мумкин. Шарқий Оврупо ва Сибирни жанубий чўллик иқлим шароитида, сугорилма дәҳқончиликни ривожлантириш қурғоқчилик йиллари ҳам режаланган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини олиш имкониятини беради деб, бу ерларда сув иншоотларини қуриш авж олиб кетди. Саратов вилоятининг ўзидағина каналларнинг узунилиги 5 минг километрга, қувурларнинг узунилиги 9 минг километрга, гидротехник иншоотлар сони 17 мингта, сув кўтариб берувчи қурилмаларнинг сони 3800 га етказилади. Бу каби қурилишлар Россияни Волгоград ва бошقا вилоятларида ҳамда Украинада ер ости сувларининг кўтарилиб кетишига, қишлоқ, шаҳар ва экин майдонларини захлаб, шурланиб кетишига сабаб бўлди. Қора тупроқнинг ҳосилдорлигини таъминловчи чиринди (гумус) сугорилиш жараёнида эриб кетиши натижасида тупроқ ҳосилдорлиги камайди. Катта маблағ ва меҳнат эвазига сувли иншоотлар қуриб, уларни ишлатиш учун кўп миқдорда электроэнергия сарфлаб, экин сугориб, ерларни захлатиб, ҳосилдорлигини камайтириб, захкашлар қазиш билан етказилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари харажатни оқламайди, яъни улар 5—10 баробар қимматга тушади деган фикрдагилар кўпайди. Бу фикр тарафдорлари лойиҳа қиммати 3,8 млрд сўм бўлган Волга-Чограй каналининг қурилишини тұхтатиб қўйишга эришдилар, шимолга оқадиган дарёларни жанубга оқизиш лойиҳаларини ҳам амалга оширмадилар. Ўта катта каналларни қуриб, сув етишмайдиган ерларни ўзлаштириш АҚШ, Мексика ва Австралия каби давлатларда ҳам амалга оширилмади.

Дарё сувларининг йўналишини орқа (тескари) томонга ўзгартириш кўп миқдордаги электр энергияни талааб

этади. Масалан, узунлиги 452 км ва көнглиги 15 метр бўлган Корағанда каналида сувни 475 м баландликка кўтариб бериш, унинг 22 ерида қурилган сув кўтарувчи иншоотларни ишлатиш учун 350 минг киловатт электр энергияси сарфланади. Демак, электр энергияни олиш мақсадида дарёларда тўғонлар қурилиб, бъязан, аҳолини кўчириш ҳисобига очилган янги ерлар ҳамиша фойда келтиравермайди. Бундан ташқари сув тақсимотининг кескин ўзгариши геологик мұхитга, дарё ҳамда унинг атрофидаги жониворлар ва ўсимликлар дунёсига, ҳатто иқлимга ҳам салбий таъсир этади.

Объ дарёси сувини Ўрта Осиёга келтиришга қарши бўлган олимларнинг фикрича, ёзда сув ҳароратини пасайтириб, дарё ва унга яқин ерлардаги жонивор ва ўсимликларнинг маҳсулдорлигини 17—21% га камайтиради, сувнинг муз ҳолати вақтини эса оширади.

Ҳаво ҳарорати фақат йил фаслларига қараб ўзгармайди, балки 11—12, 22—24, 80—92, 167 йил ва ундан катта даврий ўзгаришларга ҳам эга. Ҳозир Сибирь ҳавоси ҳарорати пасаймоқда, яъни энг паст ҳарорат XX асрнинг охири ва XXI асрнинг бошларига тўғри келишини ва XXI асрнинг 10—20 йилларига келиб, уни яна исий бошлашини инобатга олиш зарурлигини таҳмин қилишмокда. Албатта, йирик лойиҳаларни амалга оширишдан олдин, уни ҳар тарафлама ўрганиб, келажакда атроф-мухитни ўзгартиришга бўладиган таъсирини эътиборга олинса, катта ҳаражат сарфланмайди. Академик А. Н. Яншин айтганидек, сув келтиришдан кўра электр энергияни келтириш ҳам осон, ҳам арzon. Агар электр энергия бўлса, сувни истаган жойдан чиқариш мумкин. Профессор С. Ш. Мирзоевнинг ҳисоблашича, Ўзбекистон ер ости сув оқимиidan Сирдарё сувига teng келадиган миқдорда сув олиш мумкин. Ҳар бир қазилган қудукдан 150 гектар ерни сугорса бўлади. Бу сув Сибирдан келтирилган сувга нисбатан юз баробар арzonдир. Шундай бўлса ҳам ундан фойдаланиш ёмон аҳволда. Пахтани сугориши мақсадида бурғуланган қудуклар кўп ҳолларда сугориш даври тутагандан сўнг қаровсиз қолиб яроқсиз ҳолатга келади. Экин сугоришига мўлжалланган сувнинг 30—50% и ерга шимилиб, ҳар хил туз, ўғит ва дорилар билан ифлосланиб зовур ва кўлларда йиғилади. Уларни чучуклаштириб ишлатиш ҳозирда қиммат бўлса ҳам, күёш ва атом энергияси-

дан фойдаланаётган мамлакатларда кенг қўлланилмоқда. Махсус қурилмалар курилиб, улар тақомиллашиб бормоқда. Агар 1960 йилларда дунёда 100 га яқин бундай қурилма бўлган бўлса, 1970 йилга бориб уларнинг сони 1000 дан ошди. Шу билан бирга чучук сув олишга 0,3—4,5 сўм сарф қилинган бўлса, кейинги 20 йил ичida бу қиймат 10 баробар арzonлашди. Қувайтда 1 м³ чучук сув олишга 10 цент сарфланади. Бир литр сув таркибида 35 грамм туз бўлган шўр сувнинг (қишида) муз ҳолатдаги қисмида туз миқдори 1—2 г экан. Маълумки, шўр сув кимёвий, яъни ион алмаштириш усули билан чучуклаштирилади. Лекин ҳамма усуллар ичida ҳозирча (бизнинг шароитда) энг са-маралиси сувдан тежамкорлик билан фойдаланиш ва уни бекорга исроф қилиш йўлларини йўқотишидир.

7.4 САНОАТ КОРХОНАЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛГАН САЛБИЙ ЖАРАЁНЛАР

Саноат корхоналари чиқиндилари табиатни ифлослантиради. Бу борада айниқса, металургия, кимё ва биотехнология саноатларининг салбий таъсири каттадир. Собиқ Иттифоқ Олий Кенгашининг 1989 йил 27 ноябрда қабул этган қарорида қўрсатилишича умумий аҳолиси 50 млн киши бўлган 103 та шаҳар ҳавосида зарарли моддалар миқдори меъёридан 10 баробар ва ўндан ҳам ортиқ. Саноат корхоналарининг зарарли чиқиндиларини маший чиқиндиларга аралаштириб ташлаш ортмоқда. Ичишга мулжалланган сувларнинг учдан икки қисми талабга жавоб бермайди.

АҚШ да йилига 200 млн т заҳарли моддалар ҳавога чиқарилади. Таниқли профессор Зиёвуддин Акромовнинг маълумотига қараганда, 1989 й. Ўзбекистонда ишлаётган 1543 та саноат корхонаси ва 8 мингта яқин ёрдамчи саноат корхоналари булиб, улар ҳар йили ҳавога 2 млн тоннадан ортиқ зарарли модда чиқаради. Бу жумҳуриятимизда киши бошига 100 кг ни ташкил этади демакдир. Самарқанд, Фарғона, Андижон, Қўқон, Ангрен, Олмалиқ, Чирчик, Навоий ва бошқа бир неча шаҳарларда ҳавонинг ифлосланиши даражаси меъёридан 1,5—2, айrim жойларда 3—6 марта ортиқ. Газ ва қорамой (мазут) ёқила-диган 2114 та қозондан фақат бир нечтасигина тозаловчи қурилмалар билан таъминланган. Тошкентдаги 117 корхона ҳавога 51 минг тоннадан ортиқ заҳарли модда чи-

қармоқда, бу шаҳарликларнинг ҳар бирига 23 килограммдан тұғри келади.

Саноат ривожланган сари шаҳарларда ҳавонинг бузилиш даражаси аксарият ошади. Масалан, Россиянинг Нижний Тагиль шаҳридаги металлургия комбинати ҳавога бир йилда 700 минг тонна чиқынди чиқаради. Бунга үшаш корхоналар күпроқ Уралда, Сибирнинг Кемерова вилоятида, Украина нинг Донецк, Ворошиловград, Днепропетровск, Запорожье вилоятларида жойлашган.

Марказий Осиёда ҳавони эң күп ифлослантирувчи корхона Тожикистоннинг Турсунзода шаҳридаги алюминий заводи 1987 йилда ҳавога 403 тонна миқдорида фторли водород чиқаради. Бу белгиланган миқдордан (193,9т,) икки баробар ортиқ бўлди, Сурхондарё вилояти Сариосиё ноҳиясида у мумкин бўлган миқдордан 2—4 баробар кўпайди. Шамолнинг йўналишига кўра фтор бирикмасининг 80% и Сурхондарё вилоятининг Сариосиё, Денов, Олтинсой ноҳияларига тушади. У ерлардаги ҳавонинг ифлосланишига Шарғундаги брикет фабрикаси ва фишт заводининг ҳам таъсири бор, чунки бу ерда йилига таркибида 0,0023% фтор бўлган 35 минг тонна тошкўмир ёқилади. Фторнинг меъёридан 2-3 баробар кўпайиши инсон ва уй ҳайвонларига салбий таъсир қиласи. Тиббий фанлар олимаси Г. С. Ҳоджибоеванинг кузатишича, Сариосиёда 1987 йилда 1980 йилга нисбатан тутма мажрухлар сони 1,79 баробар, муддатидан олдин туғилган болалар сони 70% га, ниҳоятда кичик вазнда туғилишлар 4, тутма касаллеклари бўлган чақалоқларнинг умумий сони 2,5, тери ости юқумли хасталиклар 11 баробар ортган. Илмий изланишларнинг кўрсатишича катта ёшли чорва молларнинг қон ва суякларида фтор тўпланиб, уларни хасталатади, тиш тўкилишига, охирида қовурғалари ва дум умуртқасининг юмшаб қолишига сабаб бўлади.

Рангли металлар ишлаб чиқарадиган заводлар яқинидаги ҳавода олтингутурт ангидриди ва бошқа заарарли моддалар миқдорининг ошиши натижасида буғдойнинг ҳосилдорлиги 15—70%, ундаги оқсиллар 20—30% пасаяди. Шунингдек, ўсимликларнинг касалланиши ортиб сабзавотларда С витамины, қанд ва крахмал 1,5—2 баробар камаяркан.

Шарқий Қозоғистон Усть-Каменогорск шаҳрида металлургия саноати ривожланган бўлиб, у ернинг ҳавосида 8-10 турдаги кимёвий чиқындишлар мавжуд. Шаҳарнинг айрим қисмларидағи ҳаво таркибида қўргошин миқдори

меъёрига нисбатан 100 мартагача, углерод оксида 10-15 баробар ортиқ зақтлари ҳам бўлган. Ҳавоси ифлосланган қўрошин-рух комбинати, шаҳар иссиқлик энергостанцияси (ТЭЦ) Ульбинск металлургия заводи яқинида ишловчилар орасида рак касаллиги етмишинчи йилларга нисбатан 2 баробар кўпайган.

Марказий Осиёда металлургия саноати корхоналари га нисбатан кимё саноати корхоналари кўп. Булар жумласига, масалан, Чирчикдаги “Электрокимё”, Фарғонадаги “Азот” ва “Фарғонанефтесинтез”, Навоийдаги “Электрокимёмаш”, “Азот” саноат бирлашмалари ҳам киради. Қозоғистоннинг Жамбулдаги “Химпром” бирлашмаси бир йилда ҳавога 13 минг тоннадан ортиқ фтор бирикмалари ва бошқа чиқиндиларни чиқаради. Ҳавонинг ифлосланниши 100 километргача тарқалади.

Кимё саноати ускуналарининг тез емирилиши атроф-муҳитнинг ифлосланиши ҳавфини оширади. Зааркунандаларга қарши ишлаб чиқариладиган пестицид ва гербицид каби заҳарли моддаларни ишлаб чиқаришга нисбатан, уларни заарсизлантирилишига 2-3 баробар ортиқ маблағ сарфланади.

Саноат корхоналари ҳавога юзлаб турдаги чиқиндиларни чиқаради. Дунё миқёсида йилига ҳавога углерод оксида — 250 млн т, ёқилғи кукуни — 100 млн т, углеводород — 88 млн т, азот (II) оксида — 53 млн т, аммиақ — 4 млн т, олтингугурт водороди — 3 млн т, қўрошин бирикмалари — 1 млн т, фтор — 0,4 млн т чиқарилади. Саноати ривожланган Европа, Америка ва Осиё шаҳарларида бу каби чиқиндиларнинг узлуксиз чиқиб туриши натижасида улар устидаги ифлосланган ҳаво қатламининг қалинлиги бир неча километрга етган.

Ҳавони энг кўп ифлослантирувчи газлардан бири олтингугурт II оксидининг тахминан 70% и кўмирнинг ёнишидан, 10% металлургия корхоналаридан, 4% и нефтни қайта ишланишидан чиқади.

Олтингугурт азот кислоталарини ҳосил қиласди. Кислотали ёмғирлар ўрмон ва дараҳтзорларни касаллантириб уларнинг қуришига, тупроқ микроорганизмига салбий таъсир этиб, тупроқ структурасининг бузилишига, уни азот билан таъминлаб туришига ва ҳосилдорлигини камайтиришига сабаб бўлади. Кислотали ёмғирлар дарё ва кўл сувларининг ҳам кислотали муҳитини ошириб, улардаги балиқ, ҳар хил жонивор ва ўсимликларнинг ўли-

мига сабаб бўлади. Масалан, кислотали ёмғирлар темир, темир-бетон ва мармартошдан ишланган иншоотларни, ёдгорликларнинг емирилишини тезлатади.

Кислотали ёмғирлар тоб жинсларидан шимилиб ўтгаётганда, улардаги саломатликка заарли мис ва рух каби металларни эритиб, ичимлик ер ости сувларини ифлослантириши мумкин.

Олтингурут (II)-оксидининг ўзи ҳам саломатлик учун заарли модда ҳисобланади. Саноати ривожланган шаҳарларда кейинги 50 йил ичида ўпка раки эркаклар ичида 10-30 марта, аёллар ичида 3-9 марта кўпайишини мутахассислар ҳавонинг ифлосланишидан деб билишмоқда.

Швейцарияда кўл сувларини кислотали мұхитдан халос этиш учун 1980 йилдан бошлаб ҳар 6 минг km^2 сув сатҳига 120 минг тоннагача оқак сепилмоқда. Табиатни соғломлаштириш учун бу усулдан кўра энергиядан тежамкорлик, қуёш ва шамол энергиясидан омилкорлик билан фойдаланиш, чиқиндиларнинг асосий қисмини маҳсус курилмалар ёрдамида ёқиб, ундан қайта фойдаланиш усулларига ўтиш ҳар томонлама фойдалидир.

Москванинг Чертаново мавзесидаги учинчи сонли ахлат ёндирувчи заводнинг ҳавога чиқараётган 1 кг кукунида 14 г рух, 1, 5 г қурғошин, бир граммдан ортиқроқ хром, мис, марганец, 58 мг қалай, 35 мг кадмий, 20 мг кобальт, 4 мг берилий, 1 мг маргумуш борлиги аниқланган.

Ҳавога кўплаб ҳалқ ҳўжалигида ишлатиш мумкин бўлган кимёвий моддаларни чиқариш, табиатдаги мувозанатни бузиб, оғир фалокатларга сабаб бўлиши мумкин.

Марказий Осиё ҳавосидаги чанг, кукун, туз ва ҳар хил кимёвий моддалар тоғлардаги абадий музликлар устига ёғилиб, уларнинг эришини 1965-1985 йиллар ичида 10 баробаргача тезлаштирган. Илгариги Зарафшон тоғидаги музликларнинг чегараси йилига бир метрдан чекинаётган бўлса, кейинги йилларда 10 метргacha етди. Бир неча юз минг йиллар аввал ҳосил бўлган бу музликлар эриб, ёғингарчилик бўлмаган ёз фаслида дарёларни сув билан таъминлаб туради. Музликларнинг эриши тезлашиб, улар йўқолиб кетса дарёларимиз ёзда куриб қолиши мумкин. Дарёларнинг куриши деҳқончиликни, ичимлик ва сизот сувларини кескин камайишига сабаб бўлади. Ичимлик сувини ва деҳқончилик маҳсулотларининг камайиб кетиши эса авлодлар келажагига хавф тугдиради.

Саноат корхоналари ҳавони ифлослантиришдан таш-қари, суюқ ва қаттиқ ҳолдаги чиқындилиарни ҳам чиқаради. К. С. Лосевнинг “Вода” китобида (Гидрометоиздат, 1989, 238-бет) ёзилишича 1 тонна тайёр маҳсулот олиш учун прокатга 1,5-10, кокосга 1,5-30, чармга 82-110, сульфат кислотага 60-140, сунъий каучукка 250, капронга 2500 м³ сув сарфланади. Бу сувлар тозаланиб қайта ишлатилади. Баъзан уларнинг тозаланиш даражасини меъёрига етказмай дарё сувларига оқизиб юбориш ҳоллари ҳам бўлади. Б. Варварин “Природа и человек” (1990, №5) ойномасида ёзишича Усть-Каменогорскдаги кўргошин-рух комбинати 1985 йили Иртиш дарёсини Ульба ирмоғига таркибида юзлаб тонна бўлган 17,8 млн м³ чиқынди суви оқизган. 1989 йилга келиб чиқынди сувининг миқдори 1 м³ га туширилди. Нижний Тагил металлургик комбинати йилига 30 млн м³ чиқынди сувини дарёга оқизади.

Дунё бўйича чиқынди сувларнинг 80%га яқинини саноат чиқынди сувлари ташкил қиласади. Уларнинг таркибида ҳар хил заарали моддалар бўлиб, кимё саноатининг ўзидан 100 дан ортиқ заарали моддалар чиқади. Заарали моддалар ичидаги энг хавфлиси қўйидагилардир:

1. Симоб. Симоб асбобсозлик, металлургия, фармацевтика каби 3 мингга яқин саноат тармоғида ишлатилади. Унинг сувга тушган қисми майдага сув ўллари ва жониворидан бошлаб, улар билан озиқланган йирик балиқларга ўтган сари уларни миқдори янада ошиб боради. Таркибида симоб кўп бўлган балиқларни истеъмол қилиниши инсоннинг асаб томирларини, ҳаракат аъзоларини касаллантиради, кўриш қобилятини пасайтиради, наслий касалликларни келтириб чиқаради.

2. Кадмий. Кадмийнинг ўзи эмас, балки унинг бирикмалари заҳарлидир. У металлургия, шиша, бўёқ, ёғ саноатида, аккумулятор ва фотоматериаллар ишлаб чиқаришда кўлланилади. Узоқ муддат таркибида кадмий бўлган сув ва озиқа истеъмол қилинганда, у инсон организмида йифилиб ҳар хил суюқ касалликларига олиб келади, жисмоний ва ақлий фоалиятини сусайтиради.

3. Маргумуш. У мис, рух ва кўргошин эритишда, чарм, бўёқ, ҳашаротларга қарши заҳарлар тайёрлашда кўлланилади. У билан заҳарланган одамларда асаб капилляр томирлар ва бошқа аъзолар касалланади.

4. Пестицидлар. Уларнинг 500 хили бўлиб, энг хавфиллари хлорорганик ва фосфорорганик бирикмалар, шунингдек таркибида қўрғошин, маргумуш ва симоб бўлганлариdir. Улар организмдан чиқиб кетмай буйракда, тухумдонда, талоқда тўпланиб, жигар ва буйрак фаолиятини ёмонлаштиради, орқамияда йигилгани камқонликка ва қон касалликларига олиб келади. Пестицид ва гербицидлар таркибида ўта заҳарли диоксик моддаси бор. У ичимлик сувини 100 миллиарддан бир қисмини ташкил қўлса ҳам инсон организмини касалга қарши курашиш қобилиятини пасайтиради, наслни бузади, ақлий заифликка сабаб бўлади.

Марказий Осиё, айниқса Ўзбекистон деҳқонлари бундай заҳарли моддаларни кўп ва қоидага риоя этмай ишлатишлари сабабли ўн йил ичида буйрак тоши йигилиши касаллиги 10, ошқозон касаллиги 3, юкумли касалликлар сони 2 марта ошган.

Саноат корхоналаридан чиққан қаттиқ ҳолдаги чиқиндилар ҳам муҳитни ифлослантиради. Бу чиқиндилар ичида энг заарлilари кимё саноатидан чиқади. АҚШ да 70 минг хил кимёвий бирикмалар олиш вақтида йилига 42 млн т қаттиқ ҳолдаги чиқинди ажralади. Улар маҳсус курилган 32 минг чиқинди хоналарида йигилади.

Қаттиқ ҳолдаги чиқиндилар билан муҳитнинг ифлосланishi, суюқ ҳолдагига қараганда заарлироқdir. Чунки бу чиқиндилар ёмғир, қор, дарё, ариқ ва ер ости сувлари таъсирида эриган заҳарли моддалари билан атрофдаги тупроқларни, ичимлик сувларини ифлослантириш хавфини доимий туғдириб туради.

Атом энергиясидан фойдаланиш имконияти ошган сари радиоактив чиқиндиларни сақлаш ҳам муҳим муоммага айланмоқда. Ўзбекистонда саноат чиқиндиларининг ҳажми 1 млрд т га яқин бўлиб, 10 минг гектардан ортиқ ҳосилдор ерни эгаллаб ётади. Рўзномаларда бир неча бор Ядро физикаси институтининг радиоактив чиқиндиларни сақлайдиган жойи түғрисида мунозара кўтарилади.

Радиоактив чиқинди чиқарадиган корхоналар ва уларнинг чиқиндиларни кўмадиган ерларнинг таnlанишида инженер-геологик текширишларни ва қурилишларнинг сифатларига алоҳида аҳамият бериш зарур. Буни айниқса Марказий Осиё каби сейсмик жиҳатдан серҳаракат бўлган ҳудудларда инобатга олмоқ зарур. Миллионлаб

йиллар давомида ер қобигининг нотекис күтарилиб, пасайиб туриши натижасида тоғ жинслари қабатларида узилишлар бўлиб, ер сатхининг бир қисмини иккинчи қисмига нисбатан тепага, пастга, ёнга сурилиб кетган жойлари кўп. Баъзан узилма ўзгаришларнинг эни бир неча ўнлаб, ҳатто юзлаб метргача боради. Уларнинг ичи сурилиш вақтида ҳосил бўлган тоғ жинси бўлакларидан иборат бўлиб суюқлик ва газ ўтказувчанилиги катта бўлади. Атрофидаги ёриқлари кўпайган тоғ жинсларидан унга оқиб келган суюқлик ва газлар бошқа қатламларга ўтиб уни ифлослантиради. Бу ҳолатни заҳарли ва радиоактив чиқиндиларни кўмишда маъданларни эритиб олиш мақсадида ёриқлар тарқалган қабатларга кислота юбориш жараёнида ҳисобга олиш зарур.

Кейинги йилларда жамиятимизни демократлашиши ва ошкоралик туфайли халқнинг талабига кўра ичимлик сувини ифлослантирувчи Тошкентдаги “Мотор” ва Бўстонликдаги “Асбобсолзик” заводларининг қурилиши тўхтатиб қўйилади, “Кўқон кимё заводи” ёпилиб, уни янги йўналишда ихтисослаштирилди. Агарда бу соҳа вазирликлари ўз манфаатларини кўзлаб, фақат қурилишни арzonлаштиришини ўйлабгина қолмай, балки уни табиатга, инсон саломатлигига етказиши мумкин бўлган заарларни, бу заарларни тиклаш учун кетадиган харажатларни инобатта олишса, халқ маблағи бекор исроф бўлмасди.

Япония, Олмония ва АҚШ каби саноати тараққий этган давлатларда муҳитни мухофаза этиш мақсадида энергия, сув ва хом ашёдан омилкорлик билан фойдаланиб, чиқиндини кам чиқарадиган усулларга алоҳида эътибор берилади. Шаҳар саноатчилари ҳар бир корхонада чиқариладиган чиқиндилар миқдорини белгилаб, уни камайтириш усулига ўтган корхоналар харажатларининг бир қисмици табиий муҳитни кўпроқ ифлослантирган ташкилотлар зиммасига юклайдилар.

7.5. ШАҲАРЛАРНИНГ ТАБИИЙ МУҲИТТА САЛБИЙ ТАЪСИРИ

Шаҳарларнинг вужудга келиши ибтидоий тузумдан қулдорликка ўтиш даврига тўғри келади. Асримиздан 3-1. минг йил олдин Ирок, Миср, Сурия, Ўрта Осиё, Хиндистон, Хитойда пайдо бўлган шаҳарлар кичик бўлиб, улар-

да фақат 20-30 минг киши яшаган. Бу шаҳарларнинг табиий муҳитта таъсири ҳам кам эди. Аста-секин шаҳарлар йириклишиб, уларда яшайдиган одамлар сони 1800 йилда жами аҳолининг 4,7% ини ташкил қиласа, 1987 йилда бу сон жами аҳолининг деярли 1/3 қисмини ташкил этди. ЮНЕСКО нинг маълумотига қараганда 2000 йилга бориб дунё аҳолисининг сони 6 млрд га этади ва унинг ярми шаҳарларда яшайди. Шаҳарларнинг 2/3 қисми Европада жойлашган. Саноати тараққий этган давлатларда, шаҳарлар майдони умумий худуднинг 1/10 қисмини ишғол қиласи. Шаҳарлар кайталашган сари, уларнинг муҳитта бўлган салбий таъсири ҳам ошиб боради. Шаҳар ичидаги ҳаво ҳарорати аксарият 1-4°C, чанг 10 марта, газ микдори 5-25 марта кўп бўлиб, шамол тезлиги 10-40%, нисбий намлик 2-8%, қуёш радиацияси 5-30%, қор 5% кам бўлади.

Москва шаҳри худуди майдонидан чиқаётган ҳарорат ва газнинг тарқалиш кенглиги 50-60 км гача боради. Шаҳар ҳавоси исиб, чанг газ билан бирга ҳатто 100-300 м баландликка кўтарилади. Лекин шамол тезлиги 7-9 м/с га етиши ҳисобига тарқалиб, шаҳар ҳавоси табиий тозаланиб туради.

Жумхуритимиздаги автомашиналар ҳар йили ҳавога 2000000 тоннадан ортиқ заҳарли модда чиқарадилар. Бу эса киши бошига 100 килограммдан тўғри келади, шаҳарларда бу рақам бир неча марта ортиқдир. Масалан, Тошкент шаҳридаги транспорт воситалари йилига 36000 т. дан ортиқ турли газларни ҳавога тарқатади. У жон бошига тахминан 180 кг дан тўғри келиб, унинг таркибида 100 хилдан ортиқ заҳарли моддалар бор. Кейинги йилларда ҳавонинг ифлосланишини камайтириш мақсадида машиналарда заарли чиқиндилари кам бўлган ёқилгилар (тозаланган бензин, газ) ишлатила бошланди.

Шаҳарлардаги шовқин ҳам инсон саломатлигига салбий таъсир этади. Эшитаётган шовқинларимиз А шкаласи бўйича децибалда (dB) ўлчанади. Санитария қоидасига мувофиқ хона ичида шовқин 30-40 dB, мавзеларда 45-55 dB бўлмоғи лозим. Шовқиннинг 60-80% и машина ҳаракати билан боғлиқ бўлиб, серқатнов йўлларда 80-90 dB гача, юқ машиналаридан тарқалган шовқин эса 105 dB гача боради. Шовқин 90 dB дан ошса, асаб ва эшишиш органларига салбий таъсир этади, 130 dB дан ошганда

кишилар организмида кескин ўзгаришлар рўй беради, 180 дБ дан ошганда тўқималар парчаланиб ўлиш рўй бериши мумкин.

Шаҳар ҳавосини тозалаш ва шовқинни пасайтиришда дараҳтларнинг аҳамияти ниҳоятда катта. Улар чангни ушлаб, зарарли газларни ютиб, тоза кислород ажратиб муҳитни соғломлаштиради, кўча ва хиёбонларнинг кўркига кўрк қўшади. Фақат бу ишларни бажаришда ҳар бир ўсимликни алоҳида яхши ўрганган ўсимликшунослар ўз билимларини (шаҳар ободонлаштириш бўлими ва экологлар билан бирга) муҳитни соғломлаштиришда омилкорлик билан фойдаланилишлари зарур. Аҳолиси 500 000 дан ортиқ бўлган шаҳарларда аҳоли жон бошига 24 м² кўкатзор тўғри келиши керак. Сифатли дараҳтзорларнинг кўпайтирилиши муҳитни яхшилади.

Аҳолиси 100 000 бўлган шаҳарга ҳар куни тахминан 625 000 т сув, 2000 т озиқ-овқат, 10 600 т ёқилғи келтирилиб, 500 000 т сув, 200 т ахлат, 950 т газ ва кукунлар чиқарилади. Тежамкорлик пасайтган сари чиқиндилар миқдори ошиб муҳитни ифлосланиши ортиб боради. Шунинг учун тараққий этган давлатларда машина ёқилғиларининг тоза турларидан фойдаланишга, сув тежамкорлигига ва чиқиндиларни зарарсизлантиришга алоҳида эътибор берилади.

АҚШ нинг Массачусетс штатининг 60 та катта-кичик шаҳарларида истеъмол этиладиган сувнинг 38% и маиший эҳтиёжлар учун сарфланади. Шундан 13% и ҳожатхонага, 8% и душга ва 3% и ошхоналарда ишлатишга, 4% и кўча тозалашга сарфланади. У ерда сув хўжалигининг қурилиши, истеъмолчиларга етказиб турилиши, чиқинди сувларни тозалаш фақат бир бошқарма ихтиёрида бўлиб, уларда тежамкорликка алоҳида эътибор берилади. Сув тежамкорлигига юқори кўрсаткичга эришганлар мукофотланади.

Сувдан тежамкорлик билан фойдаланиш учун курашувчи давлатларда сантехник қурилмаларига алоҳида аҳамият берилади. Масалан, Швецияда ҳожатхона ахлати сиқилган ҳаво ёрдамида бир оз сув сарфлаш билан тозаланади, ювилаётган қўл жўмрак остидан олиниши билан, сув шу заҳоти оқишидан тўхтайди. Бундай тадбирлар, ўз самарасини кўрсатиб жон бошига Собиқ Иттифоқдагига нисбатан 1,5-2 баробар кам сув сарфлашга эришилган.

Дунё миқёсида киши бошига бир йилда үрга ҳисобда 11 000 м³ сув тұғри келса, бизда бу рақам 18 000 м³ ни ташкил қылади. Масалан, Тошкент каби шаҳарларда ҳар бір киши бошига (турли әхтиёжлар күзде тутилиб) кунига 350-400 литр сув берилади. Шундан 4-10 литри ичилади. Юви-ниш вақтида жұмрак ва душлардан бекорға сув оқиб 80% сув исроф бұлади. Масалан, 40-50 минут душ тагида чүмилганды 5000 литргача, тиши ювилганды 20-30 литргача ичимлик сув сарфланади. Қурилишнинг 11-31-74 қоидасига биноан уйларнинг құлайлиги ошган сари сув сарфи миқдори 125-160 литрдан 230-350 литргача ошиб боради. Дунё бүйіча үтказилған синовларнинг натижасига күра, маиший зарурият учун жон бошига 130 литр сув етарлы экан. Лекин бизда сантехник қурилмаларнинг ёмон ишлаши, шаҳардаги ариқларнинг йүқотилиб, әқинларни ичимлик суви билан суғорыш, сувнинг күпілаб исроф бұлишига сабаб бўлмоқда.

Сувдан нотұғри фойдаланиш оқибатида имарат ертулаларидан сув йиғилиши, чивинларнинг күпайиши ва биноларнинг чүкиши, деворларда ёриқларнинг пайдо бўлиши содир бўлмоқда.

Бу фалокатлар айрим биноларга тегишли бўлиб, уларда яшаётганларга нокулайлик ва бинони ер қимирлаш вақтида бузилиб кетиши хавфини туғдиради.

Чиқинди сувларини меъридан ортиқ чиқарыб, тоза ичимлик сувларини ифлослантириш, ҳар хил касалликларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади.

Чиқинди сувлар миқдори ошган сари, уларни сифатли тозалаш имконияти ҳам камайиб боради.

Масалан, ҳар томонлама ривожланған Санкт-Петербург шаҳаридан чиқаётган чиқинди сувларнинг 80% и тозаланиб, 20% и тозаланмай Нева дарёсига оқизилади.

Сув тозалагич иншоотларидан тозаланиш даражаси 80-90% атрофида бўлиб, 10-20% и тозаланиши қийин бўлған моддаларнинг меъерини талаб даражасига келтириш учун улар 10-25 баробар кўп тоза сув билан аралаштирилиб дарё ва кўлларга оқизилади. Тозаланмай оқизилған сувлар тозалик меърига етгунча ўз миқдорига нисбатан 30-100 баробар кўп тоза сув билан аралаштирилиши лозим. Ҳозир Волга дарёси атрофидаги шаҳарлардан тушаётган чиқинди йилига 30 м³ бўлиб, уни талаб даражасида аралаштиришга дарёning 250 м³ суви икки марта камлик

қилади. Дарё, күл ва денгизларнинг ифлосланиш даражаси меъеридан ошса, улар ўз тозаликларини қайта тиклай олмасдан аста-секин ўлиб боради. Майший ва чорва чиқиндиларида органик модда кўп бўлиб, у сув ўтларининг кўпайишига сабаб бўлади. Органик чиқинди ва сув ўтларининг оксидланиб, парчаланиши сувдаги кислородни камайтириб ундаги балиқ ва бошқа фойдали жониворларни йўқола бошлишига сабаб бўлади. Касалхоналар ва ҳар хил касалликларни, бактерия ва вирусларни ўрганувчи илмгоҳлардан чиқадиган чиқиндиларни ва шаҳардан чиқадиган чиқиндиларни аралаштириб, яхши тозаламай сувга оқизиш айниқса хавфли. Ёнгарчилик вақтларида шаҳар кўча, хиёбон ва ҳовлиларидан ҳар хил таркибли чиқиндилар ювилиб, ариқ сувларни ифлослантиради, канализация иншоотига тушган сув тозалагичларнинг ишини қийинлаштиради. Стокгольм шаҳридан йилига 850 минг м³ қор Маларен кўлига чиқариб ташланади. Бу қорда 30 т қўрошин, 6 т нефть маҳсулоти, 130 т туз ва кўп миқдорда қаттиқ жинслар бор. Профессор З. Акромовнинг маълумотича Тошкент вилоятида йилига чиқадиган 5 млрд м³ чиқинди сувидан фақат 1% дан ками (680 минг м³) тозаланади. Амударё, Сирдарё, Зарафшон, Қашқадарё, Сурхондарё, Чирчиқ, Оҳангаронга ҳар куни оқизилаётган 5 000 000 м³ оқова сувдан 500 000 м³ тозаланмайди. Натижада Жумхуриятимиз аҳолисининг 3500 000 кишиси сувнинг ифлосланиш даражасига кўра ҳалокатга дучор бўлиши мумкин, аҳолининг 6 000 000 таси эса ифлосланиш даражаси хавфли бўлган ҳудудларда яшамоқда. Шундай қилиб, ҳалқимизни деярли ярми сифатли ичимлик суви билан таъминланмаган. Сувдаги заҳарли кимёвий моддалар мева ва сабзавотдагига нисбатан бир неча бор кучли таъсир қилади. Бу жумхуриятимиз аҳолисининг саломатлигини ёмонлаштирувчи асосий сабаблардан биридир. Бу ҳолатда касалликни касалхоналар ва табобат ходимларининг сонини кўпайтириш билан йўқотиб бўлмайди. Аҳолини соғломлаштиришда табиатни соғломлаштиришнинг аҳамияти ниҳоят катта. Японлар табиатни муҳофаза этишга соғлиқни сақлашга нисбатан кўпроқ маблағ сарфлаш билан (буни аксини қилган америкаликларга нисбатан) одамларининг ўртача умрини З йилга кўпайтиришга, яъни 78 ёшга етказишга эришдилар.

Табиатни бузиб, сүнг уни қайта тиклашдан күра эхти-ёткорлик чораларини күриш, уни сақлаб қолиш 2-3 марта арzon бұлади. Чикінді сувларини тозалашни такомиллаштириш, құлай, арzon, юқори даражада сув тозалаш усулларини ишлаб чиқыш, тарғибот ишларини яхшилаш, одамларда ёшликдан экологик билимни ошириш, уларни озодагарчылыкка, тежамкорликка үргатиши яхшиланса табиатнинг ифлосланиши, касалларнинг күпайиши ҳозиргидек күт бұлmas әди.

Шаҳар экологияси муаммоларидан бири унинг худудини ахлатлардан тозалаштырып. Ахолиси 1 000 000 киши бұлған шаҳардан чиққан ахлатта йилига 40 гектарга яқын ер ажратылади. Москва шаҳридан йилига 8 миллион тонна ахлат чиқади. Уни 5000 та машина шаҳар атрофидаги 150 гектарлик ахлатхонага йил давомида ташыйди. Жумхуриятимиздан ҳам йилига 30 миллион тонна коммунал хұжалик чиқындилари чиқыб, унинг 10% дан ортиқроғи Тошкент шаҳрига тұғри келади. Чиқындиларнинг 40% и макулатура, 25-40% и озиқ-овқат чиқындилари, 4-5% и ҳар хил латта ва кийим қолдиклари, 4-5% и қора ва рангли маъдан, шиша синиқлари, 1-2%ини пластмасса ташкил қылади. Ахлат ёндирилганда унинг ҳажми 3 баробар камаяды. Аммо унинг ҳажмини камайтириш учун ёкиш ҳавони ифлослантиради, инсон саломатлигига зарар келтиради. Үларни ёндиримай саралаб, хомащё сифатида ишлатылса, 5-6 баробар арzon маҳсулотта айланади, күплаб үрмөнлар сақланади. Бундай ишлар қысман Тошкентде ҳам бажарылмоқда. Чиқындиди қайта ишловчи заводларнинг қуввати кам бұлғани учун ахлатлар ахлатхоналарга ва жарликларга ташланмоқда, оқибатда атроф-муҳит ифлосланмоқда.

Күпгина тараққий этган давлатларда ахлатхоналар учун маҳсус ер олиш құммат бұлғани учун мутасадди ташкилоттар табиатта, одамларга зарар келтирғани учун катта жарима тұлашта мажбур этилишини инобатта олиб, ахлатларни сочиб ташлашмайды. Ахлатхоналар маҳсус лойи-халар асосида қурилиб ишлатылади. Ахлатхоналарнинг күмиладиган қисми заарасызлантирувчи моддалар билан аралаштирилиб, теги ва атрофи (сув үтказмайдиган ерларда) бир қават ахлат бир қават гиллик тоғ жинси шиббалаб тұлдирилиб, мұлжалдаги баландликкача күтарилигандан сүнг үт ва үсимликтар экилади. Бу ишларни ба-

жарувчи ташкилотлар ахлатхонадан фойдаланиш муддати тугагандан кейин 30 йилгача уни мұхитта ва одамларға зиён келтирмаслик кафолатини берадилар. Бундай сифатли ишнинг бажарилишига кетган харажатларни қоплаш учун чиқиндилярдан олинган биогаз, үйт, маъдан ва қайта тикланган (рекультивация қилинган) ер сотилади. Масалан, Франциянинг Греноболь шаҳрида қирилган чиқиндини қайта ишловчи корхонада органик чиқиндиляр кислородсиз (анаэроб) усулда парчаланиб, оқибатда олинган биогаздан 25 миндеги ахолиси бўлган шаҳарни ёқилғи билан таъминланади. Бундан ташқари, ҳар бир тонна чиқиндидан 100 кг дан ортиқроқ үйт, 50 кг гача қора ва рангли металлар олинади. Бундай корхоналар дунёнинг кўпгина шаҳарларида муваффақият билан ишламоқда.

Марказий Осиё ҳалқлари қадимдан тежамкорликка алоҳида эътибор бериб, чиқиндилярни саралаб, уларни ўйт бўладиган ва чорвага озиқ бўладиган турларга бўлиб, увол қўлмай ишлатишга ёшлиқдан ўрганишган. Одамлар озиқ-овқат чиқиндилярни чорва ва товуқ сақлаган қўшниларга чиқарган. Бундай яхши удумлар қайта тикланса, бозор ва кўп қаватли уйларда яшовчиларнинг чиқиндиляридан ҳам унумли фойдаланиш йўлга қўйилса, дәхқончиликка қулай ерлар ахлатхонага айланмасди, мұхитимиз тозароқ, озиқ-овқат маҳсулотлари эса кўпроқ бўларди.

7. 6. КОНЧИЛИК БИЛАН БОГЛИҚ БЎЛГАН САЛБИЙ ЖАРАЁНЛАР

Қазилма бойликлар ҳаётимиз учун зарурдир. Улар қишиюқ хўжалик маҳсулотларидан кейин иккинчи ўринда бўлиб, тараққиёт ва аҳоли сони ошган сари улардан фойдаланиш доираси ҳам ошиб бормоқда. Ер қаъридан фойдали қазилмаларни олиш дунё ахолиси жон бошига 1968 йили 20 т ни, ҳозир 30 тоннани ташкил этмоқда. Саноат ривожланиб хомашёга талаб ошган сари, бу миқдор ҳам ошиб бормоқда. Қазиб олинган тоғ жинсидан ўрта ҳисобда 2% соғ модда олиниб, қолган 98% и чиқинди сифатида ташланади. Ҳозир 1 тонна тоғ жинсидан 3 грамм олтин чиқса ҳам, харажатлар оқлангани учун кавлаб олинмоқда. Маъданларга талаб йилдан-йилга ошган сари

тоғ жинсларини қазиб олиш ҳам күпаяди, бунинг эвазига чиқынди тоғ жинслар миқдори ошиб боради. Собиқ Иттифоқдаги конларни қазиб олишда йилига 14 млрд кубметр тоғ жинслари юзага қелиб, шундан 1,5 млрд м³ Узбекистонга тұғри келади. Конларни қазиб олиш жарайёнида кон атрофидаги тупроқлар, ер устки ва остки сувлар, ҳаво ифлосланади ва баъзан дәхқончилік қилинаётган худудлар кон, кон саноати, кончилар шахрі ва кон чиқынцилари сақланадиган жойлар билан банд булиб қолади. Очиқ усулда қазиб олинадиган конларни мұхитта салбий таъсири күпроқ булиб, таъсир доираси 100 км гача боради.

Кон саноати ривожланган худудларнинг ер сатҳлари узгариб туради. Конларни очиқ (карьер ҳолатида) ва ёпик (шахталар ҳолатида) усулда қазиши жараённида чиқынцилар йиғилған тепаликлар билан бирга ер сатҳида чүкмалар, ёриқлар пайдо булади. Ер сатҳининг чүкиши Кузбассда 70 метргача, Қарағандада 10 м га борган жойлари бор. Волга бүйидеги оқактош, гипс кавлаб олинадиган шахталарнинг устида диаметри 20-60 метр, чүкүрлиги 15-20 метргача бұлған чүкмалар күп учрайди. Сатҳи 2-3 м чүккандың ундан дәхқончилік учун фойдаланиш 50% камайиб, 8 метрдан ортиқ чүккандың дала ўртасига сув йиғилиб, экин майдонининг күп қисми дәхқончилікка ярамай қолади. Чүкиши жараёнлари айниқса темир йүл шахб颤аларига катта зарар келтириб, баъзан ачинарлы фалокатларга сабаб булиши мумкин.

Сатҳнинг чүкиши сабаблари турлича булиб, улар ичидең күп тарқалғаны конлардан ёпик усулда қазиб олиш жараённида ҳосил бұлған бұшликтарнинг устки ва уннинг атрофидаги тоғ жинсларининг ўпирилиб тушишидир. Агарда шахта бұшлиғи устидеги тоғ жинси қабатлари горизонтал ҳолатда ётган бұлса, бұшлиқ усти ўпирилиб, қабатлар синиб чүкиши вертикаль ҳолда булади. Тоғ жинси қабатлари қия ҳолатда бұлса, қатламлар бұшлиқ томонға сурилиб, нисбатан катта сатҳлар секинроқ чүкади. Энг катта сатҳларнинг секин чүкиши, тоғ жинси ғовакларидеги сув ва нефтнинг узлуксиз миқдорда олиниши натижасыда содир булади. Серғовак гилли ва құм тоғ жинсларининг ғовакларини тұлдириб турувчи суюқлик ва газлар олинғанда, ғовак ичидеги босим камаяди. Тоғ жинси заррачалари орасидеги боғланиш кучи кам бұлған, тар-

кибида күм оз бўлган гилли тоғ жинслар юқори қатламидан тушаётган босимни кўтаролмай чўка бошлайди. Бундай чўкишлар АҚШнинг Калифорния штатида 1920 йиллардан бошлаб кузатилмоқда. Сан-Франциско яқинидаги Уииллингтон нефть конида 2500 қудуқдан нефть олиниши натижасида узунлиги 65 км, эни 10 км, чўкурлиги 8 метр бўлган чўкма 1957 йилда ҳосил бўлиб, кўприк, йўл ва ҳар хил биноларни шикастлаб 100 млн доллар зарар келтирган. Сан-Хаокин водийсида 8000 км³ майдонда деҳқончиликни ер ости суви ҳисобига ривожлантирилган. Унинг шимолида йилига ер ости сувининг сатҳи 1,2-2,1 м, жами 50 м га, жанубида эса йилига 6-9 м, жами 150 метргача пасайтирилган, натижада чўкиш йилига 0,3 метргача, жами 18,3 м га етган. Чўкиш оқибатида бузилган канал ва гидротехника иншоотларини тиклашга юз минглаб доллар сарфланган.

Мехико шаҳри тагидан 90 м, баъзан 100-300 м чўкурликдан кўп йиллар давомида меъёридан ортиқ сув сўриб олиниши натижасида чўкиш 1937-1948 йиллари 4 см дан 1948-1956 йилда 24 см га етди. Умумий чўкиш микдори 9 метргача борди, бинолар шикастлана бошлагандан сўнг ер ости сувидан фойдаланишини чеклаш, сувни 600 метрдан пастдаги қабатлардан олиш тавсия қилинди. Бундай ҳолат Токио, Осака шаҳарларида ва умуман, ер ости сувларидан меъёридан ортиқ фойдаланган ерларда кенг тарқалган.

Тоғ жинси қабатларидаги босимнинг ўзгариши ер қимиirlаш кучини оширишга сабаб бўлади. Ер қимиirlанда сатхнинг чўкиши ортиб, иншоотларнинг бузилиши кўпайиб кетади. Бундай воқеалар Япониянинг Токио ва Нигато шаҳрига яқин газ конида содир бўлган.

Конларнинг очиқ усулда қазиб олиниши сурilmalарга ҳам сабаб бўлади. Сурilmalар кон карьери ёнбағрларида ва атрофида содир бўлиши мумкин. Карьер ёнбағирларидаги сурilmalarning ҳажми кичик бўлса ҳам, конда ишловчиларга катта хавф туғдиради. Бундай сурilmalар Ангрен, Кўрошинкон, Қалмоқир каби конларда тез-тез содир бўлиб туради. Карьер чўкурлиги ва унинг девор қиялиги ошган сари қия ётган тоғ жинси қатламининг сурилиб карьерга бостириб кириши ошмоқда.

Кўрошинкон карьерининг чўкурлиги 120-150 м, деворларининг қиялиги 30-35° бўлганда, сурилиш деярли

бұлмаган. Чуқурлиги 200-250 м га етиб, девор қиялиги 42-44°га етганда йиллик сурілмалар сони 20 дан ошиб кетған. Катта қажмдаги сурілмалар түрли таркибдаги тоғ жинси қатламлари орасидаги боғланишнинг камайишидан бұлиб, кичиклари (20-30 минг m^3 гача бұлғанлари) қатламлардаги синиш чизиги ва ёриқлар бүйлаб ёки улар таъсирида содир бўлди.

Ангрен кўмири конининг деворидаги сурілмаларнинг ҳажми 100 млн m^3 гача боради. Бундай катта сурілмаларнинг сабабчиси гилли тоғ жинси ичидағи сувга тўйинган шағал, кум, қумтошларни уларнинг тагидаги сув ўтказмайдиган, Юра даврида ҳосил бўлган каолин-гил жинси устидан кон томон сурилишидир. Ангрен кўмирини қазиб олиш, уни газга айлантириш жараёни билан боғлиқ бўлган ишлар натижасида ҳам Курама тоғ этакларидағи конлар атрофида кўплаб сурілмалар ҳосил бўлган. Уларнинг ичидага энг каттаси Атчи сурілмасидир. Унинг ҳажми 700 млн m^3 , сатҳи 12 km^2 бўлиб, 80-170 метр қалинликдаги тоғ жинслари қатламларининг сурилиши 1975 йилдан бери давом этмоқда. Бундай сурілмалар атрофидаги иншоотларни шикастлаб, конга ҳам хавф туғдирмоқда.

Жумхуриятимиздаги очиқ конларнинг чуқурлиги 50-350 м, ёпиқ шахта услугда қазиб олинаётганларининг чуқурлиги 100-700 м атрофида бўлиб, уларнинг чуқурлиги бундан кейин янада ошиб боради. Жанубий Африка жумхурияти, Ҳиндистон олтгин конларининг чуқурлиги ҳатто 3000 метрга етган. Чуқурлик ошган сари кесилиб ўтадиган сувли қабатлар сони ошиб конга оқиб келаётган сув "микдори ҳам ортиб боради. Бу сувлар кон ичидан ва кон атрофида бурғуланган қудуклардан узлуксиз чиқарилиб турилади. Катта конлардан кунига минглаб, ҳатто миллионлаб m^3 сув чиқарилади. Натижада кон атрофидаги 10-20 километргача бўлган масофаларда ер ости сув сатҳи пасайиб, булоқ ва қудуклар курийди. Шунинг учун Курск магнит аномалияси кони атрофидаги ерларни куриб кетиши ва кондан чиқаётган чанглар таъсирида ернинг ҳосилдорлиги, айниқса қанд лавлагининг ҳосилдорлиги 20-40% камайган.

Кон қазиши ишларида бир вақтнинг ўзида ёки кетма-кет қисқа вақт ичиде 5-6 тоннадан 200-300 тоннагача, баъзан 500-1000 тоннагача портловчи моддалар ишлатилади. Ҳар бир m^3 тоғ жинсини қазиши учун эса 0,7-0,9 кг

портловчи модда сарфланади. Бунда тупроқ таркиби ўзгариб, ҳосилдорлик камайишига сабабчи бўлади. Масалан, Сурхондарё вилоятининг Кўҳитонг туз конини портлатиш, уни ташиш, фабрикада тузни майдалашдан чиқсан чанглар, кўлмак сувларни шўрланишига, дараҳт ва гиёхларни устини туз чанги қоплашига, уни еган молларнинг ўпкаси шикастланишига, атрофдаги қишлоқлар аҳолиси ичидаги ўпка, буйрак, сарик касалликларининг ортишига, боғлар ва майсазорларнинг қуришига сабабчи бўлган. Айниқса чиқиндиҳоналардан майда заррачалар ёмғир, қор ва дарё сувлари билан ювилиб, атроф муҳитга тарқалиши жуда хавфлидир. Улар ичидаги (маргумуш, симоб, кўргошин, кадмий, никель, молибден, рух каби заарарли моддалар) бўлиши мумкин. Улар кон ичидаги йифилиб қоладиган сувларда ҳам бўлади. Бундай сувлар илгари пастқам ерларга, дарёларга тозаланмай оқизилиб, сув ва тупроқлар ифлослантириларди. Шунинг учун ҳам саноати тараққий этган давлатларнинг тупроғи, суви ва баъзи ўсимликларида заарарли моддалар микдори ҳаддан зиёд ортиб кетарди.

Масалан, Буюк Британия тупроғида рух элементи микдорининг ва ўсимликларда молибденнинг кўпайиши ошқозон ичак касалликлари (рак хасталиги) нинг кўпайишига сабаб бўлаётганилиги аниқланган. Кўп микдорда силен элементи бор озиқани истеъмол қилиш одамлар сочининг тўкилишига, кўйлар туёқларининг касалланишига ҳам сабаб бўлган.

Кондан фойдаланиш жараёни тутагач ундан чиқиндиilar ва саралаш фабрикасидан чиқсан ўта заарарли моддалар атроф муҳитни муттасил ифлослантириб туради. Бу заарарларни камайтириш мақсадида меъеридан ортиқ ифлосланган сувларни дарёларга оқизиш тақиқланган. Қазишишлари тутатилган шахта, карьер ва жарликларни чиқиндиilar билан кўмиш, чиқиндилярдан йўл қурилиши ёки қурилиш материаллари учун хомашё сифатида фойдаланиш ёки уларнинг усти текисланиб боғ, экинзор ва, ҳатто, қурилиш учун ишлатса бўладиган даражада қайта тикланиши зарур.

Кўп давлатлардагидек бизда ҳам ерни қайта тиклаш ишлари кон қазиб олувлilar зиммасига юклатилган бўлиб, ҳар бир гектар ерни фойдаланишга яроқли ҳолга келтириш учун чиқиндининг таркиби, сатҳ тузилиши иқлим

шароити ва қандай мақсадлар учун ўзлаштирилишига қараб катта маблағ сарфланади.

Деҳқончилик учун тикланган чиқиндиilar сатҳини 2-3° дан ортиқ фарқ қылмайдиган қилиб текисланиб, чўкиш жараёни тугагандан сўнг унинг усти 1,5-2 м қалинликда қумли, гилли ёки лёсс жинслар билан қопланади: устки қатламга унумдор тупроқ ётқизиш тавсия этилади.

Қиялиги 15-45° бўлган чиқиндиili сатҳларни зинасимон майдонларга айлантириб, бу ерларга дараҳтлар экиш тавсия этилади. Сатҳларни текислаш ишлари юқоридан пастга қараб олиб борилади. Зинасимон сатҳларнинг бирбиридан фарқ қилувчи юза қиялиги 10° бўлганда баландлиги 3 метр, 15° да 4 м ва ундан кейинги ҳар 5° қияликка зинасимон сатҳлар баландлигини 1 метрдан ошириб бориш тавсия этилади. Чиқиндиilar қаттиқ қоя тоғ жинсларидан иборат бўлса, зинасимон сатҳларнинг нисбий баландлиги ва кенглигини 10 метрдан олинади. Ёмғир, қорсувлари оқишини ҳисобга олиб уларнинг нишабини тепа томонга 2-3° га кутариб ишланади. Каръерларни кўммасдан уларни кўлга ёки спорт иншоотлари мажмуасига айлантириш ҳам мумкин.

8. ГЕОЭКОЛОГИК ТЕКШИРИШ ИШЛАРИ

Геоэкологик текшириш ишларининг услуги инженер-геологик услугларга ўхшаш. Инженер-геологик текшириш ишларининг асосий мақсади у ёки бу ҳудудда ўзлаштиришга, қуриладиган иншоотларнинг мустаҳкамлигига таъсир этувчи табиий ва техноген омилларни аниқлаш бўлса, геоэкологик текширишлар натижасида эса инсониятни инженерлик фаолияти таъсирида юзага келган техноген ўзгаришлар аниқланади. Демак, иккала йўналишда ҳам асосий эътибор табиий муҳитни таркибий қисмлари бўлган компонентлар – геоморфологик ҳолати, геологик тузилиш, гидрогеологик шароити, табиий ва техноген жараёнларни вужудга келиши, ривожланиш қонуниятларини ўрганишга қаратилган. Фақат биринчisi ёрдамида табиий муҳит компонентларининг узоқ даврлар мобайнида такомиллашган ҳолдагиси ўрганилса, иккинчиси ёрдамида қисқа тарихий давр мобайнида фақат инсон фаолияти таъсирида содир бўлган ва бўлаётган ўзгаришлар ўрганилади. Мақсадларидаги фарқ, қисман

иш услугига, кўпроқ йиғиладиган маълумотларнинг турларига ва уларни талқин қилинишига боғлиқ.

Геологик, шу жумладан, гидрогеологик ва инженер-геологик текшириш иш услуглари адабиётда яхши ёритилган. Шу сабабли биз асосий эътиборни ўша услублардан фойдаланаётганда нималарга эътибор берилиши кераклигига қаратамиз.

Геоэкологик текширув ишлари кўп қиррали ишлардан ташкил топган бўлиб, унда бажариладиган ишларни куйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. Геоэкологик ҳужжатлаштириш.
2. Геоэкологик тасвирилаш.
3. Геоэкологик қидирув ишлари.
4. Геоэкологик лаборатория ишлари.
5. Геоэкологик тажриба ишлари.
6. Геоэкологик кузатув ишлари.
7. Аэрокосмик усусларидан фойдаланиш.
8. Хонаки ишлар.

8.1. ГЕОЭКОЛОГИК ҲУЖЖАТЛАШТИРИШ

Геоэкологик ҳужжатлаштириш ишлари саноат корхоналари ва алоҳида иншоотларни мукаммал ўрганиб, уларни экологияга таъсирини аниқлаштириш мақсадида ўтказилади. Тошкент вилояти табиатни муҳофазалаш кўмитаси 1990 йилда саноат корхоналарини ҳужжатлаштиришнинг услубий кўрсатмасини ишлаб чиқди. Унда кўрсатилишича экологик ҳужжатлаштириш ишлари саноат корхонаси маблағи ҳисобига бажарилиб, бажарилган иш натижалари маҳаллий ҳокимият, табиатни муҳофазалаш кўмитасини туман, шаҳар ёки вилоят бўлимлари билан келишиб, саноат корхонаси раҳбари томонидан тасдиқланмоғи зарур. Бундай маълумотлардан фойдаланиш геоэкологик текшириш ишлари сифатини яхшилашга ёрдамлашади.

Геоэкологик текшириш ишлари шаҳарларда ва экологияси ёмонлашган худудларда ўтказилади. Ўзбекистонда 1992 йили 118 та шаҳар бўлиб, улардан 60 таси Республика ва вилоятларга бўйсунади.

Шаҳарларни геоэкологик ҳужжатлаштиришда куйидаги маълумотларни йиғишга алоҳида эътибор бериш зарур:

1. Шаҳар номи, аҳолиси сони, манзилгоҳи.

2. Геоморфологик, литологик тузилиши, гидрогеологик шароити, хавфли жараёнлари тұғрисида қысқача маълумот.

3. Умумий ва қуйидаги мақсадларда фойдаланаётган ер саынлари:

3.1. Шахсий уй ва ҳовли.

3.2. Күп қаватли бинолар қурилған мавзелар.

3.3. Саноат корхоналари.

3.4. Даражтзор ва боғлар.

4. Күчаларнинг зичлигі, яъни шаҳар ҳудудининг айрим қисмларини ҳар бир квадрат километрига ўртача неча километр узунликда күча тұғри келиши, уларнинг кенглигі, асфальт ёки бетон билан қолланған қисми кенглигі, күча четидеги дараҳтзор ва әкінзор майдонлари ўртача кенглигі, кундалик автотранспорт воситаларининг қатнов сони.

5. Ичимлик суви билан таъминланғанлыгини ўртача, жон бошига, кундалик ва йиллик белгиланған, ҳақиқий иsteемол этиладиган миқдорлари:

5.1. Водопровод суви.

5.2. Ер ости суви, унинг жойланиш чуқурлиги, фойдаланиш услуби.

5.3. Дарё ва ариқ сувлари.

5.4. Ташиб көлтирадиган сув.

6. Коммунал құжалиғи, ободонлаштириш ва шахсий томорқаларни сугориш учун зарурий сув билан таъминланғанлығы, белгиланған ҳамда ишлатилаётган кундалик ва йиллик миқдорлари, уларни ўлчов асбоблари билан жиһозланғанлығы:

6.1. Ариқ, ва канал сувлари.

6.2. Ер ости сувлари ва улардан фойдаланиш услуби.

- 6.3. Водопровод суви.

7. Саноат корхоналарига белгиланған ва ҳақиқий ишлатилаётган кундалик (ва йиллик) сув миқдорлари.

7.1. Ариқ, ва канал сувлари.

7.2. Ер ости суви сатхи чуқурлиги, фойдаланиш услуби.

7.3. Тозаланған водопровод суви.

8. Канализация тармоқлари билан таъминланғанлығы:

8.1. Күп қаватли бинолар.

8.2. Касалхоналар, ҳаммоллар.

8.3. Саноат корхоналари.

8.4. Мактаб ва боғчалар.

8.5. Шахсий уйлар.

Канализация билан таъминланмаган мавзе ҳудудларда сизот сувлари сатқ чуқурлиги, ер ости ва ер устки сувларини ифлосланишидан муҳофазалаш мақсадида бажарилган ишлар.

9. Чиқинди сувларни тозаловчи иншоотларни жойлашган жойи ва уларни санитар-муҳофазаланиш учун белгиланган ва ҳақиқий ишғол этган ер саънилари, уларнинг қисқача геоморфологик, литологик, гидрогеологик таърифлари. Иншоотларнинг қурилган йили, ишлаш муддати, лойиҳада белгиланган қуввати ва ҳозирги кундаги ҳолати, кундалик ва йиллик тозалаш имконияти, тозаланиши шарт бўлган чиқинди сувларни белгиланган ва ҳақиқий микдорлари, тозаланган сувларни чиқариш режимлари ва микдор үлчовчи асбоблар билан жихозланганлиги: механик, физик-кимёвий ва биологик усуслар ёрдамида тозаланган, нисбий тозаланган ва қисман тозаланган сув микдорлари. Тозаланмаган ва ҳар хил даражада тозаланган сувларни дарё ва кўлларга оқизиладиган, ерга шимдириладиган микдорлари. Улардаги заарарли моддалар белгиланган меъордан кўп ва озлиги. Сув тозалаш иншоотларида йифилган чўқмалардаги заарарли моддалар, уларни заарсизлантириш чўқмаларни йиғиб ишлатиш, утилизация қилишга тегишли асосий маълумотлар. Чиқинди сувларни тозалашни яхшилаш учун олиб борилган ишлар, уларнинг мақсади, бажарилган вақти, экологик шароитнинг илгариги ҳолатига нисбатан яхшиланиш кўрсаткичлари.

10. Хонадонлардан чиқадиган маший чиқиндиларнинг асосий таркиби, микдори, йиғиш, ташиш ишлари. Чиқиндилар утилизация қилинадиган жойлар ва улар атрофини санитар муҳофазаланиш мақсадида ажратилган ерларнинг саънилари, ишга туширилган йили, ишлаш муддати, қисқа геоморфологик, литологик, гидрогеологик таърифлари. Чиқиндиларни саралаш, уларни қайта ишлаб фойдаланиш ишларини ташкил этилгани, утилизация қилинадиган чуқурликларни таг ва ёнлари заарарли сув ва ҳаво оқимлари ўтмайдиган қилиб ишланганлиги, чиқиндиларни заарсизлантириш, уларни ер ости, ер устки сувлари, ҳаво ва тупроқнинг ифлосланишига таъсири, экологик муҳитни яхшилаш учун кўрилаётган тадбирлар ва уларнинг натижалари.

II. Шаҳардаги автотранспортларнинг умумий ва айрим район ва (мавзе)ларидаги сонлари, улардан бензин,

газ ва дизель ёқилғилари билан юрадиганларининг миқдорлари, уларга келтириладиган ёқилғиларни кундалик ва йилилик ўртacha миқдорлари. Турли ёқилғиларда юрадиган автотранспортлар туридан ялпи кунига ва йилига ўртacha чиқадиган заарли моддаларнинг миқдорлари, уларни меъёрномада белгиланганига нисбатан кўп ва озлиги аниқланади.

Шаҳар экологиясига саноат корхоналарининг тасири катта бўлганлигини ҳисобга олиб, уларни ҳужжатлаштириш ишларига алоҳида эътибор берилиши, улар ҳақида керакли маълумотлар йиғилиб, умумлаштирилган натижалари шаҳарни экологик ҳужжатлаштиришда ишлатилиди. Булар қўйидагилардан иборат:

1. Корхонанинг номи, қайси вазирлик, корпорация, жамоага қарашлилиги, манзилгоҳи.

2. Ишлаб чиқариш бўлимлари, цехлари, улар чиқарадиган маҳсулот турлари, миқдорлари.

3. Ердан фойдаланиш: асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқариш корхоналарига, омборхона, идора биноларига, қаттиқ ва суюқ чиқиндиларга, боғ ва гулзорларга ажратилган ер саънилари. Санитар-эпидемиологик станцияси томонидан корхона атрофида ажратилган муҳофаза саъни ва уни (чегараларни) чизмада кўриниши.

4. Корхона ишлатадиган хом ашёларнинг номлари, йиллик истеъмол миқдорлари, уларнинг сақданиши.

5. Ишлатиладиган электр, газ, кўмир, қорамол каби энергия ва маҳсулотларнинг номлари, уларни кундалик, ойлик, йиллик белгиланган ва ҳақиқий истеъмол миқдорлари.

6. Ишлатиладиган канал, ер ости, тозаланган водопровод сувларини кундалик, йиллик белгиланган ва ҳақиқий истеъмол этилаётган миқдорлари, уларни ўлчаш асбоблари билан жиҳозланганлиги.

7. Тозаловчи иншоотга келаётган газ ва кукунларнинг умумий миқдори, чиқариш режими, белгиланганга нисбатан кўп озлиги, ундан заарсизлантирилгани; йиғиб қайта ишлатилганлари миқдори, ҳавога чиқариладиган чиқиндиларнинг номи, ҳарорати, чиқарувчи қурилмаларнинг баландлиги, диаметри, қайси бўлим ёки цехдан чиқиши, ундаги заарли моддаларнинг номи, белгиланган ва ҳақиқий чиқарилаётган миқдорининг охирги 3-5 йилдаги ўртacha кўрсаттичлари.

8. Чиқинди сувларни соатлик ва кундалик ўртача белгиланган ва чиқарилаётган миқдорлари, чиқарыш режимлари, миқдорларини ўлчовчи асбоблари, асосий таркиби, хоссалари ва ифлосланганлигини ифодаловчи кўрсаткичларнинг ўрта ва максимал миқдорлари.

9. Чиқинди сувни тозаловчи иншоотларнинг номлари, ишга туширилган йили, ишлаш муддати, тозалаш қувватининг лойиҳадагиси ва ҳақиқийсиги. Бир метр куб чиқинди сувни тозалаш қийматини лойиҳадаги ва ҳақиқий таниархи, иншоотнинг ҳозирги ҳолати, автоматик ускуналар билан жиҳозланганлиги. Чиқинди сувларнинг меҳаник, физик-кимёвий ва биологик усуслар билан тоза, нисбий тоза, қисман тозалангандик миқдорлари. Уларни ҳар биридан шаҳар канализациясига, ариқ, дарё, кўлларга оқизилиши, ер остига шимдиришишини белгиланган ва ҳақиқий миқдорлари. Чиқинди сув шимдириладиган майдон саъни, қисқа геоморфологик, литологик ва гидро-геологик таърифи, унга чиқариладиган чиқинди сувни лойиҳада белгиланган ва чиқарилаётган миқдорлари, чиқариш режими. Сув шимдиригич тагига солинган кум, шағал каби фильтр вазифасини бажарувчилар номи. Чиқиндиҳонада йиғиладиган чўкмаларнинг йиллик миқдорлари, уларни тўплаш, қайта ишлаб фойдаланиш, заарсизлантириш ва утилизация қилиш тартиблари.

10. Қаттиқ чиқиндилаарнинг турлари, уларнинг белгиланган ва чиқаётган миқдорлари, ёнишга, порглашга, радиоактив заарлашга хавфлилиги. Таркибидаги заарли кимёвий элементлар ва енгил эрувчи моддалар миқдорлари. Чиқиндилаарни емирувчанлик хусусияти, намлиги, зичлиги, ёпишқоклиги, шамолда учирилиб кетишга чидамлилиги. Чиқиндилаар сақланиш шароитини талабга жавоб бериши, уларни заарсизлантириш қайта ишлашга белгиланган ва ҳақиқий миқдорлари.

11. Қаттиқ чиқиндиҳоналарни жойлашган манзилгоҳи, ишга тушган ва ишлаш муддати тутаган йиллари. Чиқиндиҳона атрофини санитар муҳофазалаш мақсадида ажратилган ер саъни, уни қисқа геоморфологик, литологик ва гидрогеологик таърифи, хавфли жараёнлари. Чиқиндиҳонанинг чуқурлиги, таг ва ёнларини сув ва газ оқимлари ўтказмайдиган қилиб ишланганлиги. Чиқиндиҳонага келтириладиган чиқиндилаарнинг умумий миқдори, турлари, заҳарлилиги, радиоактивлилиги, порглаш

хавфлилиги, чиришга чидамлилиги, уларни ташиш услугби. Ёғингарчилик, шамол, өқар сув ва бошқа жараёнлар таъсирида чиқиндиҳона атроф-муҳитни ифлослантирган йиллари, сабаблари, кўрилган чоралар ва натижалари.

12. Корхонадаги автотранспортлар сони, турлари, улардан бензин, газ ва дизель ёнилғиси билан юрадиганларининг умумий сони, кунига ва йилига бир километр масофага тўғри келадиган заарарли моддаларнинг белгиланган ва ҳақиқий миқдорлари.

13. Корхонадаги атроф-муҳит тозалигини назорат этувчи лаборатория ходимлари сони, лавозими, намуналар олиш графиги. Турли хил чиқиндилардан бир ойда аниқланадиган иш турлари, уларнинг аниқлигини назорат қилиб турувчи ташкилот ва бир йилдаги текширишлар сони.

14. Корхона экологик шароитини яхшилаш учун бажарилган ишларнинг турлари, мақсади, бажарилган йили, натижада суюқ, газ ва қаттиқ чиқиндиларнинг камайиш миқдорлари.

Шаҳардан ташқаридаги геологик ҳужжатлаштириш ишлари ҳудуднинг катталигига қараб алоҳида вилоят, район ва ҳўжаликларга бўлиб ўтказилади. Ўтказилиш вақтида қўйидаги маълумотларга алоҳида эътибор бериш зарур:

1. Хўжалик, район, вилоят (номлари).
2. Умумий ер саъни.
3. Ердан фойдаланиш гектар ёки километр квадрат ҳисобида.
 - 3.1. Сугориладиган ерлар, шу жумладан, шоли, пахта сабзавот, полиз экинлари, ем-хашак ва бошқалар.
 - 3.2. Мевазор боғлар.
 - 3.3. Лалмикор ерлар.
 - 3.4. Ўрмон, тўқайлар ва кўриқхоналар.
 - 3.5. Яйловлар.
 - 3.6. Қишлоқлар.
 - 3.7. Махсус молхона, паррандахоналар.
 - 3.8. Саноат корхоналари.
4. Дехқончилик қилинадиган ерларда сугориш ишлари бошланган вақт, сизот сувлар чуқурлиги, ер ости сувлари сатҳи, шўрланган тупроқларнинг агрокимёвий ва шўрланиш даражаларини ифодаловчи харита ва текширув натижалари ҳақидаги маълумотлар.

5. Ҳар бир гектар ерга (қишлоқ хўжалиги маҳсулоти турига қараб) йилига ишлатиладиган органик ва кимёвий ўғитларни, гербицид, пестицид, дефолиантларни турлари ва миқдорлари.

6. Тупроқдаги чиқиндишларни ўртача миқдори ва ҳосилдорлиги.

7. Ҳар йили алмашлаб экиладиган ер саъни.

8. Тупроқларни шамол ва сув таъсиридан ёмирилиш даражалари, ёмирилишдан муҳофазалаш учун кўрилган тадбирлар ва уларнинг натижалари.

9. Тупроқларни шўрланиш даражасига қараб ажратиш, улардан йилига шўри ювилиб туриладиган майдон саъни, заҳқашларнинг гектар ҳисобига узунлиги, шўрланиб деҳқончиликка яроқсиз ҳолатга келган майдонлари саъни.

10. Деҳқончиликда ишлатиладиган сув хиллари, миқдори, ўлчов асбоблари, янги технология ва автоматлардан фойдаланиш, турли хил ўсимликлар экилган ерни ҳар гектарига белгиланган ва ишлатилаётган миқдорлари, сугориши услуби, сувни тежаш мақсадида бажарилган ишлар ва уларнинг натижалари.

11. Кимёвий моддаларни хўжаликда сақлаш тартиби, омборхоналарни талабга жавоб берниши, сақлаш муддатига риоя этилиши. Ишлатиш муддати ўтиб кетган кимёвий моддаларнинг турлари, миқдорлари ва уларни утилизация қилиш усуллари.

12. Хўжаликдаги аҳоли яшайдиган қишлоқларни ҳар бири алоҳида хужжатлаштирилади. Уларни хужжатлаштиришда шаҳарларни хужжатлаштиришдаги кўрсатмалардан фойдаланиш мумкин.

Қишлоқ хўжалик ҳудудларида аксарият катта саноат корхоналар бўлмайди. Борларини хужжатлаштиришда юқорида баён этилган кўрсатмалардан фойдаланиш мумкин. У ерларда маҳсус кўрилган молхона, паррандахоналарни ҳам экологияга таъсири катта бўлади. Уларни хужжатлаштиришда қўйидаги маълумотлар йигилади:

1. Хўжаликнинг номи, манзилгоҳи, ишга тушган йили.

2. Мол ва парранда турлари, уларнинг сони.

3. Ишлаб чиқариладиган маҳсулот турлари ва миқдорлари.

4. Умумий ишларда фойдаланиш учун ажратилган ерларни лойиҳада белгилангани ва ҳақиқий саънилари,

қисқа геоморфологик, литологик ва гидрогеологик таърифлари, шу жумладан:

- 4.1. Асосий, ёрдамчи ва идора биноларига.
- 4.2. Қаттиқ ва суюқ чиқиндишларга.
- 4.3. Санитар муҳофазаланиш мақсадларига.
- 4.4. Пичан ва турли озуқалар экишга.
5. Ишлатиладиган сув турлари, уларни ўлчаш асбоблари билан таъминланганлиги, истемол этишга белгиланган ва ҳақиқий миқдорлари.
- 5.1. Канал ва дарё сувлари.
- 5.2. Ер ости суви, сағұ чуқурлиги, фойдаланиш услуби.
- 5.3. Тозаланган водопровод суви.
6. Суюқ чиқинди (шалтоқ) хоналар, қурилган йили, ишлаш муддати, лойиҳада белгиланғаны ва ҳақиқий миқдори, тузилиши, ўлчов ва автоматик асбоблар билан жи-хоздланганлиги, механик, физик-кимёвий ва биологик усууларнинг құлланилиши, ҳозирғи ахволи. Чиқиндишларни зарарсизлантириб, ундан дәхқончиликда фойдаланиш услуби.
7. Қаттиқ чиқиндишларнинг турлари, кундалик ва ой-лик белгиланған ва ҳақиқий чиқаёттан миқдорлари, уларнинг сақланиши, қайта ишлатилиши ва утилизация қилиш миқдорлари.
8. Экологияни назорат этувчи ташкилотнинг номи, ийиллик текширишлар сони, хулоса ва натижалари.
9. Чиқиндишлар билан ер устки ва ости сувларини, сабзавот экиладиган ерларни ва ахоли яшайдиган қышлоқтарнинг ифлосланиши.
10. Экологияга салбай таъсирни камайтириш учун олиб борилған ишларнинг турлари, мақсади, ўтказған йили, чиқиндишларнинг камайиш миқдори.

8.2. ГЕОЭКОЛОГИК ТАСВИРЛАШ

Үрганилаёттан худуднинг юзаси бүйлаб геологик шароитнинг ўзгаришини аниқлаشتариш ва йифилған маълумотларни харитада ифодалаш учун геоэкологик тасвирлаш ишлари ўтказилади. Бажариладиган ишлар аниқлиги текширилаёттан худуднинг үрганилғанлик даражасига, уни геоморфологик ва геологик тузилиши, гидрогеологик шароитининг мураккаблигига, табиий ва техноген жарайёнларнинг күплигиге ва хавфлилігиге, тасвирлаш ишларынан жариялана.

рининг миқёсига ҳамда қўлланадиган иш турларига боғлиқ. Геоэкологик тасвираш ишлари алоҳида ёки инженер-геологик ва гидрогеологик тасвираш ишлари билан биргаликда олиб борилади. Кейинги йилларда инженер-геологик тасвираш ишлари аксарият 1:50 000, 1:25 000 масштабда олиб борилаётганлиги сабабли геоэкологик тасвираш ишлари ҳам асосан шу масштабда, қисман 1:100 000, 1:200 000, техноген кўп ўзгарган ерларда эса 1:10 000 ва ундан каттароқ масштабда бажарилиши мумкин.

Майда 1:500 000, 1:1 000 000 масштабдаги геоэкологик хариталарни, маҳсус дала ишлари ўтказмай, архив ва адабиётлардаги маълумотлар асосида тузилади. Зарурият туғилганда қисман ҳудудни машина ёки вертолетда айланниб чамалаб ўрганиш орқали баъзи ноаниқларни аниқлаштириб чиқиш мумкин. Бундай майда масштабли хариталар Республика ҳалқ ҳўжалигини ривожлантириш режаларини тузишда унинг табиий шароитларини ёмонлаштиромай, имкониятлардан унумли фойдаланиш мақсадларида ишлатилиши мумкин.

Геоэкологик тасвираш ишларининг услуби юқорида кўрсатиб ўтгандек инженер-геологик ишларга ўхшаш. Асосий фарқлари тасвирашга тайёргарлик вақтида йигиладиган маълумотларга, уларнинг талқинига, тузиладиган хариталарнинг турига, кузатув йўналишларини ва таянч майдонларини белгилашга боғлиқ.

Инженер-геологик тасвирашга тайёргарлик вақтида маълумотларни энг сўнгти умумлаштирилган ҳисоботлардагига асосий эътибор қаратилган бўлса, геоэкологик тасвирашда табиатдаги ўзгаришлар динамикасини аниқлаштириш мақсадида, бир неча тақрорий ўтказилган текшириш ишларидан маълумотлар йигилади. Тақрорий ўтказиладиган ишлар сони қанчалик кўп бўлса, ўзгаришлар динамикасининг аниқлик даражаси шунчалик юқори бўлади. Шунинг учун тақрорий ўтказиладиган аэрокосмик суратта олищ, гидрогеологик ва инженер-геологик текширишлар сони 3-5 дан кам бўлмаслиги мақсадга мувофиқдир. Улар бир-биридан бир неча йиллаб фарқланадиган вақтларда ўтказилган бўлиши керак. Агар ҳудудларни ўзлаштиргандан кейинги маълумотларни, ўзлаштиришдан олдингиси билан солиштирилса уларнинг ўзгарғанлигини ифодаловчи маълумотларни олиш мумкин.

Ўзгаришлар ер юзасидаги паст-баландликларнинг текисланишида, тоғ жинсларининг таркиб ва хоссаларини ўзгаришида, ер ости сувларининг сатқ чуқурлиги, шўрланиши, ифлосланишида, турли хилдаги табиий ва техноген жараёнларнинг вужудга келиши ва ривожланишида бўлиши мумкин. Бу каби ўзгаришларни тўғри тасвиirlаш мақсадида тузилиши керак бўлган хариталар турини, мазмунини, ишора белгиларини олдиндан аниқлаштириб олиш зарар. Улар ичida экологик жиҳатдан аҳамияти катта бўлган хариталарга қўйидагиларни кўrsatiш мумкин:

1. Геологик ўзгарганлик харитаси.
2. Геологик хавфлилик харитаси.
3. Ер ости сувларини ифлосланишдан ҳимояланганлик харитаси.
4. Геокимё ёки радиогеокимё хариталари.
5. Табиий ва техноген жараёнлар хариталари.
6. Геоэкологик мұхитнинг ўзгаришини башоратлаш харитаси.

Геоэкологик хариталар геоморфологик, геологик, гидрогеологик ва инженер-геологик хариталарга таяниб, янгидан йиғилган маълумотлар асосида тузилади. Инсон фолияти таъсирида табиатнинг ўзгариб туриши геоэкологик хариталарни янгидан қайта тузиб туришни, шароитта қараб турли мазмундаги қўшимча геоэкологик элементларни харитадарга киритиб туришни тақозо этади.

Геоэкологик ўзгарганлик харитасида ўта кўп, кўп, ўртача, оз техноген ўзгарган ва ўзгартмаган ҳудудлар ҳар хил рангда; уларнинг ўзгаришига таъсир этган омиллар, маҳсус шартли белгиларда берилади. Ажратилган ҳудудларнинг геоморфологик тузилиши, тоғ жинслари, ер ости ва устки сувларидаги ўзгаришлар харитаси шартли белгилари матнида баён этилиши мумкин. Ҳудудларни ўта кўп техноген ўзгаришларга учраган қисмига 100 метрдан чуқур конлар, сифими 5 млрд метр кубдан ортиқ сув омборлари, Республика аҳамиятидаги катта саноат корхоналари ва чиқиндиҳоналар, шаҳарнинг зич жойлашган кўп қаватли бинолардан ташкил топган даҳаларни киритиш мумкин. Улар жойлашган ернинг 80% ортиқ қисмida турли даражада ўзгариш бўлади. Бундан ташқари маълум йўналишдаги зичлиги ҳар квадрат километрга 5 км, шахарда 9 км дан ортиқ бўлган иншоотлар (йўл, сув, газ, канализация, электр симёғочлари ва ҳ. к.); қазилган тоғ

жинсларининг ҳажми 1 гектар ерга 100 000 тоннадан кўп, ер ости сувлари сатҳи, таркиби ва ҳатто йўналишида ўзгаришлар юз берган катта ҳудудлар, техноген ва табиий жараёнлар кўп тарқалган хавфсизлигини бартараф этиб бўлмайдиган майдонлар ҳам шу гурухга киради. Харитадаги ҳудудларни техноген ўзгарганлигини аниқлашда ва уларнинг инженер-геологик шароитини таърифлашда 8.2.1-жадвалда берилган ишора белгиларидан фойдаланиш мумкин.

Текширилаётган ҳудудда инсон ҳаётига хавф туёдириши мумкин бўлган техноген ва табиий жараёнлар тарқалган бўлса, геоэкологик хавфлилик харитасини тузиш керак. Унда ўта хавфли, хавфли, ўртача ва оз хавфли, ҳамда хавфсиз ҳудудларни ҳар хил рангларда; таъсир этувчи техноген ва табиий жараёнлар ишора белгига; сув ва тоғ жинсларини заарли моддалар билан ифлосланиши меъёрномада кўрсатилган ПДК га нисбатан ортиклиги ҳар хил ишораларда кўрсатилади. Бундай хаританинг тузилиши геоэкологик ўзгарганлик харитасига шаклан ўхшаш бўлсада, мазмунан кескин фарқланади.

Геоэкологик ўзгарганлик даражаси ўта кўп бўлсада, табиий муҳитга, инсон саломатлигига безарар бўлиши ва ҳатто фойдали бўлиши мумкин. Шунинг учун геоэкологик хавфлилик даражасини аниқлашда сел, суримла каби хавфли табиий жараёнлар билан бирга муҳитни турли хил заарли моддалар билан ифлосланишига алоҳида эътибор бериш керак. Бундай моддаларнинг турлари ниҳоятда кўплиги сабабли, ҳудуд саноатида ишлатилиб, чиқиндилар билан ҳаво, сув оқимлари орқали тарқалиши мумкин бўлган ва қишлоқ ҳўжалигига ишлатиладиган ёки чорва ва паррандахоналардан чиқаётган турларини олдиндан геоэкологик ҳужжатлаштириш ишларидан аниқлаб олинади. Уларнинг тарқалиш чегаралари, миқдори геоэкологик текширув натижасида аниқлаштирилади. Харитада аксарият тупроқ қабатидаги, баъзан дарё ва заҳкашлардаги заарли моддалар кўрсатилган бўлади. Сизот сувлари ва тупроқ тагидаги тоғ жинслардаги заарли моддаларнинг турлари ва миқдорлари қисқа таърифи хаританинг ишора белгисида кўрсатилади, турли даражадаги хавфли ҳудудларни юза тузилиши, тоғ жинсларини, ер ости сувларини таърифлаётганда ёритилади. Тўлиқ маълумот ҳисобот матнида берилади.



8.2.1-жадвал

Мұхандис геоэкологик үзгартылғаннан харитасы белгиларининг түзиліш шекали


Техноген үзгарғаннеги	Тавсия-шапора белгиси	Номи	Сатқа түзиліши	Инженер-геологик шароити ва уннан үзгартаралғы	Техноген на табаний жарайнлар	Тавсия-лар		
Үза күп		ЧУКУР (100 м) конлар	3	4 80% дан күп йұналишты ииншооттарни (К.Г.Ж.) (ИИ) зиңдиги 1 км ² да 5 км шаҳарларда 9 км дан күп	Бір гектарда қазилған төг жинслари 100000 т дан күп	Сув таркиби ва йұналиштадаги үзгаришлар 100% майдағаннан дан, йиллик сатхри бор үзгариш 2 м, умумийсі 20 м дан кatta	7	8

8.2. I-жаддалининг давоми

1	2	3	4	5	6	7	8
Кизил		күп қаваги зич биноли дахалар					
Күл		чукурлуги 20– 100 м конлар зиччилти 0,1–5 км ша- харларда 5–9 км	ўзғаринши 80–50% ИИ 50000–10000 т.	К.т.ж. 50000–10000 т.	таркиби ва йұна- лишилдагы ўза- риш 50–100%, йилдик сатык ўзга- риши 1–2 м, умумийси 10–20 м.	күл, хавфли- ликни тұко- тиш махсус күл чакмии чоралар кү- ришни тараб килади	

	чикинди хоналар		
	шахарлар		
	Пушти	<p>Чукурлуги 20 м гача бўлган конлар</p> <p>Ўртча</p>	<p>К.т.ж. 5000–50000 т</p> <p>ўзатарип 10–50% ИИ зичитиги</p> <p>0,01–0,1, шахарда 3–6 км</p>
		кишлодлар	
		суғорилма декончиллик	
	Сарик	клиникдаги йўлар	

8.2. 1-жадбалынин даволын

1	2	3	4	5	6	7	8
O ₃		тексисликкаги сийрак йүллар	ўзгарипши 10% дан кам ИИ 0,01 км, шаҳарда 3 км дан кам	К.Т.Ж. 5000т дан кам	таркиби ва йұналипидан үзгариши 10% дан кам, үзгариши 0,5 м	Oз, хавфсиз махсус чоралар талаб этилади	
Яшил		симбетоқ, құвур йүллар					
ўзгармаган зангори		сийрак иншоотли бүз ерлар ва боғлар	ўзаптирилмаган ерлар	ўзгармаган	ўзгармаган	хавфли жараёнлар йүк	

Худудларнинг геоэкологик хавфлиликтарини аниқлашада 8.2.2-жадвалдаги таснифий кўрсаткичлар асос қилиб олиниши мумкин.

8.2.2-жадвал

Геоэкологик хавфлиликтарини аниқлашада

Хавфли- ликтарини даражалари	Заарли элементларни ПДК та ийисба- ти, марта	Заарли чанг ва кукунларни ҳаводан йиллик чўкиш микдори, т/км ²	Инсон ҳётига хавф тутдирувчи геологик жараёнлар ривожланиши даражаси
1	2	3	4
Ўта хавфли	> 100	4	Кўп, хавфини йўқотиб бўлмайди.
Хавфли	10—100	2—4	Кўп, хавфини йўқотиб кўп чиқимли маҳ- сус чоралар талаб этади.
Ўртacha хавфли	3—10	1—2	Ўртача, хавфини йў- қотиш кам чиқимли маҳсус чоралар талаб этади.
Кам хавфли	1—3	0—1	Хавфли жараёнлар йўқ лекин шароит бўлиш эҳтимолини кўрсатади. Маҳсус чоралар кўрил- май, эҳтиёткорлик чо- ралари кўрилади.
Хавфсиз	< 1	0	Хавфли жараёнлар йўқ Шароит бўлиши мум- кин эмаслигини кўр- сатади.

Ер ости сувларини ифлосланишдан ҳимояланганли-
гини кўрсатувчи хаританинг аҳамияти сифатли ичимлик
суви етишмайдиган ҳудудларда айниқса каттадир. Бун-
дай хариталар аксарият сизот сувларига тузилади. Сизот
сувларини ифлосланишдан яхши, ўрта, ёмон ҳимоялан-
ганлиги рангларда, аэрация қабатидаги тоғ жинсларини
литологик таркиби ҳар хил шаклдаги чизикларда, сувли

қабатники эса ҳар бир ажратилган ҳудуд ичида яхши ўрганилган бурғу қудугининг тагидаги кесмада кўрсатилади. Кесманинг ўнг томонида очилган тоғ жинсларининг генезиси, геологик ёши умумий қабул этилган белгиларда, қалинлиги ва сув ўтказиш коэффициенти рақамларда кўрсатилади. Ажратилган ҳудудлар ичида ер ости сувлари чуқурлигини рақамларда, шўрланиш даражалари рақамни ўраб турувчи доира шаклида ифодаланади. Сизот сувларни ифлослантирувчи иншоотлар, ишора белгиларда, уларни ер устки сувлари билан боғлиқлиги ҳисобот матнида берилади.

Сизот сувларини ифлосланишдан муҳофазаланганлигини В. М. Гольдберг (1987) тавсия этган миқдорий кўрсаткичда бериш мақсадга мувофиқдир. У ер ости сувларини ифлосланишдан ҳимояланганлигига таъсир этувчи сизот сувлари чуқурлигини (H), уларни сатҳидан юқоридаги аэрация қисмидаги ётган гиллик тоғ жинсларининг қалинлигини (h) ва уларни литологик таркибига боғлиқ бўлган сув ўтказувчанлик коэффициентларининг (K_f) қийматларига қараб, уларга қўйидаги балларни бериб чиқади (8.2.3 ва 8.2.4-жадваллари).

8.2.3-жадвал

Сизот сувларининг сатҳ чуқурлиги асосида бериладиган баллар

Сизот сувлари чуқурлиги, $H, м$	< 10	10–20	20–30	30–40	> 40
Баллар	1	2	3	4	5

8.2.4-жадвал

Аэрация қисмидаги гиллик жинсларниң қалинлиги ва фильтрация коэффициенти асосида бериладиган баллар

K_f м/сутка	h_u	<2	2-4	4-6	6-8	8-10	10-12	12-14	14-16	16-18	18-20	>20
0,1-0,01	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	12	12
0,01-0,001	1	3	4	6	7	9	10	12	13	15	18	18
0,001	2	4	6	8	10	12	14	16	18	20	21	21

Балларни умумий миқдорига қараб, сизот сувларининг ифлосланишидан муҳофазаланганлиги 6 хил даражага ажратиласди I<5; II—5—10; III—10—15; IV—15—20; V—20—25; VI>25. Энг ёмон муҳофазалангани I бўлиб, энг яхшиси VI ҳисобланади.

Тоғ, металлургия, кимё, биотехнология каби саноатларни ривожланиши, қишлоқ хўжалигини кимёлаштириш, асбоб-созлиқда радиоактив элементлардан кенг фойдаланиш, айрим худудларда оғир металларни, пестицид, гербицид каби заҳарли ва радиоактив моддаларни ошиб кетишига сабаб бўлди. Бундай худудларда геокимё ва радиокимё хариталари тузиш зарурияти туғилмоқда. Хариталарда заرارли кимёвий ва радиоактив моддаларни турлари ҳар хил чизма шаклидаги ишора белгиларида, меъёрномада белгиланган ПДК га нисбати рангларда, уларни тарқалишига сабаб бўлши мумкин бўлган кон, чиқиндиҳона ва саноат корхоналари ҳар хил ишора белгига кўрсатилади.

Марказий Осиё худудининг табиий ва иқтисодий шароити ўзига хос табиий ва техноген жараёнларни тарқалишига сабаб бўлмоқда. Улар ўзлаштиришга, қурилишга турли даражада таъсир этади. Уларнинг тарқалиши маҳсус жараёнлар харитасида кўрсатилади.

Жараёнларнинг турлари ишора белгиларида, ер қимирлаш кучининг ошиши ёки камайиш даражаси изосейстда ёки рақамларда, хавфли, ўртacha хавфли, хавфсиз жараёнлар тарқалган худудлар ҳар хил рангда кўрсатилиши мумкин. Ўрганилаётган бир хил турдаги жараёнларни эгаллаган умумий юзасини, ўрганилаётган ҳудуд саҳнига нисбати асосида, жараёнлар билан зааррланганлик даражасини % да кўрсатиш мумкин.

Геоэкологик муҳитнинг ўзгаришини башоратлаш харитаси кўп йиллик кузатишлар, ҳудудларнинг ҳозирги ҳолатини олдинги йиллардаги текшириш натижалари билан солиштириб, таққослаш асосида тузилади. Унда тоғ жинси ёки тупроқдаги заарли жараёнларнинг турлари ва ифлосланиш хиллари чизмаларда, ер ости сувига тегишлилиги эса рангда кўрсатилган бўлади. Заарли жараён ва ифлосланишларнинг ошиб бораётгани (ёмонлашаётгани), турғун ҳолга келгани ёки яхшилананаётгани чизма ва рангнинг фарқланишида кўрсатилади.

Юқорида кўрсатилган хариталар геоэкологик хариталарнинг асосларидан бўлиб, уларни тузишда геологияда

қабул этилган ишора белгилардан фойдаланилса бўлади. Улардан асосийлари қўлланма охиридаги жадвалларда берилган. Юқорида таърифланган хариталардан ташқари геологик мұхитни ўзлаштиришга таъсир этувчи бошқа кўп хил хариталар тузилиши мумкин. АҚШ да худудларнинг геологик тузилиши (тоғ жинсларни таркиб ва хоссалари узилма, суримла, емирилиши каби жараёнлари), экологијаси (ўсимлик турлари, мұхитни ифлосланиш даражаси, ёнгинга хавфлилиги, сувга яқинлиги) ва бошқа (кўриниши, қиялиги, қурилиш ва истироҳат боғларига яқинлиги, газ, водопровод ва канализация билан таъминланганлик) белгиларини умумлаштирган кўрсаткичлари асосида харита тузилади. Бундай хариталар ерларни ўзлаштиришга қулагайлик даражасини кўрсатиб, табиий имкониятлардан унумли фойдаланиш имкониятини беради.

Саноат корхоналари, шаҳар, қишлоқларни ва алоҳида биноларни қуриш ёки кенгайтиришни геологик асослаш учун текшириш ишлари, асосан, 20 метр чукурликкача олиб борилади. Ер қимирлашга сабаб бўлувчи қаттиқ ва ўта қаттиқ тоғ жинсларидағи тектоник узилмалар аксарият 3—10 км ва ундан ортиқ чукурликда жойлашган. Улар мукаммал ўрганилган ерларида ҳам баъзан меъмор ва лойиҳачилар эътиборидан четда қолмоқда. Ер қимирлағанда иншоотларнинг энг кўп зарар қуриши тектоник узилиш чизикларининг устида ва унинг атрофида содир бўлади. Бу ҳол Тошкент (1966), Спитак (1989) ер қимирлашида кўп вайронагарчилликка сабаб бўлган. АҚШнинг Калифорния штатида хавфли геологик жараёнлар, шу жумладан, тоғ жинсларидағи тектоник узилиш чизикларини ҳам, хариталашга алоҳида эътибор бериб, улар устида ва атрофларида иншоот қуришга рухсат этилмайди. Бунинг учун маҳсус тектоник харита тузилиб, қурилиш ёки ўзлаштиришда инобатга олинса, тектоник узилиш чизиги мавжуд худудлар устини хиёбон, спорт майдонлари сифатида фойдаланиб, энг мұхим бинолар тектоник узилиш чизигидан узокроқда жойлашган яхлит булаклар сатҳи устида қурилса, бузилишдан сақланиб, инсон ҳаётига хавф туғдирмайди. Ер қимирлашидан ташқари тоғ жинслари қабатларини узилган жойларидан, тектоник жараёнлар таъсиридағи кучланишнинг ошиши жараённада радион газлари ер сатҳига сиқиб чиқарилади. Радон ураннинг парчаланишидан ҳосил бўладиган радиоактив газдир.

Унинг энг катта концентрацияси аксарият тектоник узилмалар устида бўлиб, ҳаво оқими билан тезда тарқалиб кетади. Ҳавоси тез-тез янгиланиб турмайдиган биноларда унинг концентрацияси ошиб, бир метр куб ҳавода 200 Беккерель (Бк) га етса у ерда яшайдиганларни рак касаллигига мубтало этиши мумкинлиги аниқланган. Бу соҳада АҚШ каби тараққий этган давлатларни иш тажрибаларини инобатта олиб, Россия Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Санитария ва эпидемиология Давлат назорати билан 1990 йили вақтингчалик меъёрнома қабул қилди. Унда радоннинг концентрацияси курилаётган уйларда 100 Бк м³, одамлар яшаб турган уйларда 200 Бк/м³ дан ошмаслиги зарурлиги кўрсатилган. Радоннинг концентрациясини 400 Бк/м³ дан камайтириш имконияти бўлмаган уйлардан ахолини кўчириш масаласи кўйилган.

Геоэкологик тасвирлаш ишлари топографик хариталарда бажарилади. Дала шароитида йифилган турли хил маълумотларни аникроқ кўрсатиш мақсадида қўлланиладиган ишчи харита масштаби тузиладиган харита масштабида каттароқ бўлади. Агар 1:50 000 масштабдаги хариталар тузиш учун тасвирлаш ишлари ўтказилса, амалдаги хариталар 1:25 000 ёки 1:10 000 миқёсида бўлиши лозим. Тасвирга туширилган чегараларнинг аниқлиги харита масштабида 1 мм дан ошмаслиги керак. Харита масштабида эни 2 мм дан кичик геологик маълумотларни чегаралаб, ичida уни ишора белги билан тасвирлаб бўлмаслиги сабабли улар тасвирланмайди. Агар муҳим геологик аҳамиятга эга бўлган ҳавфли табиий жараён ёки муҳитни ифлослантираётган корхона, чиқиндиҳона кабилар бўлса, уларни харитага маҳсус ишора белгиларда бемасштаб кўрсатилади. Геологик тасвирлаш ишлари кузатув йўналишлари бўйича олиб борилади. Кузатув йўналишлари ҳудуд бўйлаб баробар тақсимланиши керак. Лекин бу ишга шаклан ёндошмай заруриятига қараб геоэкологик мураккаб ерларда кузатув йўналишларини зичроқ техноген ўзгариши кам, инженер-геологик шароити содда бўлган ҳудудларда, сийрак ўтказиш зарур. Кузатув йўналишининг ҳар бирини рақамлар билан белгилаб, бошланиш жойидан охиригача ўтадиган масофа ни олдиндан белгилаб олинса, иш унумига ва сифатига ижобий таъсир этади. Кузатув йўналишлари ҳар хил геоморфологик ва геологик тузилишга эга бўлган ҳудудлар-

ни турли хил техноген жараёнлар таъсиридан, турли даражада бўлаётган ўзгаришларни кузата оладиган қилиб белгиланади. Кузатув йўналишини табиий жараёнлар тарқалган ва тоғ жинсларини ўрганишга қулай бўлиб очилиб қолган ерларни, ер ости сувларидан маълумот берувчи кудук ва булоқлар яқинидан ўтадиган, йўллар билан таъминланган қилиб танлаш зарур. Кузатув йўналиши харитада кўрсатилади, кундалик дафтарида, кузатув маълумотлари ва ҳар бир кузатув йўналишидан олинган хуносалар баён этилади.

Кузатишлар кузатув нуқталарига боғлаб олиб борилади.

Тузиладиган хариталарни ишончлилик даражаси улардаги кузатиш ва геофизик нуқталарга, шурф, бурфу кудуклари каби маълумот берувчи манбалар миқдорига боғлиқ. Уларни миқдори ҳудудларнинг мураккаблигига, харита миқёсига қараб меъёрномаларда белгиланган. Ўрта ҳисобда тузилаётган хаританинг ҳар см кв юзасига уларнинг умумий сонидан 1-2 таси тўғри келиши керак. Энг кўпини кузатув нуқталари ташкил қилиб, улар ўрта ҳисобда кузатув йўналиши бўйлаб, харита миқёсида, ҳар 0,5—3 см оралаб белгиланади. Биринчи кузатув нуқта кузатув йўналишининг бошида жойлашган бўлади. Кузатув нуқталари “араб” рақамлари билан белгиланиб, харитада кўрсатилади, таърифи ён дафтарда баён этилади. Нуқталарнинг манзили, жойлашган геоморфологик юзаси генезиси, геологик ёши, морфологик ўрни кўрсатилгандан сўнг геоэкологик таърифи берилади. Унда сатҳ тузилиши, юзадаги мавжуд тоғ жинсларини литологик таркиби, генезиси, ёши, тупроғи, ўзлаштириш турлари, табиий ва инсон таъсирида содир бўлаётган жараёнлар мукаммал баён этилади, уларнинг чегаралари харитада кўрсатилади. Кузатиш нуқтаси яқинида кудук, булоқ, очилиб қолган тоғ жинси қабатлари бўлса, уларни ўрганишга алоҳида эътибор берилади.

Катта ҳудудларнинг геоэкологиясини ўрганаётганда таянч майдонлардан фойдаланиш мумкин. Таянч майдонларда ҳудудларнинг геоэкологиясига катта таъсир этувчи табиий ва техноген жараёнлар мукаммал ўрганилади. Улардаги текшириш ишлари миқёсини ўн маротабагача ошириш мумкин. Олинган маълумотларни, ўхшащ табиий шароитдаги бошқа ҳудудлар экологик ҳолатини баҳолашда ҳам ишлатиш мумкин. Таянч майдонларнинг сони

ва саънилари улардаги геоэкологик шароитни мураккаб-лигига қараб белгиланади. Бунда уларни бир нечтаси устидан геологик кесма үтказса бўладиган қилиб жойлаштириш мақсадга мувофиқ. Уларнинг чегараларини аниқлашда чиқиндила билан мұхитни ифлосланиш жараёнида сув ва ҳаво оқим йұналиши билан тарқатилишини ҳам инобатта олиш зарур.

Тасвиirlаш ишларини олиб бориш вақтида турли хилдаги қидириув ва тажриба ишларини үтказиш тартиблари ва ўринлари ҳам аниқланиб олинади.

8.3. ГЕОЭКОЛОГИК ҚИДИРИУВ ИШЛАРИ

Тоғ жинси қабатларининг литологик таркибини чукурга қараб ўзаришини, гидрогеологик шароитини, геодинамик жараёnlарни ўрганиш, лабораторияларда грунт ва ер ости сувлари таркибини, хоссаларини аниқлаш учун намуналар олиш мақсадида қидириув ишлари үтказилади. Бу мақсадлар учун бурғу қудуклари ва шуруфлар қазиш ишлари бажарилади. Уларнинг бир қисми жойнинг ўзида тоғ жинслари хоссаларини аниқлаштирувчи тажрибалар үтказиш, ҳамда жараёnlарни ва ер ости сувлари режимини кузатишга ишлатилиши мумкин.

Инженер-геологик қидириув ишлари ҳажми хариталаш миқёси, қўйилган мақсад ва вазифаларни моҳиятига, ҳудуд шароитини мураккаблигига қараб меъёрномаларда белгиланганд бўлади. Улардан геоэкологик текширув ишлари учун маҳсус меъёрномалар ишлаб чиқилгунча фойдаланиш мумкин. Биз қўйида фақат қидириув ишларидан фойдаланишнинг умумий асосларинигина қисқача тушунтириб ўтамиз. Текширув ишларини ҳудуд майдонида жойланиш зичлигини аниқлашда хариталаш миқёсини, ҳудуднинг инженер-геологик мураккаблигини, ўрганилганлик даражасини ва техноген ўзгарғанлигини инобатга олиш зарур.

Хариталаш масштаби мукаммаллиги ошган сари қидириув ишларининг ҳажми ошади. Аввал ҳар бир геоморфологик юзанинг инженер-геоэкологик шароитини ўрганиш учун уларда геофизик қидириув ва камида 1-3 қазиш ёки бургулаш үтказилиб, натижалари ўзаро таққослаш ҳамда умумий баҳолаш учун ишлатилади. Хариталаш ишлари мукаммаллиги ошган сари қазиш, бургулаш ва геофизик

ишлар геоморфологик юзаларни сув айирғич, ёнбағир, сой, ботиқ каби ҳар хил шаклдаги қысмларни үрганишда ҳам лозим бўлиб қолади. Чунки геоморфологик юза ва унинг тузилиши айрим шаклларини ўзгариши аксарият ҳар хил даражада инженер-геоэкологик шароитта таъсир этади.

Қидирув ишларини маълум йўналишлар бўйича ўтказиш зарур. Йўналишлардан олинган натижалар асосида геологик қирқимлар тузилади. Қирқимларда инженер-геоэкологик шароитни ер юзасидан пастга қараб ўзгариши кўрсатилади. Қирқимларни ҳудуд шароитининг энг кўп ва энг кам ўзгарган томонига қараб тузиш тавсия этилади. Дарё водийларида энг кўп ўзгариш водийга кўндаланг кесим бўлиб, у ҳар хил ўщдаги геоморфологик юзаларнинг ўзаро жойлашишини ва тузилишини кўрсатади. Энг кам ўзгариш уни бирор зинаси (террасаси) юзасидан оқимга қараб тузилган кесимида бўлади.

Марказий Осиёда тоғ ёнбағирларидан дарё водийларигача бўлган ҳудудларнинг кўп қисмини лёсс жинслиги қоплаган. Уларни ҳосил бўлиш шароити кам үрганилган бўлиб, айрим кузатишлар натижасида қилинган тахминлар асосида тоғ ёнбағридаги қияликларда тарқалгани делювиал, адир ва водий қисмидагилари пролювиал жараёнда ҳосил бўлган деб юритилади. Бундай тушунча асосида лёсслар тоғдан келтириб ётқизилган деб, унинг энг кўп ўзгариши факат тоғ томони билан боғланиб келинган. Э. В. Қодиров (1979) ҳозирги аллювиал, пролювиал, эол, делювиал жараёнлар натижасида ётқизилаётган заррачаларини гранулометрик, минерологик таркибини, йиғилиш шароитларини үрганиб, лёсслар бирламчи, яъни тоғ делювиисидан ва пролювийдан ўзини бир жинслилиги билан кескин фарқланишини асослаб берди. Лёсс заррачалари тоғдан сув билан ювилиб тушиб, водий ва текисликларда ётқизилиб, шамол эрозияси таъсирида чанг, қисман майда қум заррачалари учирилиб кетиб, шамолнинг ўртacha йиллик тезлиги сенкундиға 3 метрдан кам бўлган ерларга ёfila бошлайди. Шунинг учун леёсслар ниҳоятда яхши сараланган, асосан, чанг заррачалардан ташкил топган бўлиб, шамол кучи сұна бошлаган ерларда тарқалган. Уларнинг таркибидағи қум заррачалар зичлиги $2,8 \text{ г}/\text{см}^3$ ортиқ минераллардан ташкил топган бўлиб, миқдори тоғ томонга

ошмай, эол саҳролари томон ошади. Умуман, лёсслар мұтадил иқлимли дашт, чүл ва жанубий үрмон зоналарга хос тоғ жинсларидан бұлиб, унинг таркиби ва хоссалари иқлимий намланиш коэффициенти (ёғингарчилек миқдорининг буғланишга нисбати) ошган сари ўзгарып боради. Бундай ўзгаришларни, ҳамда лёссларни турли ўшдаги, генетик, литологик таркибидаги тоғ жинсларининг устки қисмини қоллаб ётишини ва чуқурлашган сари ёши қадимийлашиб боришини инобаттаға олиш зарур. Тоғ жинсларини генетик ва стратиграфик турларга тұғри ажратып, уларнинг ўзгарувчанлигини тұғри башортлаш кам қажмдаги қидируд ишлари билан аниқ маълумотлар олиштаға ёрдамлашади. Текшириләттән геоморфологик юзалар катта бұлиб, тузишлиси мұраккаб бұлмай бир хилда бұлса, қидируд ишларини жойланиши тұртбұрчак конверт (тұртбұрчак үртасида яна бир қидируд нүктаси) шаклида бұлади. Агар текшириләттән ҳудуд мұраккаб тузылған бұлса, қидируд ишларини олиб бориш жойи турли хилдаги юзалари чегараларини аниқлаш имкониятини берадиган қилиб танланади.

8.3.1. Бурғулаш ва қазишиш ишлари

Инженер-геоэкологик қидируд ишлари қазиши, бурғулаш ва геофизик усулларни күллаш орқали олиб борилади.

Қазишиш ишлари эңг күп тарқалған иш турларидан бұлиб, улар ўз навбатыда үрача (закопушка), лахим (шурф). тик тозалама (расчистка), ётиқ тозалама (канава) каби хилларга бұлинади.

Үрача (закапушка) юзаси кичик (30×30 см) чуқурлиги кам ($0,6-0,8$ м) бұлған белкүрак ёрдамида қазиладиган үрача бұлиб, ҳар бир кузатув нүктасида тупроқ қабатининг чим тағидаги грунтлари литологик таркибини аниқлаш учун ишлатылади. Геоэкологик текширишда тупроқны заарарлы мөдделар билан ифлосланиши ер кесмасининг шу юқори қисмінде содир бұлғанлиги сабабли улардан лаборатория текширувларига намуна олишда аҳамияти катта.

Лахим (шурф) юзаси катта (1×2 м) чуқурлиги 10—30 метргача бұлған чуқур үра. У лёссымон ва гилицк тоғ жинсларидан күлдә тұртбұрчак, баъзан КШК-30 бурғусымон ускуна ёрдамида диаметри 1,3 метрли доира шаклда қазылади. Уларни чуқурлиги, сизот сувларини сатхи, намлиқ

таъсирида чўқадиган леёссларнинг қалинлиги, техноген ўзгарган ёки ўзлаштиришга мўлжалланган жойларда техноген ўзгаришларни таъсир чуқурлиги ҳисобга олинган ҳолда белгиланади. Шурфлардан тоғ жинсининг табиий тузилиши, намлиги ўзгармаган намуналарини олиш имконияти бўлганлиги ва қазилаётган тоғ жинсларининг литологик таркибини ўз жойида мукаммал ўрганиш имконияти бўлганлиги сабабли инженер-геологик текширишларда кўп қўлланилади.

Тик тозалама (расчистка) ишлари жар, сурилма каби ҳодисалар юз берган ерларда тик қияликларни юзасидаги нураб, ўзгариб қолган қабатидан тозалаш йўли билан ўзгармаган она тоғ жинс қатламлари юзасини очиш, улардан намуналар олиш, тоғ жинсларининг ётиши ҳолатларини аниқлаш мақсадида бажарилади. Улар жинс қатламлари устидан зинасимон шаклда, кенглиги 1-1,5 метр атрофида қазилади. Тик тозалама шурф қазишга нисбатан енгил бўлиб, 60-70 метр чуқурдаги тоғ жинсларини ўз жойида, табиий ёруғликда мукаммал ўрганиш имкониятини беради. Агар қазиш тоғ жинс қатламлари бўйлаб 3 метргача ичкарида олиб борилса, табиий намлиги кам ўзгарган бўлиб намуналар олиш мумкин. Фақат уларни қазиётганда она жинсларни тепадан қулаб ёки ювилиб тагида тўпланиб қолган грунтлардан фарқлай билиш кепрак. Зарурият бўлганда тозалаш маълум қабатта етгандан сўнг тик тозаламани қулайроқ бўлган иккинчи яқин жойга кўчириш мумкин. Шу усул билан уни умумий йўналиш узунилигини баъзан 100-150 метрдан ҳам ошириш мумкин. Тоғ жинсларини бундай очилиб қолган ерларида қабатланишларни ўрганиш ниҳоят қимматли маълумотлар беради.

Ётиқ тозалама (Канава) ариқсимон қазиш усули бўлиб, тоғларда туб жинсларни ва уларнинг қабатланишини ўрганиш мақсадида устидаги 0,5-2 метрли бўшоқ ёки нураган тоғ жинс қабатидан тозалаш мақсадида ўтқазилади. Улар туб тоғ жинсларини қабатланишига тик йўналишда қулда қазилади. Геоэкологик мақсадларда бу усулни туб жинслар устидаги элювиал ва делювиал тоғ жинсларини тоғ саноати чиқиндилари билан заарланганлигини аниқлашда қўллаш мумкин.

Бургулаш асосан гидрогеологик текшириш ишларида қўлланилиб, инженер-геологик текшириш ишларида эса

сизот сувларини сатқыдан пастдаги тоғ жинсларни ўрганишда көнг құлланилади. Ер ости сувлари саёз жойлашған ҳудудларда, тоғ жинслари таркиби ва хоссалари асо-сан бурғу қудуғидан махсус мосламалар ёрдамида олин-ған намуналар ёрдамида батафсил ўрганилади. Бурғу қудуқларини қазиша техникадан фойдаланиш ишни тез бажаришга ёрдамлашади. Инженер-геоэкологик мақсад-ларда қазиладиган бурғу қудуқларини чуқурлиги аксари-ят 10-30 метргача бўлиб, асосий мақсади инсон фаолияти таъсиридаги тоғ жинсларини ва сизот сувларини ўрга-нишdir. Техноген ўзгаришлар чуқурлашиб кетган ҳудудларда ва гидрогеологик шароитни мукаммал ўрга-ниш зарурияти бўлганда, бурғу қудуқларининг чуқурлиги 100 метрдан ошиб, нисбий сув ўтказмайдиган тоғ жинс қабатларигача бориши мумкин. Бундай чукур қудуқларни асосий қирқимлар тузиладиган йұналишларда қази-либ, очилган тоғ жинс ва ер ости сувларини турли усу-лар билан мукаммал ўрганиш тавсия этилади. Ҳар то-монлама тўлиқ мукаммал ўрганилган бурғу қудуғи, шурф ва тик қазилмалар натижалари геоэкология қидирув иш-ларини асосини ташкил этади. Уларнинг умумий миқдо-ри, ҳудуднинг геоэкологик мураккаблигига уни ўрганил-ганлик даражаларига қараб, текшириш ишлари қимма-тининг 20-50% ни ташкил қилиши мумкин. Колган қазишишлари ёрдамида олинган маълумотлар тез ва камхарж йўл билан чамалаб олинадиган содда турлардан иборат бўлиб, улар ўзаро ва таянч қидирув ишлари билан тақ-қослаб, хариталардаги чегараларни асослаш учун хизмат қиласиди. Шунинг учун уларни хариталовчи қидирув иш-лари сифатида, таянч хилларидан харита ва қирқимдаги белгиларини фарқлаб ишоралаш тавсия этилади.

8.3.2. Геофизик қидирув ишлари

Геоэкологик тадқиқотлар олиб боришда геофизик қидирув ишларини ўтказиш алоҳида аҳамиятта эга. Бу усулни құллаш биринчидан олинаёттан (йиғилаёттан) маъ-лумотлар сифатини, миқдорини оширади, иккинчидан дала ишларини ўтказиш вақтини тезлаштиради, жумла-дан қазишиш ва бургулаш ишлари ҳажми бир неча баробар-га қисқариши мумкин, учинчидан ўтказилаёттан текши-риш ишлари самараదорлигини оширади.

Геофизик қидирув ишларидан энг күп қўлланиладиган электроразведка, магниторазведка, сейсморазведка, гравиразведка, радиометрия ва каратаж усуслариридир.

Электроразведка усули табиий вужудга келган ҳамда инсон томонидан вужудга келтирилган электр майдонининг тоғ жинси қатламлари бўйлаб тарқалиши характеристига асосланган булиб, тоғ жинсларининг таркиби зичлигига, намлигига қараб уларнинг солиштирма электр қаршилиги ўзгаришига асосланган.

Магниторазведка усули тоғ жинсларининг магнит хусусиятларига, ҳамда ер магнит майдони геологик шароитининг ҳар хиллигига қараб ўзгариши қонуниятларига асосланган.

Сейсморазведка усули ер сатҳидан бошлаб маълум чуқурликда (100 мергтгача) бургулаш қудуқлари ичига портловчи моддаларни жойлаш, уларни портлатиш ёрдамида бўйлама йўналишдаги сейсмик тўлқинларни вужудга келтириш ва ер қобиғи қатламлари бўйлаб, уларни гашкил қилиб турувчи тоғ жинслари хосса ва хусусиятларига боғлиқ ҳолда қатламлар бўйлаб турли тезлиқда тарқалиш қонуниятларига асосланган.

Гравиразведка усули Ер сатҳи бўйлаб, Ер тортиш кучининг ўзгариб бориши қонуниятига асосланган.

Радиометрия усули Ер қобиғи қатламларини ташкил қилиб турувчи тоғ жинсларининг уларда мавжуд бўлган уран-торий қаторига мансуб элементлари билан боғлиқ радиоактивликнинг ўзгариб бориши қонуниятларига асосланган. Бу усул ҳудудларнинг радиоактив моддалар билан заарланганлигини аниқлашда энг самарали ҳисобланади.

Каратаж усулида, асосан ҳар хил диаметрдаги трубалар билан жиҳозланган, бурғу қудуқлари ёрдамида очилган тоғ жинси қатламларининг кесмаси, хосса ва хусусиятлари ўрганилади. Бу тадқиқотни амалга ошириш, асосан, электрик, магнит ва радиоактив усусларни тўғридан-тўғри кўллаш ёрдамида бажарилади.

Электроразведка усули, сейсморазведка ва каратаж усуслари билан биргаликда қўлланиш оқибатида куйидаги масалаларни ҳал қилиши мумкин:

1) 250 метр чуқурликкача бургуланган қудуқларнинг геологик кесмасини ташкил қиливчи тоғ жинсларини пет-

рографик, литалогик таркибига қараб қатламларга ажратиши.

2) ажратилган тоғ жинсларининг петрографик инженер-геологик хосса ва хусусиятларини, жумладан, намлигини, зичлигини, фоваклигини, ер ости сувларининг оқиш йўналишини, ҳамда ўзидан сув ўтказмайдиган регионал ва локал тоғ жинси қатламларининг тарқалишини, ўрганилаётган ҳудудларни структура-геологик ҳолатини аниқлаш.

3) тоғ жинсларининг нураши натижасида вужудга келган дарзлар кўп тарқалган жойларни белгилаш.

4) тектоник ёриқлар тарқалган майдонларни, уларнинг чуқурлигини тарқалиш характеристи тўғрисида фикр-мулоҳазалар юритиш.

5) қиялиқдаги мавжуд гиллик жинсларни суримишга чидамли даражаларини баҳолаш;

6) ер ости сувлари минераллашиш даражасини маълум кесмалар ва майдонлар бўйлаб ўзгариш қонуниятларини баҳолаш.

7) тоғ жинсларининг ўзидан сув ўтказувчанлик қимматини ҳамда уларнинг фовакларини сув билан қанчалик тўйинганлик даражаларини маълум майдонлар ва чуқурликлар бўйлаб қиёслаш.

8) тектоник ёриқлардаги ва инсонларнинг инженерлик фаолиятлари натижасида ифлосланган ҳудудлардаги мавжуд ер ости сувларининг кимёвий таркибини қабул қилинган меъёрномада белгиланганига нисбатан, ошибкетган жойларни аниқлаш ва ҳоказолар.

Юқорида кўрсатилган усуллардан ташқари геоэкологик ишлар ўтказиши жараёнида геофизик усуллардан жисмларни зарядлаш, чақирилган потенциаллар, радиотўлқин зондлаш ҳамда микросейсмик усулларидан фойдаланиш ҳам мумкин.

Жисмларни зарядлаш усули, асосан, тоғ жинслари фовакларидан ер ости сувини оқиб ўтиш тезлигини аниқлашга мўлжалланган бўлиб, маълум жойдан, маълум масофага концентрлаштирилган электролитларни сувга таъсир эттириш йўли билан амалга оширилади. Бу усул ер ости сувларини ер сатҳидан 90-100 метрдан чуқур бўлмаган ҳолатлари учун яхши натижа беради.

Чақирилган потенциаллар усули ўзида ер ости суви бўлган ва бўлмаган тоғ жинсларидаги мавжуд текто-

ник ёриқларни, дарзларни ётиши, йұналиш ҳолатларини аниқлашда, шүрхек сувлар тарқалған ҳудудларда уларнинг оралиғида учрайдиган чучук сув қатламларини, уларнинг чуқурлигини билишда құлланилади.

Радиотұлқин зондлаш·усули ер қатламларида ва уларнинг устки қисми бүйлаб радиотұлқынларни тарқалиш қонуниятларига асосланған бўлиб, ер ости сувларини тарқалиш чуқурлигини ер ости сувлари устида ётувчи тоғ жинсларини ва ер ости сувларининг минераллашиш даражаларини ўрганишда құлланилади.

Микросейсмик текшириш ишлари, асосан, шашарлар, гидротехник иншоотлар ҳамда бошқа халқ хұжалиги аҳамиятига зәға бўлган иншоотлар ва иморатлар қурилиши лозим бўлган майдонларда үтказилади. Текшириш ишлари бир каналли (ОСУ-1) ҳамда 24-каналли (СС-24-II) сейсмик қурилмалар ёрдамида маълум майдонларда маълум кесмаларда олиб борилади. Бу усуллар воситасида тоғ жинси қатламларига 8 килограмм оғирликдаги болға (кувалда) билан уриш ёки 50 кг оғирликдаги чўян тошни 6 метр баландликдан ташлаш ёрдамида ҳар хил қалинликка зәға бўлган тоғ жинслари қатламларида табиий бўлмаган эластик тебранма ҳаракатни (тұлқин) вужудга келтирилади. Бу тұлқынлар тезлиги тоғ жинси қатламларига ўрнатилган сейсмоприёмник ёрдамида маҳсус ленталарга ёзиб олинади. Тоғ жинсларининг таркиби, хосса ва хусусиятларининг ҳар хил бўлганлигига ҳамда улардаги ер ости сувларининг ҳолатларига қараб тебранма тұлқынлар тезлиги ҳам уларда ҳар хил бўлади. Шунинг учун бу усул 25-40 м қалинликдаги тоғ жинси қатламларини бир-биридан фарқлаш, ажратишида ер ости сувлари ётиш чуқурлигини аниқлашда, тоғ жинсларининг ер қимирлаш жараёнига қанчалик бардош беришлигини, яъни тоғ жинсларида ер қимирлаш кучини қанчалик ошиши ёки камайишини балларда баҳолашда құлланилади. У ёки бу тоғ жинсларида ер қимирлаш кучининг баллардаги қиймати С. В. Медведов. томонидан жорий этилган қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$\Delta I = 1,67 \lg \frac{\rho_3 \cdot V_3}{\rho_1 \cdot V_1} + e^{-0,04a^2}$$

Бу ерда:

ΔI — ер қимирлаш кучининг ошиши ёки камайишини балларда аниқланган қиймати,

ρ_s , V_s — ўрганилаётган ҳудуд учун ўз хосса ва хусусиятларига зилзилага бардош бериш даражасига кўра ўртача қийматга эга бўлган тоғ жинсининг зичлиги ($\text{г}/\text{см}^3$) ва эластик бўйлама тўлқин тезлиги ($\text{км}/\text{сек}$),

ρ_p , V_i — ўрганилаётган ҳудуд қатламларини ташкил қилиб турган тоғ жинсларининг айрим ҳолатдаги зичлиги ($\text{г}/\text{см}^3$) ва бўйлама тўлқин тезлиги ($\text{км}/\text{сек}$),

e — доимилик қиймати, 271,

h — ер ости сув катхининг чуқурлиги, м.

8.4. АЭРОКОСМИК ТЕКШИРИШ УСУЛИ

Аэрокосмик текшириш ишлари геоэкологик ишларнинг дастлабки бўғинларидан ҳисобланади.

Аэро — аэрокосмик суратларни ўқиш ландшафтни ташкил қилувчи компонентларни ўзига хос суратлардаги белгиларга ҳамда иккинчи даражали белгиларни таҳлил қилиб амалга оширилади.

Ландшафт — пайдо бўлишига кўра бир хил геоморфологик, геологик тузилишга, иқлимга, ер ости ва ер усти сувларига, ҳамда шуларга монанд тупроқ, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига эга бўлган табиий манзара — табиий комплекс.

Бевосита — тўғридан-тўғри ўқиш усули аэро-аэрокосмик суратларда ўз аксини топган ландшафтнинг компонентларига (ер катхининг тузилиши, шакли, ўсимликлар дунёси, тоғ жинслари қатламлари, улардаги мавжуд бурилмалар, ёриқлар, геологик жараёнлар ва ҳоказо) ҳамда инсонларнинг инженерлик ва хўжалик фаолиятлари натижасида вужудга келган объектларга (сугориш шохобчалари, сув омборлари ва ҳоказо) хосдир. Ер қобигининг ички қисмида табиий техник комплексда юз берадиган ҳодисалар, ер ости сувлари, уларнинг ҳаракати, шурчуклиги, тоғ жинсларининг генетик турлари, уларни ётиш ҳолатлари, хосса ва хусусиятлари аэро- ва аэрокосмик расмларда тўғридан-тўғри кўриш даражасида ўз аксини топмайди. Бундай ҳолатларда суратларни бевосита ўқиш усули, яъни ерни ички қисмини ташкил қилиб турувчи ТТК (табиий техник комплекс) компонентларининг тас-

вирларда пайдо бўладиган баъзи бир шаклнинг белгилари ёрдамида, уларнинг ҳолатлари тўғрисида фикр-мулоҳазалар юритишимиш, зарур хуносалар чиқаришимиз мумкин бўлади.

Аэро- ва аэрокосмик суратларда кўринадиган бундай белгиларга: расм тасвирини структура ва текстуралари, соялар, ҳолатдаги кўринишлар, ранглар, ҳамда туслар киради.

Сурат тасвирининг структураси деганда, баъзи бир тасвир элементларининг тузилиши ва белгилари, уларнинг акси, сояси, ранги, катта-кичиклиги, ўлчами, геометрик шакли, умуман олганда ана шу белгиларни биргаликдаги кўриниши тушунилади.

Тасвирдаги мавжуд соялар ёрдамида аэросуратларни ўқищдан кўра, аэрокосмик суратларни ўқиш катта аҳамиятга эга. Бу ўз навбатида катта ҳудудларда бажарилган тасвиirlарнинг изоҳи билан боғлиқдир. Инженер-геоэкологик нуқтаи назаридан аэро- аэрокосмик суратларни ўқишида тасвирдаги соялар рангини ҳар хил қуюқликдаги кўринишига ҳам эътибор берилади. Чунки аэро- аэрокосмик расмлардаги тасвир ниҳоятда ўзгарувчан бўлади. Бу ўзгарувчаник баъзан ўсимликларнинг турига, уларнинг таркибига ва тузилишига, ҳатто баъзи кўп тарқалган ўсимликларни фенологик ҳолатига қараб ҳам аниқланиши мумкин. Шунинг учун ҳам АР ва АКР тасвирини улардаги мавжуд ранг ва туслага қараб баҳолашда 7 балли шкала қўлланилади (8.4.1-жадвал). Расмларни дешифровка қилиш жараёни тасвирдаги мавжуд белгиларни бир-бирлари билан қиёслаш, боғлаш, уларни фарқлаш, топиш ва изоҳлаш усувлари билан амалга оширилади.

Аэро ва аэрокосмик усувлардан фойдаланиш қўйидаги уч босқичда оширилади:

1. Дала ишларини бошлашдан олдин тайёргарлик кўриш даври.
2. Дала ишларини олиб бориш, кузатиш — аэровизуал давр.
3. Кузатиш натижаларини тадқиқот қилиш даври.

Фенологик ҳолат — бу ўсимлик ва ҳайвонларда юз берадиган мавсумий ўзгаришлар (ранглар ва тусларнинг ўзгариши, гуллаши ва ривожланиши билан боғлиқ бўлган ўзгаришлар).

8.4. I-жадвал

Аэро- ва аэрокосмик расм тасвирларининг рангига қараб визуал баҳолаш жадвали

Ранглар даражаларини курсатувчи баллар	Рангларнинг номлари	Ажратиш принципи	Оптик зичликкниң юқори ва пастки чегаралари
1	Жуда тиник	Рангтинг кўз билан ажратиб бўлмас ва кўз илғамас даражада эканлиги	0,1 ва ундан кичик
2	Жуда оч кулранг	Сурат (тасвир) рангнинг кўз билан кўрадиган даражада зич эканлиги	0,2—0,3
3	Оч кулранг	Кўпчилик сурат тасвирларининг минимал (кам) зичлиги	0,4—0,6
4	Кулранг	Кўпчилик сурат тасвирларининг ўртача зичлиги	0,7—1,1
5	Тўқ кулранг	Кўпчилик сурат тасвирларининг максимал (катта) зичлиги	1,2—1,6
6	Қорамтирик кулранг	Рангни кўпчилик сурат тасвирлариниң максимал зичлигидан ҳам ортиқроқ эканлиги	1,7—2,1
7	Қорага яқин	Рангни кўз билан ажратиб бўлмас даражада эканлиги	2,2 ва ундан катта

Дала ишлари бошланишидан олдинги даврда бажариладиган вазифаларга асосан дала ишларини ташкил қилиш ва уни пухта ўтказиш режалари киради. Аэрокосмик материалыларга ва керакли буюмларга буюртмалар берилади, мавжуд фонд ва адабий материаллар синчиклаб ўрганилади. Бунда асосий эътибор аэрокосмосуратларни, уларнинг намуналарини кўздан кечиришга, ўрганиб чиқишига қаратилади. Аввалги ўтказилган геологик текшириш ишлари натижалари тузилган хариталар билан мукаммал танишилади. Ўрганилиши лозим бўлган территориянинг табиий шароити, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси ер сат-

ҳининг тузилиши, ер ости ва ер усти сувлари тұғрисида умумий тушунчага зәғ бұлинади. Керакли фотосхемалар, фотопланлар, фотохариталар, чизмалар ва жадваллар түзилади.

Фотосхема — Ер сатхи (рельфи) текис бұлған районлар учун тузилиб, планлы аэрорасмларнинг марказига яқын бұлған керакли жойларни кесиб, бир-бирига ёпиштириш йўли билан тузилади. У, асосан, расми олинган жойнинг планига тўғри келади.

Фотоплан — бир хил масштабга келтирилган аэрорасмларни бир-бирига ёпиштириш натижасида тузилиб, у ўша жойни топографик харитасига тўғри келади.

Фотохарита, асосан, тоғли районлар учун ишлатилиб, масштаб ва проекцияси бир хил кўрсаткичга келтирилган космик расмларни, мавжуд топохариталар ёрдамида (космик расмларни хариталар устига қўйиш) бир-бирига жисплаштириб ёпиштирилиши йўли билан тузилади.

Фотосхема тузишда, топографик хариталардаги объектлар — йуллар, аҳоли яшайдиган жойлар, шаҳарлар, дарёлар, каналлар, сув омборлари, батқоқликлар, кўуллар, қоятошлар, чўллар-кумликлар энг асосий қўйишлиш белгилари қилиб олинади. Далага боришдан олдин бажариладиган харитаграфик ишларни амалга оширишда юқоридаги табиий объектларни аниқ билиб олишда аэрорасмларнинг қисқача мазмуни (аннотацияси)ни ўзида мужассамлаштирувчи эталон типдаги аэрокосмик расмлар ҳам катта аҳамият касб этади.

Дастраска босқичда бажарилган аэро ва аэрокосмик текшириш асосида текширилаётган ҳудудларни у ёки бу даражада изоҳловчи (унча мукаммал бұлмаган) қатор хариталар тузилади. Буларга: ландшафт, геоморфологик, тұртгламчи давр тоғ жинслари, геодинамик жараёнлар, инженер-геологик районлаштириш, ер ости сувларининг чуқурлигини кўрсағувчи хариталар киради. Бу хариталарга режалаштирилаётган дала ҳамда аэровизуал кузатиши ишларининг аниқ маршрути (йўналиши), ўрганилиши лозим бұлған характерли тажриба участкаларининг жойлашы туширилади. Қилинадиган ишларни энг асосий турлари белгиланади.

Аэро ва аэрокосмик текшириш ишларини ўтказишни иккинчи дала ишларини ўтказиш босқичи бажариладиган вазифаларнинг энг кераклиги ҳисобланади, чунки

ҳамма зарур ишлар ва маълумотлар ана шу давр мобайнида бажарилади ва йигилади. Бор геологик, геоморфологик, гидрогеологик инженер-геологик материаллар дала шароитида текширилиб кўрилади, янги маълумотлар йигилади. Улар асосида ўхшаш ҳудудлар ажратилади. Ҳар бир ҳудудни мукаммал ўрганиш таянч майдонлари белгиланади. Таянч майдонларда маҳсус кесмалар (профиллар) бўйлаб тоғ жинслари литологияси, петрографик турлари, ётиш ҳолатлари, қалинлиги, емирилиш даражаси ва уларда тарқалган жараёнларнинг пайдо бўлиш сабаблари ўрганилади расмлари олинади ва кузатиш дафтарига ёзиб борилади. Кузатиш ишларини олиб бориш жараёнида она тоғ жинслари устида пайдо бўлган тўртламчи давр чўкинди тоғ жинслари қалинлигига ҳам катта эътибор берилади. Чунки она тоғ жинслари устида тўртламчи давр тоғ жинсларининг мавжудлиги шу майдонни тектоник жиҳатдан баҳолашга имкон беради.

Радиометрия, магниторазведка, гравиразведка каби геофизик усууллар вертолёт ва маҳсус самолётларда олиб борилса иш тез бажарилади. Аэроусул ёрдамида геологик муҳитни техноген ва табиий радиоактив элементлар билан ифлосланишини аниқлаш, айниқса аҳамиятлидир. Радиоактив элементлар асосан гамма нурланишга эга. Бундан фойдаланиб, геофизик усуулларда гамма хариталаш ўтказилади. Хариталаш ишлари олдин вертолётда ўтказилиб, нурланиши ошиб кетган ҳудудларда маълум сатҳлар бўйлаб пиёда юриб гамма хариталаш ўтказилса ишунумли бўлади.

Геологик муҳитни техноген радиоактив элементлар билан ифлосланиши ядро қуроли ва энергияси билангина боғлиқ бўлмай, табиий радиоактив тоғ жинсларини қазиши, ишлатиш, чиқиндиларни кўмиш билан ҳам боғлиқ. Шунинг учун текшириш вақтида кон, чиқиндихона, ҳарбий саноат ва тажриба майдонлари каби радиоактив заарланиш эҳтимоли бўлган ҳудудларга алоҳида эътибор берилади. Режалаштирилган дала ишлари тугагандан кейин аэро ва аэрокосмик тадқиқот ўтказувчи экспедиция ана шу далада йигилган маълумотларни ҳар томонлама (хона шароитида) ўрганади. Текшириш ишларининг сўнгига лаборатория тажриба ишлари ўтказилади, далада олинган маълумотлар қайта таҳлил қилинади, чизмалар, жадваллар, кесмалар

(профиллар), хариталар тузилади. Аввалроқ мавжуд материаллар асосида тузилган харита янгилари билан тұлдирілади. Кузатиш дафтарида ёзіб борилған барча кузатиш объектлари (очиқ сатхлар, күдуклар, булоқлар, шахталар, каналлар, қазилмалар ва намуна олинган жойлар), уларни денгиз ва дарә сатхига нисбатан жойлашиш баландликлари, топографик харита ёрдамида аникланади ва янги тузилған хариталарга (зарурлық даражасыға қараб) туширилади.

Аэро ва аэрокосмик суратлар билан кундалик ишлеш жараёнида мураккаб қурилмалар ва асбоблар билан ишлеш зарур әмас. Мураккаб қурилмалар билан жиҳозланған күптармоқли лабораториялар, асосан, маҳсус режадати мумаммоларни ҳал қилишда ишлатилади. Аэросуратларни дешифровка қилишда (үқишида) тузилиши жиҳатидан мураккаб булмаган, содда, ишлеш учун қулай ҳисобланған ойнали-линзали стереокоп әнг яхши асбоблардан бўлиб ҳисобланади. Бу асбоб, асосан, Германияда ишлаб чиқарилади. Унда икки жуфт ойна бўлади, улар орасидаги линза кузатилаётган расмни 2,5 марта катталаштириб кўрсатади, ойнали стреоскоп эса 3,5 марта катталаштиради.

Инженер-геоэкологик текшириш ишларини ўтказишида аэро ва аэрокосмик суратларнинг масштаблари йирик (1:10 000 ва ундан катта), ўрта (1:10 000 дан 1:30 000 гача) ва майда (1:30 000 дан кичик) бўлиши мумкин. Бу масштабларнинг қийматлари сурати олинаётган ҳудуднинг геоморфологик шароитига, рельеф тузилишига, йилнинг фаслларига қараб маълум даражада ўзгариши мумкин. Бунга учиш баландлигининг доимо бир хил бўлмаслиги ҳам сабаб бўлади. Шунга кўра, ишлатиш учун керакли масштаб қўйидаги формула ёрдамида топилади:

$$\frac{1}{m} = \frac{f}{H}$$

бу ерда:

H — сурат олинган вақтдаги учиш баландлиги;

f — аэрофотоаппаратнинг фокус оралиғи;

m — масштабнинг умумий маҳражга келтирилган қиймати.

Қўйида М. Н. Петрусович томонидан геоэкологик тадқиқотларни ҳисобга олган ҳолда ишланған аэросуратларнинг оптималь масштабларий кўрсатилган.

Геоэкологик тадқиқотларнинг масштаблари:

1:50 000 ва бундан йирик,

1:50 000 дан 1:100 000 гача,

1:200 000 дан 1:500 000 гача.

Сурилиш ва сел ҳодисаларини ўрганиш жараёнидаги аэрокосмик суратларнинг оптимал масштаблари:

1:17 000 дан 1:20 000 гача

1:25 000

1:40 000 дан 1:60 000 гача

1:10 000 дан 1:5000 гача

Бу масштаблар ҳал қилиниши лозим бўлган масаланинг моҳиятига, текширилаётган худуднинг геологик, тектоник, геоморфологик тузилишининг мураккаблигига қараб у ёки бу томонга ўзгариши мумкин.

Бажарилган ҳамма тадқиқот натижалари ҳисобот шаклида ёзилади. Керакли илмий, амалий услубий хуносалар чиқарилади, таклиф ва мулоҳазалар билдирилади. Ҳисоботга схемалар, хариталар, чизмалар жадваллар, расмлар, кўшимча маълумотлар ва натижалар шаклида тиркалади. Мутахассисларнинг маҳсус синовидан кейин, илмий кенгашда ҳимоя қилинади. Сўнгра фондга, керакли жойларга (ташкilotлар ва лабораторияларга) амалий қўлланма сифатида топширилади.

8.5. НАМУНАЛАШ

Инженер-геоэкологик текшириш ишларини ўтказиш жараёнида тоғ жинслари ҳамда сувларнинг таркиб ва хоссаларини маконда ўзгарувчанлик қонуниятларини аниқлаш мақсадида улардан лаборатория текширувларига намуналар олиш тартибини билишнинг аҳамияти каттадир. Намуналар қазилма ва бурғу қудукларидан олинади. Тоғ жинсларидан олинадиган намуналар икки хил бўлади. Биринчи хил намуналарга: уларнинг зичлигини, физик-механик хоссаларини, сув ўтказувчанлигини аниқлаш учун табиий тузилиши (бир бутунлиги) ва намлиги ўзгартмаган ҳолатда олинадиган намуналар киради. Бу намуналар катталиги $10 \times 10 \times 10\text{ см}$ ёки $25 \times 25 \times 25\text{ см}$ ли тоғ жинси бўлакларидан (монолитлар) иборат бўлиб, улар тоғ жинси қатламларидан қирқиб олинади. Монолитларни олиш, асосан шурфлар ва қисман расчистка — тозаламаларда амалга оширилади. Бунда олинган монолитларнинг усти текис-

ланиб, усти ва ости (тоғ жинсларининг ҳолатларига нисбатан) белгиланади. Қазилманинг номи, жойлашган ҳудуди тартиб сони, чуқурлиги, грунт номи, олинган вақти ва олувчининг исм-шарифи ёзилган қофоз қўйилиб монолитнинг усти парафинланади, сўнгра яна дока билан ўрапиб, қайта парафинланади, яна белги қофозлари ёпиширилади, Улар салқин ерларда эҳтиёт қилиб сақланади, уринтирмай лабораторияга ташилиб, мумкин қадар тезроқ, (табиий намлиги ўзгармасидан) хоссаларини аниқлаш чоралари кўрилади.

Монолитлар, асосан ҳар бир метр чуқурликдан олиниади. Бунда, албатта, тоғ жинслари қатламларининг табақаланиши инобатга олиниади: қалинлиги 20 см дан ортиқ бўлган ҳар бир табақадан монолит олиниши зарур. Агар табақанинг петрографик таркиб тузилиши зичлигидан ташқари, ёши ва ҳосил бўлиши услуби бир хил бўлса (қалинлиги 5-7 метр атрофида бўлса), унда қатламнинг устидан, остидан ва ўртасидан монолит олиш тавсия этилади. Бундай ҳол аксарият лёсс жинсларига хос бўлиб, бунда қўмилиб кетган тупроқларни ўтказиб юбормаслик керак. Уларнинг петрографик таркиби тагидаги лёссларга ўхшаш бўлсада, тузилиши, зичлиги, сув ўтказувчанлиги ва чўкувчанлиги билан фарқланади. Бундай айрим чуқурликлардан намуна олишни *нуқтавий* намуналаш деб аталади. Бу усул билан табиий тузилиши ўзгарган намуналар ҳам олиниади. Нуқтавий намуналардан грунтларни грануламетрик таркиблари, пластиклик (қайишқоқлик) даражалари, минерал заррачалар зичлиги каби кўрсаткичлари аниқланади. Нуқтавий намуналаш инженер-геологик текшириш ишларида энг кўп қўлланиладиган усуилардандир. Грунтларнинг шўрланиши, улардаги заарли кимёвий моддаларни аниқлаш мақсадида ер сатҳидан бошлаб пастга қараб узлуксиз, тоғ жинси қатламини маълум масофалардан (ҳар 10, 20 ёки 50 см дан) ҳам намуналар олиниади. Ариқча шаклида шурф расчистканинг бирор деворидан кесилиб олиниади. Текшириш ишларига етарли даражадаги (1 кг атрофида) олинган намуналар ёрлиқ билан бирга айрим халтачаларга солинади. Сўнгра марказий лабораторияларга жўнатилади. Бундай усул билан тупроқ қабати, техноген ётқизиқлар ва сизот сувлари саёз жойлашган (3 метр атрофида) ерлардаги аэрация зонасидаги грунтлар ўрга-

нилади. Тупроқларнинг шурланишини ва заарли моддалар билан ифлосланганлиги тўғрисида олинган маълумотлар кимёвий хариталашда асосий манба бўлиб, ҳисобланади. Техноген ифлосланган ҳудудларда намуналаш масофаси қисқарib, намуналар олиниши ҳар 2 ёки 5 см га туширилиши ҳам мумкин. Баъзан ҳудуднинг техноген ифлосланишни мукаммал аниқлаш мақсадида, шурф қазиш ёки бурғи қудуғи ёрдамида олинган ҳамма тоғ жинслар намунага олиниши ва тажриба учун ишлатилиши мумкин. Бундай намуналашни ёппасига намуналаш дейилади.

Тоғ жинслари таркиб ва хоссаларининг кўрсаткичлари турли даражада ўзгариб туради. Бундай ўзгаришлар баъзи кўрсаткичларда (минерал заррачалар зичлигида) кам, баъзиларида (грунт зичлиги, намлиги, таркиби ва ҳоказо) кўпроқ бўлади.

Тоғ жинсларининг ҳосил бўлиш услуби, йиғилиш шароити, диогенетик жараёнларнинг таъсири каби кўп омиллар натижасида уларни бир хил кўрсаткичларини маконда ўзгариши ҳар хил бўлади. Бу ўзгаришларнинг микдори чукурга (ер сатҳидан пастга) ёки сатҳда бирор йўналиш шакли аррасимон ҳолда (чиzmада) кўрсатилади. Проф. Н. В. Коломенскийнинг фикрича, бундай ўзгариш қонуниятли бўлса, маълум масофада уларнинг ўртача микдори маълум даражада ошиб ёки камайиб боради. Қонуниятсиз ўзгаришда эса микдорнинг ўзгаришини масофага боғлаб бўлмайди. Тоғ жинслари хосса ва хусусиятларининг сатҳ бўйлаб бўладиган бундай ўзгаришларни Н. В. Коломенский регионал ўзгариш деб, ер юзасидан пастга (чукурга) қараб ўзгаришини (яъни) уларнинг пайдо бўлиш вақтига, яъни тоғ жинси ёшига боғлади.

Агар ўзгариш қонуниятсиз бўлса, башоратлаш қийинлашади ва қидирув ишларини сатҳда баробар тақсимланади. Аниқлаш сони ошган сари ўрга микдор кўрсаткичлар яқинлаша боради. Шунинг учун ҳар бир инженер-геологик турдаги грунтнинг кўрсаткичларини ҳақиқатга яқинлаштириш учун 30 га яқин намуна олиб текширилиши зарур. Ўзгариш қонуниятли бўлса, 2-3 нуқталардан олинган маълумотлар асосида қўшни ҳудуд грунтларий кўрсаткичларини башоратлаш мумкин. Бундай ишлар бошланғич текширишда, катта ҳудудларни хариталашда

айниқса фойдалидир. Бирор күрсаткични умумлаштирилған ёки ҳисоблаш учун ишлатса бұладиган сонини етарлы даражада булиши учун, камида қанча намунадан аниклаш зарурлигини статистик ҳисоблаб чиқарса бұлади. Юқорида инженер-геоэкологик текшириш ишлари жараёнидаги намуналашнинг асосий принциптері баён этилди холос. Үрта ҳисобда үшаш инженер-геоэкологик шароитда, бир хил деңқончилик қилинадиган ерларда тузиладиган хаританинг ҳар 4 см² юзасыда бир намуналаш үтказиладиган қазилма булиши керак. Олинадиган намуналарнинг оғирлиги 0,5 кг га яқын бўлиб, уларни ёз ва куз фаслларида олган маъқул. Бунда деңқончилик қилинадиган ерларда пестицид ва гербицидларнинг кўпроқ йиғилиши захкашларга яқин ерда булишини инобатта олиш зарур.

Биогеокимёвий текширишлар маҳсус лабораторияларда ўсимликлар таркибидаги микроэлементларни аниклаш орқали олиб борилади. Бунинг учун аввало ўсимликларни ҳар хил даражада ривожланиши ёмонлашган ерлар аниқланиб чиқилади. Катта ҳудудларда текширишларни тезлаштириш учун маҳсус “хароратли аэрограмма” хариталаш услубидан ва бир неча тақрорий аэросуратлардаги тупроқ ва ўсимликларни ўрганиш ҳамда солиштириш натижасыда олинган маълумотлардан фойдаланиш мумкин. Текширувга ютувчанлиги кўпроқ бўлган шикастланган дараҳтларни ёш шоҳлари, хазони, ўт ва бир йиғилик ўсимликлар олинади. Намуна оғирлиги 100 грамм.

Ҳавони заарарли куқун ва бошқа кимёвий моддалар билан заарлалётган саноат корхоналарининг таъсир доирасини аниқлашда қазиши ва бургулаш ишлари шамол йұналишлари бўйлаб үтказилади. Йұналиш кесимининг узунлиги 50 км гача бориши мумкин. Унинг биринчи 10 км да намуналаш ҳар 0,5-1 км да, 10 дан 30 км гача ҳар 2-5 км да, кейинги масофаларда 5-7 км оралаб үтказилиши мумкин. Бу ишларнинг ҳажми лойиҳалаш вақтида асосланган булиши зарур.

Чиқиндиларнинг ташланиши, йиғилиши ва кўмилиши каби техноген ифлосланиш юқори даражада бўлган ҳудудларда геокимёвий намуналаш ишлари сизот сувлари сатҳигача ва ундан ҳам чуқурроқда олиб борилиши мумкин.

Чиқиндилар ташланадиган оқава сувлари тагидаги лой-қадан ҳам намуна олиниб текширилади. Намунанинг оғирлиги 1 кг бўлиб, у оқим бўйлаб ҳар 250-1000 метрда олинади. Намуна куз ва қиш ойларида, яъни дарё сувлари камайганда олингани маъқул.

8.6. ЛАБОРАТОРИЯ ИШЛАРИ

Тоғ жинсларини, ер ости ва ер устки сувларининг таркиби ва хоссаларини аниқлаш инженер-геоэкологик текшириш ишларнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Бу ишлар маҳсус тармоқ ёки марказий лабораторияга келтирилган намуналардан фойдаланиб бажарилади. Тармоқ лабораториялар — экспедициялар жойлашган ерда, марказий лабораториялар эса бошқарма қошида, яъни катта шаҳарларда жойлашган бўлиши мумкин. Уларни қайси бирида қандай текширишлар ўтказилишини инобатта олиб, намуналар юборилади. Баъзи бир мураккаб текшириш натижаларини түғрилигига амин бўлиш мақсадида бошқа лабораторияга қайта текшириш учун юбориш мумкин. Грунтларнинг зичлигини, намлигини сувни қисқартирилган кимёвий таркибини дала шароитида кўчма лабораторияда аниқлаш мумкин. Қазиш ва бургулаш ишларини амалга ошириш жараённида грунт ва сувларнинг дала шароитида кўп маълумот берувчи кўрсаткичларини аниқлаб бориш иш сифатини оширишга имконият беради.

Грунт ва сувларда бажариладиган текширувлар услуби ва турларини белгилашда, уларнинг табиий мұхитдаги ҳолати, уларга таъсир этувчи техноген жараёнларни инобатта олиш зарур.

Геоэкологик текширувда гидрогеология ва инженер-лик-геологияда сув ҳамда грунтларнинг таркиби, хоссаларини аниқловчи лаборатория усуслари қўлланилади. Бу усусларни кўп йиллардан бери қўлланилаётгани, стандартлаштирилгани, адабиётларда кенг ёритилганлигини ҳисобга олиб, биз фақат геологик мұхитни заарловчи кимёвий элементларни ҳамда микроорганизмларни аниқлаш усуслари ҳақида умумий тушунча берамиз. Бундай текширувларни аксарият маҳсус лабораториялар кимё, физика ва микробиология соҳалари мутахассислари ба жаришади.

Айрим кимёвий элементлар инсоннинг соғлом ўсиши учун зарур бўлиб айримлари тупроқ структурасини яхшилашга, унинг ҳосилдорлигини оширишга хизмат қилади. Агар уларни миқдори месъеридан ошиб кетса, улар салбий таъсир эта бошлайди. Баъзи бир элементларнинг миқдори кўп ошсада камроқ зарар келтиради, баъзилари эса оз бўлса ҳам катта зарар келтиради. Шунинг учун уларни заҳарли, яъни токсик хусусиятга эга бўлган элементлар дейилади. Булардан маргумуш, кадмий, қўрғошин, симоб, молибден, силен, рух, мис, фтор айниқса хлорнинг органик бирикмалари, пестициидлар ўта заҳарли хусусиятга эга. Заҳарли моддалар грунтда, сувда, айримлари (фтор, диоксин, ис гази ва ҳоказо) ҳавода бўлиши мумкин. Сув ва грунтларнинг, шу жумладан, яхши, ўрта, ёмон эрийдиган тузларни ташкил этувчи анион ва катионларнинг кимёвий таркиби хронометрик, спектрал, кимёвий усуллар ёрдамида аниқланади.

Микробиологик текширишлар нефть газ маҳсулотлари сақланадиган шоҳобчаларда, катта молхона, паррандахона, шаҳар ва қишлоқларни майший чиқиндилари билан заарлантирган таянч нуқталаридаги мавжуд сув ва грунтларда ўтказилади. Улардан намуна олишни мутахассислар бажаргани маъкул. Текширувда юқумли қасаликларни тарқатувчи микроорганизмларга алоҳида эътибор бериш зарур. Микроорганизмларни ифлосланган грунтда яшаши ва кўпайиши шароитига қараб, грунтларнинг ҳосил бўлиш шароитлари (ҳавосиз, ҳаволи, кислотали, ишқорли каби) ҳақида фикр юритиш мумкин. Ҳосил бўлиш шароити ўз навбатида тоғ жинсларининг таркиби ва хоссаларини қай даражада ўзгаришини башшорат этишга ёрдамлашади. Табиий (уран, радий, радион, торий, калий-40, рубидий-87) ва техноген (стронций-90, цезий-134, кобальт-60, тритий, углерод-14 ва ҳоказо) радиоактив элементларни аниқлашда гамма спектрометр, бета спектрометр, радиокимёвий ва бошқа усуллар кўлланилади.

Инсон фаолиятини қайси бир соҳаси таъсирида геологик муҳитни қай даражада ўзгариши қандай заарали моддалар билан ифлослантириши, у моддаларни қайси бири тез парчаланиб йўқолиб кетиши ёки парчаланмай йиғилиб боришини ва уларнинг тарқалиши қонуниятларини билиш, намуналаш ҳамда лаборатория текширув-

ларини ўтказилишига ёрдамлашади. Шунинг учун уларни текширишга геокимё, геофизика ва тупроқ микробиологияси соҳаларининг мутахассислари жалб этилиши зарур.

8.7. ТАЖРИБА ИШЛАРИ

Тоғ жинсларининг хоссаларини табиий шароит ва ҳолатини ўзгартирган ҳолда аниқлаш учун маҳсус тажриба ишлари ўтказилади. Уларнинг турлари кўп, ўтказиш тартиблари стандартлаштирилган бўлиб, гидрогеология ва инженерлик-геологиясига оид адабиётларда яхши ёритилган. Айрим турлари ҳақида алоҳида китоблар нашр этилган. Шунинг учун биз уларнинг баъзи муҳим турлари, вазифалари ва қўлланиш шароити ҳақидагина қисқа тўхтабиб ўтамиз.

• Сувга тўйинган тоғ жинсларининг сув ўтказувчанигини ва бошқа гидрогеологик кўрсаткичларни аниқлаш мақсадида бурғу қудукларидан сувни узлуксиз сўриб чиқариб, гидрогеологик тажриба ишлари ўтказилади.

Гидрогеологик тажриба ишлари жараённида олинадиган гидрогеологик маълумотларга: грунт сувларининг капилляр кутарилиш тезлигини, баландлигини, депрессион эгри чизиги* турларини, уларни грунт ва юқори босим билан кутарилиб чиқувчи артезиан сувларини пъезометрик юзлари орасидаги ўзаро боғлиқлигини, минерализациясини, критик чуқурлиги, сувли қатламларини фильтрацион хусусиятларини, ер ости сувлари сатҳларининг чуқурлигини, сизиб ўтиш тезлигини, ҳароратини ифлосланиш даражаларини аниқлаш натижалари киради. Бу олинган натижаларни муҳокама қилиш, бирбирлари билан қиёслаш, математик, статик ҳисоб-китоблар қилиш ўрганилаётган ҳудуднинг гидрогеологик шароити тўғрисида фикр-мулоҳазалар юритишга, керакли гидромелиоратив чора-тадбирларни белгилашга юз беражак геоэкологик жараёнларни башорат қилишга имкон беради.

* Депрессион эгри чизиги — ер ости сувларининг оқими буйлаб йуналишидаги депрессион юзасини вертикаль текислик билан кесишганда ҳосил бўлаликчан чизик.

Гидрогеологик дала тажриба ишлари, асосан, тоғ жинслари қатламларига қазиб ўтказилган бурғу қудуклари, шурфлар орқали, мавжуд ер ости сувларини сўриб олиш, ёки юқори босим остида тоғ жинс қатламларига сувни юбориш (ҳайдаш) усувлари ёрдамида олиб борилади. Ер ости сувларининг сўриб чиқариш усули ҳамма ўрганилаётган бурғу қудукларida олиб борилиб, сувли қатламлардаги сувларнинг сифати ва миқдори тўғрисида маълумот беради. Ер ости сувларини тажриба учун сўриб чиқариш усули, асосан, ер сатҳидан биринчи қатламларнинг фильтрацион сув ўтказиш хусусиятларини аниқлаш мақсадида ўтказилади. Бунда сувли қатламдан сувни сўриш бир нечта ёнма-ён маълум масофаларда жойлашган бурғу қудукларда бир вақтда амалга оширилади. Улардан бири марказий, қолганлари кузатиш қудуклари бўлиб хизмат қиласди.

Агар сувли қатламнинг тузилиши бир хил бўлмай балки анизотропик бўлса унинг сув ўтказувчанлик коэффициенти (фильтрация коэффициенти) горизонтал ва вертикал ҳолатлари учун аниқланади.

Кузатиш бурғу қудуклари миқдори ўрганилаётган худуднинг геолого-гидрогеологик шароитига боғлиқ. Агар гидрогеологик ҳолати оғир бўлса, уларнинг миқдори маълум даражада оширилади. Бу ўз навбатида тоғ жинси қатламларининг фильтрацион хусусиятини тўғри баҳолашга ёрдам беради.

Сувсиз қуруқ грунтларнинг сув ўтказувчанлиги маҳсус асбоблар ёрдамида уларга қўйилган сувнинг шимилиб кетиши тезлигига қараб аниқланади. Бундай тажрибалар 2-3 метр чукурликкача бўлган тупроқ ва грунтларни сув ўтказувчанлитини аниқлашда қўп қўлланилади. Тоғ жинси қатламлари чукурлашган сари тажрибанинг қиймати ҳам ошиб боради, шу сабабли бундай ишлар камроқ ўтказилади. Тажриба бир вақтда 2-3 хил чукурликда ўтказилиши ҳам мумкин. Бунинг учун тажриба ўтказилиши зарур бўлган чукурликларни ҳар бирига мос чукурликдаги 2-3 та шурф қазилади (масалан, 0,5; 1,5; 2,5 метрли). Шурф тагига ўрнатилган металл ҳалқалар ичига доимий баландликда сув куйиб турилади ва сувнинг маълум вақт мобайнида бир хил тезликда шимилиши кузатилади. Тажрибалар кум жинсларида А. К. Болдырев, гиллик тоғ жинсларида Н. С. Нестеров усувларида олиб борилади. Кузатиш

натижаларини ҳисоблашда Н. К. Гринский, Н. Н. Бинденман ва Н. Н. Веригин күрсатмаларидан фойдаланилди. Үн-юз метр чукурдаги тажрибаларни үтказишида В. М. Насберг усули қўлланилади.

Лёсс ва гилли тоғ жинсларининг сув таъсирида юк кутариш қобилияти кам бўлганлиги сабабли баъзан уларга курилган иншоотлар оғирлиги натижасида чўкиб уларни ҳар хил даражада шикастлаши мумкин. Шунинг учун муҳим иншоотлар қуриш мўлжалланган ҳудудларда тажриба штамплари билан текширув ишлари олиб борилади. Тажриба аксарият пойдевор чукурлигига тенг чукурликдаги шурф ёки бурғу қудуфи тубида үтказилади. Бунда аввало табиий намлика грунтнинг керакли хоссалари аниқланиб бўлингандан сўнг, маълум юзага ва оғирликка эга бўлган тажриба штампи ўрнатилади ва уни тагидаги грунт қатлами намлатилиб, намлик таъсирида чўкиш қиймати аниқланади.

Намлик таъсирида чўкиш жараёни асосан лёссларга хосдир. Лёсслар Марказий Осиё тоғ олди ҳудудларида кенг тарқалган бўлиб, баъзан кўшимча намлик таъсирида ўз оғирлигини кўтаролмай чўка бошлиди. Уларнинг табиий босим таъсирида чўкиш миқдорини аниқлаш учун ҳам маҳсус дала тажриба ишлари олиб борилади. Бунинг учун лёсс қатламлари устида маълум сатҳдаги тажриба котлованлари қазилади ва маҳсус қурилмалар (реперлар) билан жиҳозланади. Уларга сув қўйилиб маълум вақт мобайнида, лёсс қатламлари бўйлаб пастга, ён томонга сувнинг сизиб ўтиши жараёнида юз берадиган ўзгаришларни (ёриқларни пайдо бўлиши, чўкиш ва ҳоказо) кузатиш, ўрганиш ишлари амалга оширилади. Котлованлар усули қалинлиги катта (30 метрдан ошиқ) ва ўртача (15 м) бўлган, лекин 5-7 метрдан кам бўлмаган чўкувчан лёсс массивларида үтказилади. Уларнинг сатҳи 8×6 м, чукурлиги 1 метр қилиб, девор ёнбағирларининг қалинлиги ҳар хил бўлади. Жумладан, биринчиси 1:0,5 м; иккинчиси 1:1, учинчиси ва тўртинчиси вертикал ҳолатда бўлса намлик таъсирида қиялик мустаҳкамлигини ҳам аниқлаш мумкин бўлади. Котлованларга сув қўйилганидан кейин, улардаги сувнинг сатҳи доимо бир хил 0,8 м, баландликда ушлаб турилиши лозим. Тажриба олиб бориш муддати лёсс жинсларининг қалинлигига қараб ҳар хил бўлиши мумкин. Агар лёсс жинсларининг қалинлиги 30 м дан ошиқ

бұлса 3 ой, камида 2 ой, 10 м бұлса 1 ой давом эттирилиши талабға мувофиқдір. Ҳамма ҳолатларда ҳам иложи бориба тажриба котлованларидан лёсс жинслари қатламлари бүйлаб сизиб үтүвчи сувнинг ер ости сувлари сатхига етиб боришига ва уларға құшилишига ҳаракат қылмоқ керак.

Лёсс қатламида содир бұлаёттан чүкиш жараёни, тажриба майдончасига ўрнатилған реперлардан нивелир ёрдамида доимий равищда олиб бориладиган кузатишлар натижалари асосида баҳоланиб борилади.

Реперлар түрт йұналишда ўрнатилади. Улардан олинадиган ҳисоб 20 кун мобайнида суткасига 2 маротабадан, қолған вақтларда 3-5 кунда бир мартадан үтказилади.

Тажриба котлованлари ташкил қилиниши жараёнида, котлованнинг марказидан 30—35 м масофада махсус шурф қазилади. Шурфнинг чуқурлiği грунт сувлари сатхигача, ёки лёсс жинслари тагида ётган тоғ жинслари қатламигача кавланади. Шурф қазиш вақтіда лёсс қатламининг ҳар бир метридан монолит ҳамда табиий намлигини, зичлигини, таркибини ва бошқа хусусиятларини аниклаш мақсадида намуналар олинади. Табиий намлик ва зичлик махсус құритигчылар ва асбоблар ёрдамида шурфни қазыш жараёнида аникланғанлығы маъқұл.

Баъзи тажрибалар грунтнинг сиқылувчанлигини, чукишини бевосита күрсатмасдан, айрим белгилари орқали улар ҳақида таҳмин қилиш имкониятини беради. Бундай аниклашлар махсус усқуналарда тез бажарилғанлиги сабабли, қисқа вақт мобайнида күп маълумот олиб, грунтларнинг петрографик таркиби, зичлиги, консистенцияси каби белгиларига қараб уларни айрим гурухларға ажратишип имкониятини беради. Бундай тажрибалардан энг күп тарқалғаны пенетрациядیر.

Пенетрация — конуссимон металл зонд бўлиб грунтга маълум куч билан ботирилади. Грунтларнинг зичлиги ошиб, намлиги камайған сари уларда зондни ботиришига бўлган қаршилиқ ошиб, купроқ куч сарфланади. Зондга берилаёттан куч ўзгарувчан бўлса, динамик зондлаш доимий бўлса статик зондлаш дейилади, амалиётда динамик зондлаш купроқ ишлатилади.

Динамик зондлашда маълум баландликдан тушаёттан түқмоқни — n (аскарият $n = 5$) марта урганда зонднинг

қанча чуқурга ботиши (S) аниқланади. Зондни 10 см чуқурликка ботириш учун кетган түқмоқлаш сонини — N грунтни зондлашга қаршилик күрсаткичи қилиб олинади, яъни $N = \frac{\pi}{s}$. Олингандай маълумотлар асосида чуқурга қараб N ни ўзгариб боришини күрсатувчи чизма чизилади. Маълумотлар кўп йифилган худудларда грунтни зондлашга қаршилик күрсаткичига қараб уларни зичлиги, консистенциясидан ташқари айрим механик хоссалари бўйича ҳам тахминий таснифлари берилади.

Россиянинг Гидрогеология ва инженерли геологияси институти ходимлари тавсия этган пенетрацион каратаж усулида гамма нурланиш орқали зичликни, нейтрон усули билан намликни, зондни ботишига қаршилигига қараб грунтни мустаҳкамлигини аниқлаш мумкин. Текшириш натижалари узлуксиз автоматик равишда чизма шаклида ёзаб борилади. Бу эса ўз навбатида текшириш ишларини тезлаштириб, сифатини яхшилашга ёрдам беради.

8.8. КУЗАТУВ ИШЛАРИ

Табиий ва техноген жараёнларнинг ривожланиш динамикасини ҳамда ер ости сувларининг сатҳини, таркибини, ҳаракати йўналишини вақтга қараб ўзгаришини аниқлаш учун кузатиш ишлари олиб борилади.

Катта худудлардаги ҳар хил жараёнларнинг ривожлаётганини, сўнаётганини ёки янгиларининг пайдо бўлаётганини охирги йилдаги аэрокосмик суратларни олдинги йиллардагиси билан таққослаш орқали олиб бориш мумкин. Бу ишларни аниқлиги нисбатан кам бўлсада, қисқа вақтда кўп маълумот олиш имконини беради. Олингандай маълумотлар жараёнларни тарқалиш қонуниятини, уларнинг сатҳ тузилиши, тоғ жинси, ер ости сувлари ва инсон фаолияти, иқлим билан боғлиқ даражасини аниқлашга ёрдамлашади. Бир хил геоморфологик ва геологик тузилишга эга худудларда иқлимининг фаслга қараб ўзгариши билан жараёнларнинг ривожланиши ўзгариб туради. Марказий Осиё тоғ ва тоғ олди худудларида айниқса баҳорги намгарчилик сурʼима, сел, емирилиш каби жараёнларнинг кўпайиб кетишига сабаб бўлади. Шунинг учун аэрокузатиш ва тасвиrlаш ишларини йил фаслларига қараб йилига 2-3 марта ўтказилса, ниҳоятда кўп маъ-

лумот олиш мүмкін; шунингдек, регионал масштабда жа-раёнларнинг ривожланиш динамикасини кузатиб туриш имконияти яратиласы. Жараёнлар кучаяётган ерларда маҳсус кузатиш майдонлари ташкил этилади. Бундай ерларни танлаётганда ундан олинган маълумотларни бошқа қўшни ҳудудга тарқатиш мүмкинлигини инобатга олиш зарур. Бунинг учун уларнинг тузилиши, табиий шароитлари ўхшаш булиши керак. Агар бир ҳил жараёнлар ҳар ҳил қиялиқдаги сатҳлар, ёки маълум чуқурлиқдаги сувлар каби омиллар билан боғлиқлигини аниқлаш зарур бўлса, заруриятга қараб бир неча кузатиш майдонлари танланади. Бундай майдонлар маҳсус жиҳозланиб, камида бир ёки кўпинчча бир неча йиллар давомида кузатиш ишлари олиб борилади. Кузатиш давомида ўлчов ишлари ҳамма майдонларда бир кунда олиб борилса, натижаларини умумлаштириб чизмалар чизиш, таққослаш ишлари енгиллашади. Ўлчов бир ойда камида бир марта бажарилиб, жараёнларнинг фаоллиги ошганда ўлчов оралгини камайтириш зарур. Ўлчов ишлари автоматлаштирилганда кузатувларни узлуксиз ёзилиб бориши белтиланган вақтда ҳамма майдонлардан кабель симлар орқали бир бошқарув марказга маълумот бериши мүмкин. Ҳозирги вақтда кузатув ишларини техник даражаси паст бўлиб, ниҳоятда ихтисослаштирилган бўлганлиги сабабли уларни бажаришда бир неча соҳа мутахассислари қатнашади, жумладан, ҳаво, ер устки сувларининг ифлослашишини гидрометеорологлар, ер ости сувларининг режимини гидрогеологлар, суримла, сел, каби хавфли жараёнларни инженер-геологлар, ва ер қимирлашини сейсмологлар, тупроқ шўрланишини тупроқшунослар ва мелиораторлар кузатиб боришади.

Кузатув даврида техноген ва табиий жараёнлар таъсирида тоғ жинсларининг, ер остики ва ер устки сувларининг таркиб ва ҳолатини ўзгариб боришини аниқлаштириш мақсадида, вақти-вақти билан лаборатория текширувларига намуна олиб турилади. Техноген ифлосланиш ортиб кетган ерларда у, айниқса, зарурдир. Канализация тармоқлари ривожланмаган, саёз жойлашган сизот сувларини истеъмолга ишлатиладиган ҳудудларда сувнинг кимёвий таркибидан ташқари микробиологик таркибиغا ҳам катта эътибор бериш зарур.

8.9. ХОНАКИ ИШЛАР

Геоэкологик текшириш ишлари далада, лаборатория шароитида, шунингдек иш хоналарида ҳам бажарилади. Бундай иш хилларининг умумий номи хонаки (камерал) ишлар деб аталади. Уларни бажарилиш вақтига қараб қуидаги уч ҳолатта ажратиш мумкин:

1. Бошланғич хонаки ишлар;
2. Узлуксиз хонаки ишлар;
3. Якуний хонаки ишлар.

Бошланғич хонаки ишларнинг асосий вазифаси геоэкологик текшириш ишлари ўтказиладиган ҳудуд ҳақида тұлиқ маълумот йиғищ, уларни чукур таҳлил этиб, қилинадиган ишлар лойиҳасини ёки иш режасини тузишдан иборат. Геоэкологик шароитни ойдинлаштирувчи маълумотлар түрли соңа ташкилотларыда мавжуд. Шунинг учун Геология, Табиатни муҳофазалаш, Гидрометеорология, Сув хұжалик курилиши, Қишлоқ хұжалиги, Соғлиқни сақлаш вазирликларидан құмита, бирлашмаларга қарашли ташкилотлардан, тұманлардан текширилдиган ҳудуднинг геологияси, иқлими, суви, тупроғи, қишлоқ хұжалиги, чорвахоналари, саноат корхоналари, чиқинди хоналар, ичимлик суви ва канализация билан таъминланғанлиги, күп тарқалған касалліклар ҳақидағи маълумотлар йиғилади.

Геоэкологик текширувларнинг асосий мақсади геологик мұхитни техноген жараёнлар таъсирида қанчалик ўзгарғанлигини аниклаш, келажақда юз берадиган ўзгаришларнинг олдини олиш ҳудуднинг айрим қисмлардан омилкорлик билан фойдаланиш режаларини геологик асослашдыр. Шунинг учун асосий әзтибор ҳудуднинг табиий географик, инженер-геологик шароитини ўрганишдан ташқари инсон фаолияти билан бөлгілік бүлган қуидаги ҳолатларга қаратылмоғи лозим:

1. Саноат корхоналари, очиқ ва ёпиқ усулда қазиб олинаётган конлар, катта чорвахоналар каби табиатта таъсир этувчи техноген қурилишларнинг жойлашиши, маҳсулоти: қаттық, суюқ ва газ ҳолидаги чиқиндилари, тозалаш иншоотлари ва ҳ.к.

2. Дәхқончилик турлари, сугориш усуллари ва захкашлар билан таъминланғанлиги, дәхқончиликда ишлатила-диган кимёвий моддаларнинг турлари, миқдори, уларни

сақловчى омборхоналар, тупроқдарининг шүрланиши, кимёвий моддалар билан заараланганлиги, ҳосилдорлиги.

3. Шаҳар ва қишлоқ қурилишлари уларни ичимлик сув ва канализация иншоотлари билан таъминланганлиги, майший чиқиндилиари, тозалаш иншоотлари.

4. Техноген ўзгартирилган сатҳлар ва тоғ жинслари, уларнинг хиллари, тарқалиши, чукурлиги.

5. Дарё, канал, ариқ, каби оқава сувларга ташланаётган чиқиндилярнинг таркиби, миқдори, уларни ташловчи корхоналар.

6. Иншоотларнинг мустаҳкамлиги, пойдевор асосларининг чўкиши, тарихий обидаларнинг, мармар тош, темир-бетон иншоотларининг емирилиши.

7. Ўсимлик турларидаги ва ҳайвонот дунёсидаги ўзгаришлар, улarda тарқалаётган касалликлар ва уларнинг асосий сабаблари.

8. Халқнинг саломатлиги, жигар, ошқозон, ичак билан боелиқ юқумли касалликларнинг тарқалиши, тарқалиш фасллари ва шу ҳудудларга хос бўлган касаллик турлари.

9. Ҳавонинг табиий таркиби, ҳолати уларнинг техноген омиллар таъсирида ўзгариб туриши ва асосий сабабчилари.

Йиғилган маълумотларни чукур таҳтил қилгач, геологик мұхитни шикастлаётган халқ ҳұжалиги соҳалари ойдинлашади. Шунга кура геоэкологик текшириш вақтида нималарга эътибор бериш ва қандай геоэкологик хариталар тузиш кераклиги аниқланади.

Килинадиган ишлар учун тузиладиган лойиҳа умумий, услубий, техник ва смета қисмлардан иборат бўлади. Умумий қисмida қуйидаги боблар бўлиши мумкин.

1. Ҳудуднинг табиий шароитлари (географик ўрни, тоғ жинслари ва оқар сувлари, иқлими, тупроғи, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси).

2. Халқ ҳұжалиги (саноат, деҳқончилик, чорвачилик, шаҳар ва қишлоқ қурилишлари, уларнинг сув ва канализация иншоотлари билан таъминланганлиги, чиқиндилиари, чиқиндиҳоналари, халқи, чорваси ва ўсимлигига кўп тарқалган касалликлари).

3. Ҳудуднинг ўрганилганлиги (геоморфологик, геологик, гидрогеологик, инженер-геологик, экологик ва ҳоказо).

4. Геоморфологияси (сатҳларнинг тузилиши, уларнинг досил бўлиши ва ёши).

5. Геологияси (текtonикаси, тоғ жинсларининг стратиграфик, генетик, петрографик турлари, тарқалиш қонуниятлари, таркиби ва хоссалари).

6. Табиий жараёнлар (сурима, сел, эрозия ва ҳакозо).

7. Техноген жараёнлар (саноат корхоналари, кончиклик, дехқончилик, чорва ва паррандахоналар, сув иншотлари, шаҳар ва қишлоқларнинг майший чиқиндилари билан боғлиқ жараёнлар, ҳаво, сув, тупроқларнинг ифлосланиши ва ҳоказо).

8. Инженер-геоэкологик шароити (геоморфологик, геологик, гидрогеологик тузилишларни, табиий ва техноген жараёнларни, курилиш, ўзлаштириш нуқтаи назаридан баҳолаб таснифлаш, маҳсус хариталарни тузиш варайонлаштириши).

Лойиҳани услубий, яъни методик қисмида мўлжалланган иш турлари бажариш услублари, ҳажмлари асосланниб берилади.

Техника қисмида режалангандан ишнинг қандай техник воситалар ёрдамида қай тартибда бажарилиши қўрсатилади.

Смета қисмида лойиҳада қўрсатилган ишларни бажаришга керакли техник воситалар, ишчи ва хизматчилар томонидан сарфланадиган вақт, ишлатиладиган курилиш материаллари, уларнинг турлари, миқдори ва қийматлари аниқланади.

Узлуксиз хонаки иш геоэкологик текшириш ишлари бошлангандан то дала ва лаборатория ишлари тутагунгача давом этади. Бу вақтда ўтказилган хариталаш, қазиш, бургулаш, тажриба лаборатория ва кузатув ишларининг натижалари ўрганилиб, ҳисоблаб, умумлаштирилиб, лозим бўлган чизмалар, жадваллар, схема ва хариталар тузилади. Бу ишлар ўз вақтида ўтказилса, қилинган хатоликларни вақтида тўғрилаш, гумонли кўрсаткичларни текшириб аниқлаштириш имконияти бўлади. Шунинг учун олинган маълумотларни узлуксиз текшириб туриш зарур.

Якунловчи хонаки ишлар инженер-геоэкологик ишлар тутагандан сўнг бошланади. Унинг асосий мақсади ҳисбот матнини, унга тегишли чизма, жадвал ва хариталарни тузишдир.

Хисоботда берилган матн боблари лойиҳани умумий қисмига үшаш бўлсада, аниқлик даражаси билан кескин фарқланади. Чунки лойиҳадаги маълумотлар олдинги қилинганди ишларни умумлаштириш асосида ёзилганлиги кўпинча улар ҳудуднинг табиий шароитини ёритишга ҳам етишмаслиги ёки замон талабига жавоб бермайдиган даражада бўлганлиги сабабли аниқлик даражаси паст бўлади. Мана шу камчиликларни тўлдириш мақсадида ўтказилган инженер-геоэкологик текширувлар натижалари асосида ёзилган ҳисоботни аниқлиги катта аҳамиятта эга бўлиши табиийдир.

Хисоботда смета ва техника қисмлари бўлмайди. Методик қисми қисқартирилган боб ҳолида алоҳида геоморфология бобидан олдин ёки кейин берилиши, ёки ҳар бобни ёзаётганда ундаги маълумотлар қайси усулда олингани кўрсатилиши мумкин.

Олинган маълумотлар кўплиги туфайли, уларнинг аҳамиятига қараб, улар алоҳида боб ҳолида берилиши мумкин. Бундай боблар геология, гидрогеология бобларининг айrim қисмларини кенгайиши ёки олдин эътиборсиз қолган муҳим маълумотларни ёритиш учун берилади. Улар кўпроқ шу вақтгача эътибордан четда қолаётган инсон фаолиятининг таъсири натижасида геологик муҳитдаги ўзгаришларни баёнловчи, башоратловчи бўлиб куйидагилардан иборат бўлиши мумкин.

1. Геокимёвий шароит, тупроқ ва грунтларни геокимёвий таърифида асосий эътибор тупроқнинг шурланишига, унинг оғир кимёвий элементлар, пестицид, гербицид каби заарли моддалар билан ифлосланганлигига эътибор берилади. Хариталарда кўрсатилади ва тегишли тавсиялар берилади.

2. Гидрокимёвий шароитда ер остки ва ер устки сувларининг кимёвий таркиби, уларда заарли моддаларнинг тарқалиш қонуниятлари, ҳосил бўлиш сабаблари, келажакдаги ҳолати ва тавсиялар баён этилади.

3. Радиогеокимёвий шароитда радиоактив моддаларнинг турлари, уларнинг тарқалиш қонуниятлари сабаблари кўрсатилади.

4. Биоэкологик шароит биолог ва тибиёт соҳалари мутахассислари томонидан ёки улар билан ҳамкорликда ёзилгани маъкул. Унда тупроқ ва сувдаги заарли микроборганизмларнинг тарқалиш қонуниятлари, сабаблари,

инсон ва жониворларга таъсири ва умуман ўсимлик, ҳайвонот дунёси ва аҳолиси ичидаги кўп тарқалган касалликлар, уларнинг сабаби ва тузатиш чоралари кўрсатилади.

5. Инженер-геоэкологик шароит бобида олдинги бобларда келтирилган энг муҳим омиллар умумлаштирилиб, уларнинг синтези сифатида ҳудуднинг ҳозирги инженер-геологик, экологик шароитларини ва уларни келажакда ўзгариш динамикалари башоратланиб таърифланади, геологик муҳитни муҳофазалаш ва ундан омилкорлик билан фойдаланиш йўллари кўрсатилади.

9. МОНИТОРИНГ

Мониторинг сўзи Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг (БМТ) илмий ходимлари кенгаши томонидан 1971 йили илмий адабиётта киритилди. 1973 йили БМТ Мониторинг сўзи муҳитнинг назорати ҳақидағи ахбороти ҳисобланиб, уни қуйидаги уч йўналишдаги вазифаси кўрсатилди:

1. Муҳитнинг ҳолатини доимий назорат қилиб туриш;
2. Муҳитдаги табиий ва инсон фаолияти таъсиридаги ўзгаришларни башоратлаш;
3. Юз бераётган, ривожланаётган ўзгаришларни назорат қилиб, уларни бошқариб туриш.

Ю. А. Израиль таърифича “Мониторинг-табиий муҳит ҳолатини кузатиш, баҳолаш ва башорат қилиш системасидир”.

Мониторинг системасида литомониторинг, гидрометиорологик, мониторинг, биомониторинг бўлимлари бўлиб, улар ҳар хил мутахассисликдаги ташкилот ва вазирликлар томонидан ўрганилади. Геология ва сув хўжалиги ходимлари, асосан, литомониторингни ўрганадилар.

Кузатув натижасида олинган ахборотлар ҳудудларни геологик ва техноген жараёнларнинг зарарли таъсиридан ҳимоялаш, ҳамда ҳудудлардан унумли фойдаланиш режаларини тузишда ишлатилади. Унумли фойдаланиш дейилганда кам сарф билан муҳитга ижобий таъсир этиб, ҳудуддан унумлироқ фойдаланиш тушунилади.

Литомониторинг ёки геомониторингнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат;

1. Максус ташкил этилган кузатув майдонларидағи геологик ва техноген жараёнлар режимини ўрганиш.

2. Жараёнларнинг фаоллик даражасини аниқлаштириб, уни геологик мұхитта таъсирини аниқлаш.
3. Инсон фаолиятининг геологик жараёнларнинг ривожланишига таъсирини аниқлаш.
4. Геологик ва техноген жараёнларнинг ривожланишини башоратлаш.
5. Қилинган башоратларни текшириш ва аниқлаштириш.
6. Халқ хўжалиги иншоотларини турли жараёнлар таъсирида заарланиш эҳтимолини башоратлаш.
7. Жараёнларнинг тарқалиш қонуниятларини ўрганиб, уларнинг вужудга келиши, ривожланиши, шароитига қараб таснифлаш ва районлаштириш.
8. Жараёнлардан сақланиши ва геологик мұхитдан омилкорлик билан фойдаланиши тавсияларини ишлаб чиқиши.
9. Назорат ишларини такомиллаштириш ва ривожлантириш.

Мониторингни ташкил этишда энг мұхим ишлардан бири назорат майдонларини танлаш ва уни тегишли асбоблар билан жиҳозлашдир.

Геологик жараёнларнинг ривожланишини назорат қилиб турадиган таянч майдонларининг танлаш инженер-геологик хариталаш вактида кузатилған жараёнларни тарқалиш хиллари ва шароитига қараб районлаштирилған харита асосида олиб борилади. Бундай харита асосида ўрганиладиган жараёнларни керак бўлса, уларнинг ривожланишига таъсир этувчи геоморфологик, геологик, гидрогеологик ва иқлимий шароитларни инобатта олиб, назорат этиб турувчи таянч майдонларини белгилаш мумкин. Таянч майдонларини белгилаётганда жараёнларни геологик мұхитта келтириши мумкин бўлған зарарини ёки иншоотта ва инсон ҳаётига хавф түфдириш даражаси ҳам инобатта олинади. Шунинг учун бундай кузатиш ишлари хавфли сурйима, сел, эрозия каби жараёнларни динамикасини ўрганиш мақсадида олиб борилади. Бундай жараёнларни кузатишга, зарарли оқибатларнинг олдини олишга кетган харажатлар, улар келтириши мумкин бўлған зарарларидан бир неча марта арzon бўлади.

Техноген жараёнларни назорат этувчи майдонларини белгилашда инженер-геоэкологик хариталардан ташқари корхоналардан чиқаётган чиқиндилар, ҳаво ва сув оқимлари билан қайси йўналишда қанча масофагача тарқали-

ши, сув омборлари каби муҳитни ифлослантирумай ҳар хил даражада ўзгартурувчи иншоотларини таъсир доираси каби маълумотлар ҳам ҳисобга олинади. Сув омборла-рида гидротехник иншоотларини, қирғоқларини емири-лиши, чўкишини ҳам назорат қилиб турилади. Бундай назорат ишлари янги қурилган муҳим биноларда, йўллар-нинг бузилишига хавф тудурувчи жараёнларни ўрганиш мақсадида ҳам олиб борилади. Назорат ишларининг олиб борилиши қурилиш лойиҳасида кўрсатилган бўлиб, қури-лиш вақтида олиб бориладиган ишлар қурилиш ҳисоби-га, иншоотни ишлаш давридаги назорат ишларини чи-қими эса иншоотни ишлатишга ажратилган сарф ҳисо-бидан бажарилади.

Назорат вақтида геологик муҳитта заарали бўлган жа-раёнлар билан бирга фойдали жараёнларнинг динамика-си ҳам ўрганилади. Жараёнларнинг турларини, уларнинг фазовий тарқалишини, ҳажмини, ривожланиш тезлиги-ни, такрорланиш вақтини, давомийлигини аниқлашга эътибор берилади. Уларни бир ёки бир неча йиллик динамикасини аниқлаб, иқлим, ер ости сувлари, сувли ин-шоотларнинг, кон ва саноат корхоналарининг иш режи-ми билан таққослаб, жараёнларни ривожлантирувчи омил-лар аниқланади.

Геологик жараёнларнинг турлари, тарқалиши, ҳосил бўлиш сабаблари, уларни ўрганиш услублари ва уларга қарши курашиб чоралари маҳсус “Инженерлик геоди-намикаси” дарслигига ёритилганлиги сабабли биз фақат техноген жараёнлар таъсирида муҳитнинг ифлосланишини бошқариш ҳақида умумий маълумот берамиз.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Стокгольмда қабул қилган декларациясида (1981), атроф муҳитга ток-сик ва бошқа моддаларни чиқармаслик, иссиқликни меъ-ёридан оширилмаслик, табиат ўзини тиклай олмайдиган ҳолга келтирилиши ҳолатларини тутатилиши лозимлиги кўрсатилган. Бунинг учун технологик жараёнларни тако-миллаштириш, кам чиқиндили ва келажакда чиқиндисиз ишлаш технологиясига ўтиш зарур. Кам чиқиндили тех-нологияга ўтиш фақат саноат корхоналаригагина тегиши-ли бўлмай, балки чарвачиликка ҳам тегишилдир. Чиқин-дисиз ишлаш технологиясига чиқиндиларни йифиб, за-парсизлантириб, уларни қайта ишлаб бирор фойдали маҳсулотга айлангириш ишлари киради. Бунинг учун кор-

хоналарнинг ҳар хил бўлимидан чиқаётган турли таркиб-ли чиқинди, газ ва оқава сувларни тозалаш иншоотига йиғиб бирданига тозаламай, алоҳида-алоҳида тўпланса улардан керакли моддаларни ажратиб олиш осонлашади. Тозаланган газ ва сув қайта ишлатилиди. Бир корхонадан чиқдан чиқинди иккинчи корхонага ҳом ашё сифатида ишлатилиши мумкин. Геологик муҳитни назорат қилиш ва унинг тозалигини бошқариб туришда ҳаво, сув ва тупроқ таркибида заарли моддаларнинг миқдори меъёрномада кўрсатилган концентрациясини мумкинлик чегарасидан ошиб кетмаслигига алоҳида эътибор берилади. Бунинг учун ҳавога чиқарилаётган заарли газ сувга оқизилаётган чиқинди миқдорини назорат қилиб, бошқариб табиий муҳитнинг ҳар бир компонентига берилаётган заарали таъсирини мумкинлик чегарасидан ошиб кетмаслигига эътибор берилади.

Шундай қилиб, ҳўжалик, техник, инсон фаолияти ва табиий муҳит орасидаги муносабат ўзаро бир-бирлари билан боғлиқ система ҳисобланиб улар бошқарилиб турилиши лозим. Бошқариш ишлари сифатли бажарилса, табиий компонентларига берилаётган зарар меъёридан ошмаса, табиат жароҳатларининг тикланиши, ҳатто ўз ҳолига келиши мумкин. Бунда бир системада бўладиган ўзгаришнинг албатта бошқасига таъсир этишини инобатга олиш керак. Системанинг қатъий чегараси бўлмаганлиги сабабли, бъязан ифлосланган ерлардан узоқ ма софаларда ҳам катта ўзгаришлар вужудга келиши мумкин. Масалан, кислотали ёмғирлар юзлаб километрга тарқалиб, ўсимлик, тупроқ ва иншоотларни шикастлаши мумкин.

Геологик муҳитни соғломлаштиришда ўсимликларнинг, айниқса ўрмонларнинг аҳамияти ниҳоятда катта. Улар кислород чиқариб ҳавони чанг ва заарли моддалардан тозалашдан ташқари, шовқин ва шамолнинг кучини пасайтиради. Уларнинг аҳамияти айниқса чўл ва тоғли ҳудудларда катта бўлиб, эрозия, сел, сурилма каби жараёнларнинг олдини олишда, ҳаво ҳарорати ва намлигини мұттадил сақлашда, халқни мева, курилиш, чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлашда фойдали томонлари ниҳоятда кўп. Суғориладиган ерлардаги иҳотазорларни камайтираётган ҳўжаликларда эрозия жараёни кучайиб замин нами бекорга буғланиб, ҳосилдорлик ка-

майиб, гармсөл вақтларида фұза гули тұқилиб кетмоқда. Шунинг учун иҳотазорнинг, тоғ ва чүл ўрмонларининг қисқаришига чек қойиб, уларни ва тұқайзорларни кенгайтириш зарур.

Шаҳарларда күкаламзорлар умумий майдоннинг 40-50% ташкил қилиб, улардан 80% га яқинини хиёбонлар, дараҳтзорлар, боғлар ташкил қилиши керак.

Қишлоқ ھұжалигыда кимёвий моддалардан фойдаланиш кенг тарқалған. Ұғит таркибидаги нитрат, оз миқдордаги алюминий, магний тупроқда күп йиллар давомида йиғилиб, қишлоқ ھұжалик маңсулотлари орқали инсон саломатлигига заарар келтирадиган даражага келиши мүмкін. Тупроқни заарарлы моддалардан муҳофазалаш мақсадида таксиналиги кам, енгил парчаланадиган кимёвий моддалар билан бирға биологик усууллардан фойдаланишга алоҳида эътибор берилади. Бунинг учун:

— ұсимлик тури тупроқнинг таркибига, хусусиятига қараб, кимёвий моддаларнинг турини, миқдорини ва ишлатиш вақтини аниқлашыға;

— кимёвий ұғит билан заараркунандаларга қарши ишлатиладиган моддаларни бирға ишлатыб, уларни тез парчаланиб кетадиган, тупроқда фойдали микроорганизмларнинг ривожланишига ижобий таъсир қыладыган хилларини ишлатышыға;

— тупроқни чукур шудгорлаб, пастда йиғилиб қолған кимёвий моддаларни юқорига чиқашиб парчаланиб кетишига, микробиологик жараёнларни фаоллаштырышыға;

— тупроқдаги заарарлы кимёвий моддаларни парчалайдыган микроорганизмлар билан бойитишишыға;

— тупроқдаги заараркунандаларга чидамли ёки уларға салбий таъсир этувчи ұсимлик турларини таңлашыға, алмашлаб экишыға алоҳида эътибор бериш зарур.

Қишлоқ ھұжалигыда техниканинг ишлатишида тегишли чоралар күрілмаса, тупроқтарни ёқылғи ва газлар билан ифлосланишига олиб келиши мүмкін. Энг күп заарар келтирадиган катта чорва иншоотларидир. Улар қуриладыган ерни таңлашда ер ости ва устки сувларини ифлослантирумайдыган, шамол чорвахона томонидан қишлоқ ва шаҳар томонига йұналмаган бұлишини ҳисобға олиш зарур. Бундан ташқары шалғоғ йиғиб, тозаловчи иншоотларни сифатли лойиҳаланишига, қурилишига ва ишлатишига алоҳида эътибор бериш зарур.

Жумҳуриятимизда мониторинг ҳақида ҳар хил ижобий фикрлар (матбуотда) билдирилгани билан амалда қилинаётган ишлар кам. Аксарият экзоген жараёнлар, иқлим ва сув режими ўрганилади. Саноат корхоналарининг, сув иншоотларининг чорвахоналарнинг табиий муҳитга тасъирини назорат қилинмаганлиги, бу ҳақдаги маълумотларнинг етарли бўлмаганлиги сабабли лойиҳа тузувчилар янги тузилаётган лойиҳа ва қурилаётган иншоотларда ўзларининг олдинги ишларидан хатоларни инобатта олиш, табиий муҳитни мудоғазалашнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш имкониятига эга бўла олмайдилар. Натижада хўжаликнинг бирор тармоғида маҳсулотнинг нархини камайтириш мақсадида табиатни жароҳатлаш ортиб боради. Бу жароҳатларнинг асосий айбдорлари четда қолиб кетади. Мустақилликка эришган жумҳуриятимиз АҚШ ва тараққий этган бошқа давлатлардагидек “Мониторинг” ташкил этишига ишонамиз. Америкада экологик мониторинг кенг тармоқли бўлиб, ҳукumatдан ажратиладиган маблағ ҳисобига ишлайди. Унинг ишларини Виржиниядаги Бостон илмий маркази бошқариб туради. Инсонни хўжалик фаолияти тасъирида ўзгариши мумкин бўлган ҳамма табиий элементлар назорат қилиниб турилади. Ўлчов ишлари АҚШнинг ҳамма ерида бир вақтда автоматик ўлчов асблоблари ёрдамида олиб борилади. Бир ёки бир неча штатдан олинган маълумотлар бир ахборот марказига йифилади. Улар соҳа яқинлигига қараб гуруҳланиб, эколог мутахассислар томонидан текшириб, умумлаштирилиб, тегишли чизма, кесма, хариталарни компьютерда тузиб табиий муҳитдаги ўзгаришлар аниқланади. Заарланиш меъёридан ошган ерга тезда ахборот марказидан мутахассис чиқиб, текшириш ўтказиб, натижаси асосида билидиришнома ёзиб, унда тегишли тавсиялар кўрсатилиб унинг бир нусхаси айбдор ташкилот раҳбариятига юборилади.

Айбдор табиатга келтирган заарини тезда тузатмаса, у катта жарима тўлашга мажбур этилишини билиб, аксарият ўз вақтида ҳукumat раҳбарлари аралашмасидан табиий муҳитни тикловчи тадбирлар ўтказади. Табиатдаги салбий жараёнларнинг, унинг сабабчисини вақтида аниқлаш, ўз вақтида тегишли чоралар кўриш, геологик муҳитни шикастланишдан сақлаш имкониятини беради.

Табиий муҳитдаги ўзгаришларни ўрганиш ва башоратлашда инсон фаолияти таъсиридан ташқари иқлимининг табиий ўзгариб туришини ҳам инобатга олиш зарур. Ердаги ҳарорат ва у билан боғлиқ бўлган иқлим ўзгаришлари кунлик, фаслий тақрорланишдан ташқари, 11, 22, 90, 170, 350 каби кўп йиллар, асрлар ва ҳатто геологик даврлар ичидаги ҳам ўзгариб туришини инобатга олиш керак.

Ёғингарчилик миқдорини 1969, 1980, 1991 йилларда нисбатан кўп бўлиши сел ва суримла каби жараёнларнинг кучайишига сабаб бўлди. Бундай ўзгаришлар ер сатҳининг ҳар ерида турли хил даражада бўлиб, кутбларга яқин ерларда ўртача йиллик ҳароратнинг $0,5\text{--}2^{\circ}\text{C}$ га камайиши оқибатида кема қатнови йўлларини муддатидан олдин қаттиқ музлаб, юк ташиш режаларининг бузилишига олиб келади.

Марказий Осиё каби қуруқ ва иссиқ иқлимли шароитда ёзги ҳароратнинг паст келиши ўсимлик касалликларини қўпайтириб, ҳосилнинг пишиш муддатини кечиктирса, ёгинча рчиликнинг камлиги эса сув танқислигига сабаб бўлади, айниқса ламикор дехқончиликка ва ўрмончиликка салбий таъсир қиласади.

ШАРТЛИ БЕЛГИЛАР

1. Төг жинслари ҳосил бүлгән эра ва даврлар

1.1. Кайнозой әраси — Kz

Q_{IV} — ҳозирги замон түртламчи (голоцен)

Q_{III} — юқори түртламчи

Q_{II} — ўрга түртламчи

Q_I — пастки түртламчи

Q — түртламчи (плейстоцен)

N — неоген

P — палеоген

1.2. Мезозой әраси — Mz

K — бур

J — юра

T — триас

1.3. Палеозой әраси — Pz

P — пермъ

C — тошкүмир

D — девон

S — силур

O — ордовик

E — кембрый

2. Төг жинсларининг ётқизилиш услуби

a — аллювиал

p — пролювиал

d — делювиал

c — коллювиал

e — элювиал

v — зөл

l — күл

m — дөңгиз

g — музлик

ch — кимёвий

3. ТОҒ ЖИНСЛАРИННИГ ПЕТРОГРАФИК ТАРКИБИ


3.1. ЧҮКИНДИ ТОҒ ЖИНСЛАРИ

	кум		мергель
	майда шагал		кумлук
	шагал		кумоқ
	майда чақиқтош (Дресва)		тил
	чақиқтош		ләсс
	харсанг		үзгарган ләсс
	кумтош		ләссымон
	шагалтош		тошқотган ләсс
	кум, шагал аралапмаси		кум ва гилларни табақаланиши
	алевролит		топш арадаш қумоқ жинслар
	аргелит		гипс
	оқактош		ангидрит
	доломит		оқакли туф

3.2. Магматик тоғ жинслари

	гранит		порфирит, андезит
	сиенит		диабаз, базальт
	диорит		габбро, перидотит
	трахит		туф


3.3. Метаморфик төр жинслари



гнейс




тиллик сланец



кварцит



мармар



фосфорит

3.4. Төр жинсларидаги аралашмалар (қирқимдаги белгилар)



гумус



палеонтологик қолдик



конкремция



тош




археологик қолдик



туз

4. Жараёнлар


4.1. Эндоген (пушти рангда)




кент тектоник узилмалар (рақамлар: римчаси — узилманнинг категорияси; арабчаси — узилманинг тартиб сони)



узилма чизиги



тектоник ёриқ ва унинг ётиш бурчаги



тектоник серёриқ ҳудудлар


4.2. Экзоген



сўнаётган жарлик




қадимий сой ва дарёлар




ӯсаётган жарлик



қирғоқларни емирилиши




тик қиялик ва унинг баландлиги



тупроқ шурланиши



карст гори



ботқоқ ва заҳқаш ерлар

	үпқон		шамол эрозияси
	тош күчиши		тақирилар
	қор күчиши		шамолнинг асосий йўналиши ва ўрта йиллик тезлиги, м/с
	суримла		
	суримла ерлар		
	ўпирилма		қадимий сел ётқизиклари
	ўпирилмали ерлар		
	окувчанлик		
	сел йўналиши		
	янги сел ётқизиқлари		

4.3. Техноген

	очиқ мис кони (карьер)		касалхона
	ташландиқ тилла кони		саноат корхонаси
	ёлиқ кумуш кони (шахта)		кимёвий моддалар омборхонаси
	ташландиқ симоб кони		намлиқ таъсиридан чуккан ерлар
	чақиқ тош түкилма чиқиндиҳона ва унинг қалинлиги		молхона
	майдо чақиқ тош кумли чиқиндиҳона ва унинг қалинлиги		нефть ва газхона омборлари
	майший чиқиндиҳона ва унинг қалинлиги		тозалагич иншооти

5. Сатқ қияликлари ва уларни ўзлаштиришга қулайлиги

- 0°—3° — Деярли горизонтал. Қурилиш ва қишлоқ хұжалигіда ўзлаштириш учун қулай. Лекин ер ости сувларининг оқиши секин бұлғанлиғи сабабли захлаб ва шүрланиб кетиши, дарё бүйларининг суб босиши эхтимоли бор.
- 3—7° — Меъёрли қияликтегі сатқулар. Улар уйлар, шаңар ва қишлоқлар қурилишларига, деҳқончилікка қулай. Катта оғир саноат корхоналари, құнимгоҳлар қурилишига қисман нокулай.
- 7—17° — Қия сатқулар. Баланд пойдеворлы бинолар, енгіл саноат корхоналари, дам олиш уйлары қурилишига қулай. Оғир саноат корхоналари, құнимгоҳлар, каналлар қурилишига нокулай. Эрозияга берилувчанлиғи туфайли боғдорчилікні ривожлантириліб деҳқончилік, айниқса, әттілаб сугориладиган деҳқончилік чегараланмоғи зарур.
- 17—27° — Ўрта қияликлар. Езда дам оладиган бинолар, оромгоҳлар қурилишига қулай. Халқи сийрак, бинолар орасидаги масоғалар катта, пойдевори баланд бұлиши керак. Боғдорчилік, айниқса деҳқончилік чегараланған бұліб, эрозияға қарши максус چоралар құришни талаб этади.
- 27° — Тик қияликлар. Қурилишга, ўзлаштиришга нокулай. Табиий ҳолда сақланиши, қисман яйлов ва ўрмон хұжалигіда ишлатилиши мүмкін.

ТАВСИЯ ЭТИЛГАН АДАБИЁТЛАР

- X. A. Абдуллаев — Биогеохимия ва тупроқ муҳофазаси асослари. Тошкент. “Ўқитувчи”, 1989, 127 б.*
- T. A. Алимов, A. A. Рафиқов — “Экология хатолик сабоқлари”, Тошкент, “Ўзбекистон”, 1991, 70 б.*
- П. Баратов — Табиатни муҳофаза қилиш. Тошкент, “Ўқитувчи”, 1991, 254 б.*
- А. Д. Говард, Н. Ремеон. — Геология и охрана окружающей среды. Л. “Недра”. 1982, 583 с.*
- Э. В. Кадыров — Лёссовые породы: происхождение и строительные свойства. “Ўзбекистон”, 1979, 166 с.*
- Г. А. Мовлонов, А. И. Исломов, М. Ш. Шерматов — Геологик ва инженер-геологик ҳодисалар нима? Тошкент, “Фан”, 1970, 136 б.*
- Г. А. Мавлянов, К. П. Пулатов — Методы изучения просадочных лёссовых пород. Ташкент, “Фан”, 1975. 79 б.*
- Э. В. Мавлянов, Н. М. Умаров, Н. А. Нурадилов — Методические рекомендации по проведению эколого-гидрогеологических и инженерно-геологических исследований и картографированию в масштабе 1:200 000—100 000 на орошаемых территориях. Ташкент, 1993, 76 с.*
- В. Н. Мосинец, В. А. Шестаков, О. К. Авдеев, В. И. Мельниченко. Охрана окружающей среды при проектировании и эксплуатации рудников. М., “Недра”, 1981, 309 с.*
- Н. И. Плотников, С. Краевский — Гидрогеологические аспекты охраны окружающей среды. М. “Недра”, 1983.*
- Н. С. Подобедов — Природные ресурсы земли и охрана окружающей среды. М. “Недра”, 1985, 236 с.*
- А. В. Путилов, А. А. Конреев, Н. В. Петрухин — Охрана окружающей среды. М. “Химия”, 1991, 224 с.*
- Т. Тўхтаев, А. Ҳамидов — Экология асослари ва табиатни муҳофаза қилиш. Тошкент, “Ўқитувчи”, 1994, 160 б.*
- М. Ш. Шерматов — Инженерно-геологические свойства лёссовых пород. Ташкент. “Фан”, 1971, 188 с.*

М. Ш. Шерматов — Ўзбекистон геологияси тўғрисида нималарни биласиз?, Тошкент, “Фан”, 1972, 63 б.

Ю. Ш. Шодиметов — Региональные проблемы социальной экологии. Тошкент, “Ўзбекистон”, 1992, 111 б.

Ю. Ш. Шодиметов — Ижтимоий экологияга кириш. I қисм, Тошкент, “Ўқитувчи”, 1994, 140 б.

Охрана окружающей среды и использование природных ресурсов Республики Узбекистан. Доклад под редакцией председателя Госкомприроды Республики Узбекистан Хабибуллаева А. Ш. Тошкент, “Ўқитувчи”, 1993, 90 с.

А. С. Хасанов, М. Ш. Шерматов, М. Умаров. — Лабораторияда тупроқ хусусиятини аниқлаш. Тошкент, Ўзбекистон Марказий Комитетининг бирлашган нациёти. 1966, 28 б.

Курилиш меъёрлари ва қоидалари.

Зилзилавий ҳудудларда курилиш. (ҚМҚ 2.01.03—96). ЎзР Давлат архитектура ва курилиш қўмитаси. Тошкент — 1996, 64 б.

МУНДАРИЖА

Сүз боши	3
Кириш	7
1. Табиий ва геологик мұхит	10
2. Табиий мұхитнің мұхофазалаш фанлари	18
3. Табиий мұхитнинг сифатини белгиловчы стандартлар	22
4. Экологик экспертиза	25
5. Табиатни мұхофазалашдаги ташкилий масалалар	27
6. Табиий хавфли жараёнлар ва уларни атроф мұхитта салбий таъсири	30
6.1. Ернинг ички күчларига боелиқ хавфли жараёнлар	30
6.2. Ернинг ташқи күчларига боелиқ хавфли жараёнлар	50
7. Инсон фаолияти билан боелиқ бұлған жараёнлар	58
7.1. Дендрончилік билан боелиқ салбий жараёнлар	58
7.2. Чорвачилік билан боелиқ бұлған салбий жараёнлар	65
7.3. Сув иншоотлари билан боелиқ бұлған салбий жараёнлар	67
7.4. Саноат корхоналари билан боелиқ бұлған салбий жараёнлар	74
7.5. Шаҳарларни табиий мұхитта салбий таъсири	80
7.6. Кончилік билан боелиқ бұлған салбий жараёнлар	86
8. Геологик текшириш ишлари	91
8.1. Геоэкологик ұжжатлаштириш	92
8.2. Геоэкологик тасвирилаш	99
8.3. Геоэкологик қиди्रув ишлари	113

8.4. Аэрокосмик текшириш усули	121
8.5. Намуналаш	127
8.6. Лаборатория ишлари	131
8.7. Тажриба ишлари	133
8.8. Кузатув ишлари	137
8.9. Хонаки ишлар	139
9. Мониторинг	143
Шартли белгилар	150
Тавсия этилган адабиётлар	155

Кадыров Эркин, Шерматов Маъбуд, Акбаров
Хабибулла, Мавлянов Эркин, Адылов Абдусаттар

**ГЕОЛОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ЗАЩИТЫ
ОКРУЖАЮЩЕЙ СРЕДЫ**

На узбекском языке

Издательство “Ўзбекистон” — 1999.
700129, Ташкент, Навои, 30.

Бадиий мұҳаррір *T. Қаноатов*
Техник мұҳаррір *C. Собирова*
Мусаххік *Ш. Оріпова*
Компьютерда тайёровчы *Ә. Ким*

Теришга берилди 30.09.98. Босишига рухсат этилди. 29.12.98. Бичими
 84×10^8 /^{1..} “Таймс” гарнитурада оғсет босма усулида босилди.

Шартли б.т. 8,40. Нашр. т. 8,26. Нұсқаси 2000.
Буюртма № 16. Баҳоси шартнома асосида.

“Ўзбекистон” нашриёти, 700129, Тошкент,
Навоий кўчаси, 30. Нашр № 125-97.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси ижарадаги
Янгийул китоб фабрикасида босилди.
702806, Янгийўл, Самарқанд кўчаси, 44.